

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

ИҚТИСОДИЁТ  
Йўналиши

«ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ»  
МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА

Тошкент 2019

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофик ишлаб чиқилган.**

**Тузувчилар:** ТДИУ профессори, и.ф.д. Хасанов Р.Р.,  
Тармоқ маркази бўлим бошлиғи Агзамов А.Т.

**Тақризчи:** А.М. Қодиров - ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМ бўлим бошлиғи, и.ф.д., профессор.

*Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Кенгашининг 2019 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_-сонли қарори билан нашра  
тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>12</b>
<b>III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....</b>	<b>18</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР.....</b>	<b>28</b>
<b>V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>102</b>
<b>VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>108</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>111</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>114</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Мазкур ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чикқан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Замонавий шароитларда жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда. Бунда иқтисодиётни инновацион тараққиётини таъминлаш долзарб вазифага айланди. Шу мақсадда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 29 ноябрь куни

Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги фармонни имзолади.

Фармонда қуидаги тизимли муаммоларнинг мавжудлиги, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун мавжуд имкониятлар ва салоҳиятдан етарлича фойдаланмаслик кўзланган ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишига ҳамда мамлакатнинг жадал инновацион ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

1. Давлат дастурларини ишлаб чиқишида замонавий фан ва инновацион технологияларнинг ютуқлари ва ривожланиш тенденцияларини лозим даражада комплекс таҳлил қилиш ва ўрганиш мавжуд эмас, бунинг оқибатида мазкур дастурлар аксарият ҳолатларда муаммоларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган ҳамда узоқ муддатли ривожланиш масалаларини ҳал этмаяпти;

2. Фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этишнинг ҳозирги ахволи инновацион ғоялар ва ишланмаларни тўлиқ рўёбга чиқариш ва амалий жорий этиш учун лозим даражадаги шароитларни таъминламаяпти;

3. Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик прогноз қилиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни таъминловчи ягона органнинг мавжуд эмаслиги, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасаларининг тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатиши фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ интеграциялашишига имкон бермаяпти, бу эса ўтказилаётган изланишларнинг самарадорлигини пасайтироқда;

4. Юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни биринчи навбатда жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш бўйича фаолиятни ташкил этишдаги камчиликлар технологик қолоқликка ва инновацион товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг чекланганилигига олиб келмоқда;

5. Илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ҳамда инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этишда алоҳида ҳолатлардаги тор идоравий манфаатларнинг устунлик қилиши бюджет маблағларидан нооқилона фойдаланишнинг сабабларидан биридир;

6. Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликни татбиқ этишга, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришга етарли эътибор қаратилмаяпти;

7. Инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш соҳасида юқори тажриба ва салоҳиятга эга бўлган хорижий (халқаро) ташкилотлар билан ҳамкорлик, шунингдек, улардан бутун мамлакат фани, саноати ва иқтисодиётини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда фойдаланиш паст даражада сақланиб қолмоқда.

Фармон билан Ўзбекистон инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари белгилаб олинди:

мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион

ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш;

давлат хизматлари кўрсатишининг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштириши, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шаклларини жорий этиш;

худудлар ижтимоий-иктисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги юксалиши учун зарур шароитларни таъминлашга қодир бўлган фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг янада ривожланишини таъминловчи норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, ушбу фаолиятда иқтидорли ёшлар фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратиш;

мамлакат илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг истиқболли ютуқларини тарғиб қилиш ва жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, шу жумладан илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузилмаларни, хусусан, чет эл инвесторлари иштирокида ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни, жумладан, муқобил энергия манбаларини, сувни тозалаш ва чучуклаштириш, ундан оқилона фойдаланишининг замонавий шаклларини кенг қўллаш орқали фаол жорий этиш;

соғлиқни саклаш соҳасида касалликларни барвақт аниқлаш ва профилактика қилиш, ўз вақтида ва самарали даволашга имкон берувчи илгор технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган комплекс тизимни яратиш;

агар соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни, шу жумладан ишлаб чиқариш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга қўмаклашувчи қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини тарғиб қилиш;

иктисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳар томонлама ривожлантириши таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация, саноат ва бошқа инновацион технологияларни жадал жорий этиш;

инновация фаолияти соҳасида илгор хорижий (халқаро) ташкилотлар билан, шу жумладан уларни ноу-хау, нанотехнологиялар ва юқори технологик

товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг маҳаллий бозорига жалб қилиш орқали ҳамкорликни кенгайтириш<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Дастур мазмунни инновацион иқтисодиёт борасидаги билимларни такомиллаштириш, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши муаммоларини аниқлаш, уларни ўрганиш, таҳлил этиш ва баҳолаш, кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу дастурда хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларига асосланган ҳолда, корхона ва ташкилотларда инновацион фаолият ҳолати, уни ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион ёндошувлар иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг амал қилиши муаммолари, тегишли чора-тадбирлар белгилаш борасидаги вазифалар баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Инновацион иқтисодиёт” модулининг **мақсади** Инновацион иқтисодиёт борасидаги билимларни такомиллаштириш, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши муаммоларини аниқлаш ва баҳолаш, инновацион фаолият ривожлантириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳисобланади.

“Инновацион иқтисодиёт” модулининг **вазифалари**:

- инновацион ривожланишининг моҳияти ва мазмунини ёритиб бериш;
- инновацион жараён моделлари ва қонуниятлари, уларнинг амал қилиши тўғрисида ахборот бериш;
- интеллектуал мулк ва капиталнинг ҳаракатланиши, унинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш бўйича мунозалар юритиш;
- Ўзбекистоннинг миллий инновацион тизимининг шаклланиши ва ривожланиши бўйича тушунчалар бериш;
- инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларининг ўрнини кўрсатиб бериш;
- корхона ва ташкилотларда инновацион фаолиятни бошқариш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими тўғрисида мунозарали баҳслар юритиш.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги., ПФ-5264-сон Фармони. Тошкент ш, 2017 йил 29 ноябрь.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Инновацион иқтисодиёт” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

- Инновацион иқтисодиёт борасида мавжуд ҳолат ва юзага келадиган муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш йўлларини билиши борасида **билимларига эга бўлиши**;

### **Тингловчи:**

- Инновацион иқтисодиёт жараёнларини таҳлил қилиш, тенденцияларни баҳолаш **қўникма ва малакаларини эгаллаши**;

### **Тингловчи:**

- замонавий билимларни қўллаш орқали муаммолар ечимини топиш, уларни бартараф этиш ва қарорлар қабул қилиш борасида **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Инновацион иқтисодиёт” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммункация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида “Ақлий ҳужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий ҳужум, кейс, гурухларда ишлаш, SWOT-таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Макроиктисодий сиёsat ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш стратегиялари”, “Амалий эконометрика” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Инновацион иқтисодиёт муаммоларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш, баҳолаш ва ечимини топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустакил тальим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси						
			жами	Назарий машғулот	Амалий машғулот	Кўчма машғулот			
1.	Инновацион иқтисодиётнинг мазмуни, шаклланиши ва амал қилиш хусусиятлари.	2	2	2	2	-			
2.	Илмий – тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ)ни ташкил қилиш ва лойиҳалаштириш.	4	4	-	2	2			
3.	Инновацион тараққиётнинг хориж тажрибаси.	2	4	-	2	-			
4.	Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши.	4	2	-	2	-			
	<b>Жами:</b>	<b>12</b>	<b>12</b>	<b>2</b>	<b>8</b>	<b>2</b>			

## НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу. Инновацион иқтисодиётнинг мазмуни, шаклланиши ва амал қилиш хусусиятлари. Инновацион ривожланишининг моҳияти ва мазмуни. Ривожланишининг инновацион типи. Юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Микро ва макроиқтисодий жараёнларда илфор ташкилий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш. Технопарк, техно полис, кам энергия талаб этадиган технологиялардан фойдаланиш сиёсати. Ишлаб чиқариш фаолиятини интеллектуалаштириш. Иқтисодиётни софтлаштириш ва сервислаштириш. Илмталаб ишлаб чиқаришни ривожлантириш.**

Инновацион тараққиётда инновацияларнинг чизиқли модели. Фундаментал илмий ғоялар. Инновацияларнинг кўп сонли манбалар модели. Билимларга асосланган иқтисодиёт. Илмий салоҳият. Инновацион жараён моделларининг амал қилиш қонуниятлари. Давлатнинг илмий-техник сиёсати.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот.**

**Инновацион иқтисодиётнинг мазмунни, шаклланиши ва амал қилиш хусусиятлари. Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмунни.**

Муҳокама этиладиган масалалар.

1. Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмунни.

2. Билимларга асосланган иқтисодиёт ва унинг хусусиятлари.

3. Инновацион жараён моделлари ва амал қилиш қонуниятлари.

**Калит сўзлар:** Инновацион ривожланиш. Билимларга асосланган иқтисодиёт. Инновацион жараён. Инновацион модел. Инновацион мойиллик. Янгиликка интилиш. Инновацион барқарорлик.

### **2-амалий машғулот.**

#### **2-мавзу. Илмий – тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ)ни ташкил қилиш ва лойиҳалаштириш.**

Муҳокама этиладиган масалалар.

1. Илмий – тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ)нинг мазмунни. ИТТКИларини ташкил қилиш ва лойиҳалаштириш босқичлари.

2. Интеллектуал мулк ва капитал шаклланиши.

3. Фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг самарали тизими яратишнинг зарурлиги.

4. Янгиликларни ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва яратишни бошқариш.

### **3-амалий машғулот.**

Муҳокама этиладиган масалалар.

#### **Инновацион тараққиётнинг хориж тажрибаси.**

Муҳокама этиладиган масалалар.

1. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инновацияни ривожлантириш асослари.

2. Мамлакатнинг инновацион салоҳиятини ўлчашда миқдорий ва сифатни аниқловчи индикаторлар.

3. Илмий тадқиқот марказлари ва таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда давлат роли.

4. Инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

5. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми.

**Калит сўзлар:** Инновацион фаолият. Инновациянинг ахборот – коммуникация технологиялари. Инновацион бошқарув. Инновацион стратегия. Инновацион лойиҳалар. Инновацион самарадорлик. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш.

**4-амалий машғулот.**  
**Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши.**

Мұхокама этиладиган масалалар.

1. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши.
2. Инновацияга асосланган иқтисодий тизимнинг хусусиятлари.
3. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш истиқболлари.

**Калит сўзлар:** Миллий инновацион тизим. Инновацияга асосланган иқтисод. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш истиқболлари.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- **давра сұхбатлари** (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);

- **баҳс ва мунозаралар** (loyihalar echimi bўyicha daliillar va aсосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

- **Кенг кўламли сұхбат.** Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутади. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гурӯҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни кучли ва кучсиз томонларига диққатларини қаратса олиши; иш жараёнида очиб берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини мұхокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

- **Пресс-конференция.** Қисқа сўзга чиқишдан сўнг, биринчи савол бўйича маъruzachiiga (агарда маъruzalар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъруза мавзууси бўйича унга савол бериши лозим.

- **Кейсларни (муаммоли вазиятларни) ечиш.** Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида ҳосил бўлган, мустақил излаб топилган далиllar, касбий ахамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англаш етишга ёрдам беради.

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

### **Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари** **Музокаралар**

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

#### **Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши**



#### **Бахс**

**Бахс** – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

## **Анжуман-баҳсининг роли**

**Олиб борувчи** – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

**Оппонент** – тадқиқотчилар мұхитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафакат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалаши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

**Мантиқчи** – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидағи қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қиласи.

**Психолог** – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

**Эксперт** – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, хulosалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

### **«Ақлий ҳужум»**

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласи) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, мұхокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўниқмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув групахи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро грухларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

- Хар бир групх ичидаги умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

## Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этиувчилар



**Тоифали жадвал** Тоифа – мавжуд ҳолат ва муносабатларни акс эттирадиган белги (умумий).



- ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштириши тъминлайди.
- тизимли мушоҳада килишини, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

Тоифали шархни тузиш қоидалари билан танишилади. Ақлий хужумдан сўнг (кластерга ажратиш) мини гурухларда янги ўқув материали билан танишилади ва олинган маълумотлар фрагментларини бирлаштиришга имкон берадиган тоифаларни излаш ишлари олиб борилади.

Тоифалар жадвал кўринишида расмийлаштирилади. Фоя маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади. Иш жараёнида маълум бир тоифалар номлари ўзгартирилиши мумкин.

Ишнинг натижавий тақдимоти

### Вени диаграммаси



### SWOT-таҳлил жадвали

**SWOT** – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

**Strengths** – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


**Weakness** – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

**Opportunities** – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

**Threats** – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилиниң муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқиша унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуидагича талқин қилиш мумкин:

## “Кучлар таҳлили” графиги



### «Кучлар таҳлили» графигини түзиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи түсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгіб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

## “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишини амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

### Кейс.

Амалий вазият. Инновацион тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътиrozлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳатиз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1- Мавзу. Инновацион иқтисодиётнинг мазмуни, шаклланиши ва амал қилиш хусусиятлари.**

##### **Режа**

**1. Инновацион ривожланиш ва инновацион иқтисодиётнинг моҳияти ва мазмуни.**

**2. Билимларга асосланган иқтисодиёт – инновацион иқтисодиётни шакллантириш асоси сифатида**

**3. Инновацион иқтисодиётнинг амал қилиш хусусиятлари.**

**Таянч иборалар:** Инновацион иқтисодиёт. Инновацион ривожланиш. Билимларга асосланган иқтисодиёт. Инновацион жараён. Инновацион модел. Инновацион мойиллик. Янгиликка интилиш. Инновацион барқарорлик. Креативлик.

#### **1. Инновацион ривожланиш ва инновацион иқтисодиётнинг моҳияти ва мазмуни.**

Президентимиз томонидан имзоланган “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустакамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори инновацион фаолиятни ривожлантириш йўлидаги муим адам бўлди. қарорда белгқиланган тадбирлар олимларимизнинг кунлик иш шароитини яхшқилаш бқилан бир ватда улар томонидан бажарқилаётган илмий-тадқиқот ишларининг сифат кўрсатгичларини халаро талаблар даражасига етказқилишини таъминлайди. Ма`лумки, Ўзбекистонда фан ва ишлаб чиқариш амкорлигини мустакамлаш, илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, амалий ишланмалар ва инновацион ғоялар учун мустакам асос яратқилганини таъкидлаш ўринлидир. Президентимиз ранамолигида юқори технологик илмий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи инновация марказлари ташкил этиш, улар фаолиятини рағбатлантириш, илмий-инновацион маҳсулотларни амалиётга кенг жорий этиш борасидаги ислоотлар изчқиллик бқилан олиб борилаётгани тасқинга сазовордир.

Мамлакатимизда илм-фан тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари таълимтизимига о`тишининг инновацион амда қилг`ор хорижий тажрибалари,

янгича ёндашувларни жорий этишда намоён бўлмода, Таълимтизимини исло қилишга бўлган бундай ёндашув жамият аётининг турли соҳалари учун юқори салоиятга ега кадрлар тайёрлаш, барча жабаларни замон талабига мос тарзда ривожлантириш имконини беради.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик айта жиозлаш бўйича атор лойиалар муваффаиятли амалга оширқилмода, Бу иш самарадорлигини сезқиларли равишда ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш амда иқтисодий юксалишни таъминлаш имконини беради.

2017-2021 йқилларда илмий тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустакамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича бир атор комплекс чора-тадбирларни ўз ичига амраб олган мазкур қарор инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга мустакам асос бўлиши шакшубасизdir.

Инновациявий назарияни асосий ривожланиш босичи В. Зомбарт, В. Митчерлих, Й. Шумпетер ишларига тўғри келган. Инновациялар назариясини шаклланиши ва ривожланишига австриялик олим Й. Шумпетер катта ҳисса кўшган.

1930-йқилларда Й. Шумпетер томонидан *инновация* тушунчasi киритилди, ва у маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, етказиш жараёнларида янги ёки такомиллаштириқилган техник, технологик, ташкқилий характердаги қарорларни қўллаш оқибатида мумкин бўлган ўзгаришларни билдирав эди. Инновациянинг ушбу таърифи ва Й.Шумпетернинг ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинациялари тўғрисидаги концепцияси инновациялар назариясига бўлган иккита енг таралган ёндашувдан бирининг асосини ташкқил етади. Биринчи ёндашув - янги омиллар тўғрисидаги тушунчага асосланган, иккинчиси - янги маҳсулот ва технологияга асосланган.

«Инновация» тушунчасини тушунишга бўлган иккинчи ёндашув ишлаб чиқаришда муайян турдаги техника, технология ва боша янги маҳсулотлардан фойдаланишга асосланади. Ушбу ёндашувга соди айrim олимлар ишлаб чиқариш фаолиятининг инновациявий ва илмий-техник жиатларини тенг деб бқилади. Бунда «инновация» тушунчаси ам жараён, ам натижга сифатида тушунқилади. Руд Смиц ўзининг “XXI асрда инновациялар ҳақидаги таълимотлар: истеъмолчқилар томонидан саволлар” номли ишида инновация

тадқиқотларида жараёнли ва тизимли ёндашувчи мактабларни ажратиб кўрсатади.<sup>2</sup>

Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмунини ўрганишдан олдин “инновация” ибораси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш зарур. Ушбу тушунча инглиз тилидан олинган бўлиб, “innovation”, яъни янгилик, янгилик киритиш деган маънони англатади. Мазкур тушунча илк бор XIX аср маданиятшунослари томонидан қўлланилган. Турли халқлар маданиятларининг бир бирига таъсири натижаси сифатида пайдо бўлган ўзгаришлар янгилик, яъни инновация, деб талқин қилинган. XX аср бошларидан эса ушбу ибора иқтисодчилар лексикасига кириб келди. Бунда олимлар ва мутахассислар инновацияларни айнан иқтисодиётда вақти вақти билан рўй берадиган инқирозлардан чиқишининг муҳим воситаси сифатида ўргана бошладилар. Маълумки, иқтисодиётнинг инқироз оқибатларини енгигб ўтишга қодирлиги унинг инновационлик даражасини белгилаб беради.

Шу ўринда ўрганилаётган тушунчанинг Оксфорд изохли луғатида келтирилган талқинини ҳам эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Унда «инновация» «товарни ишлаб чиқариш ёки сотиш, конструкциялашга бўлган янги ёндашув», деб изоҳланади. Инновацияларни қўллаш натижасида новатор ёки унинг компанияси рақобатчиларга нисбатан устунликка эга бўлади.

«Инновация» атамасининг замонавий талқини машҳур иқтисодчи олим Й. Шумпетер (J.A. Schumpeter)га тегишли. Унинг фикрича, инновация – бу янги материаллар ва компонентлардан фойдаланиш, янги жараёнларни жорий этиш, янги бозорларни очиш, янги ташкилий шаклларни жорий этишга асосланган барча янги комбинацияларнинг янгидан қўшилиши ва тижоратлашувидан иборат бўлган ишлаб чиқариш функциясининг тубдан алмашинувидир.

Шу ўринда К.Шодиметовнинг “Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари” номли қўлланмасида келтирилган ушбу фикрлар ҳам эътиборли эканлигини таъкидлаш керак.

Инновация — бу моддий ишлаб чиқариш ёки сармоя концентрацияси эмас. Айрим тадқиқотчилар, жумладан, Э. Тоффлер, Ф. Фукуяма, Д. Белл, Ж. Нейсбит каби олимлар: «Айнан инновацион технологияларга таянган давлатгина юксак тараққиёт даражасига эришади», деган фикрни илгари суришади. Аслида ҳам шундай. Зоро, саноатлашган иқтисодиёт ўрнини астасекин инновацион иқтисодиёт эгаллаши оддий ҳақиқатдир. Натижада, янгидан-янги бозорлар кашф этилади. Бинобарин, инновацион мақсадларни рўёбга

<sup>2</sup> Smits Ruud. Innovation studies in the 21st century: Questions from a user's perspective. Technological Forecasting & Social Change 69, 2002, R.861-883.

чиқариш учун, хусусий инвестицияларга имтиёзлар бериш, замонавий банкларни шакллантириш, инновацияларни кафолатлаш ҳамда суғурталаш, кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, йирик технологик лойиҳалар учун миллии ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш талаб қилинади. Бундан ташқари, бу борада, инновацион сиёсатни тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) ўз ҳисоботларида юқоридаги талабларга қатый амал қдлаётган 20 га яқин давлатда инновацион ривожланиш тобора жадаллашаётганини эътироф этади. Швейцария, АҚШ, Швеция, Буюк Британия, Голландия, Финляндия, Гонконг, Сингапур, Тайвань, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Дания ва Ирландия ана шулар сирасидандир<sup>3</sup>.

Ривожланишнинг инновацион типи (ингл. Innovation model of development) – ижтимоий ишлаб чиқаришда янги илғор технологияларга урғу бериш, юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, микро ва макроиқтисодий жараёнларда илғор ташкилий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш - технопарк, техно полис, кам энергия талаб этадиган технологиялардан фойдаланиш сиёсати, ишлаб чиқариш фаолиятини интеллектуаллаштириш, иқтисодиётни софтлаштириш ва сервислаштириш билан тавсифланади.

Инновацион иқтисодиётда асосий эътибор юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш, илм талаб технологиялар ва инсон фаолиятининг турли соҳаларини инновацион ташкил этиш, иқтисодиётда инновацион тизимни шакллантириш, компьютер технологиялари ва телекоммуникация тизимларига қаратилади.

Ривожланишнинг инновацион типида, асосий ишлаб чиқариш омили бўлган меҳнатни илм билан ўзаро уйғунлашуви, техник маҳоратнинг интеллектуал маҳоратга ўсиб ўтиши содир бўлади ва бу жамиятнинг иқтисодий асосини белгилаб беради. Бундай жамиятни тасвирлашда илмий адабиётларда “информациян жамият”, “илмлар жамияти” “информацион иқтисодиёт”, “интеллектуал иқтисодиёт” каби иборалардан фойдаланилади.

Ривожланишнинг инновацион типи беовосита илмий-техникавий салоҳиятнинг мавжудлиги ва ўсиши, турли соҳаларга инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиниши билан характерланади ва инновацион фаол корхоналар сонининг ошишига олиб келади.

Ривожланишнинг инновацион тизимида миллий инновацион тизимни шаклланишига алоҳида эътибор қаратилади. Миллий инновацион тизим

---

<sup>3</sup> К.Шодиметов. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари. –Т.: “ILM ZIYO”. 2014. 14 бет

тушунчаси инновацион иқтисодиётнинг муҳим белгиси сифатида фанга XXасрнинг 70-йилларида кириб келди.

К.Фриманнинг фикрига кўра, миллий инновацион тизим – жамият томонидан истеъмол қилинадиган янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматларнинг яратилишидаги янги билимларни ишлаб чиқиша, сақлашда, тарқатишида ва янги технологияларга айланишида қатнашадиган иқтисодий субъектлар ва ижтимоий институтларнинг (қадриятлар, меъёрлар, ҳукуқларнинг) мураккаб тизими ҳисобланади<sup>4</sup>.

Технологик изчиллик қонуниятларини ва унинг тарихий мантиқий кетма-кетлигини ўрганадиган эволюцион иқтисодий назария “техник иқтисодий прадигма” ва “технологик траектория” тушунчаларига асосланади. У макродараражадаги иқтисодий ўсиш бир томондан турли-туманликка ва ноаниқликларга, иккинчи томондан эса микродараражада иқтисодий жараёнларни бир-бирига уйғунлаштириш, мутаносибликни таъминлаш, мувофиқлаштириш ва стандартлаштиришга боғлиқлигини қайд этади.

Инновацион ривожланиш концепцияси Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР), Жаҳон банки ва бошқа қатор халқаро ташкилотларнинг ташабуссига кўра кенг ривожланмоқда. Мазкур халқаро институтларнинг ташабуси билан кейинги йилларда бир қатор катта тадқиқотлар амалга оширилди, улар миллий иқтисодиётни анъанавий индустрисиал иқтисодиётдан билимга, илмга асосланган постиндустриал иқтисодиётга трансформация жараёнларини ўрганишга бағишлиланган.

Инновацион ривожланишнинг базавий кўрсаткичлари (индикаторлар) методологик база зарурий элементи сифатида муҳим аҳамиятга эга. Улар иқтисодиёт ёки унинг алоҳида тармоқларининг инновациялашув даражасини ифодалайди. Умумэътироф этилган қоидага кўра, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш даражасини бир қатор кўрсаткичлар мажмуаси ифодалайди. Уларнинг ичida энг асосийси сифатида илмталаб ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва иқтисодиётга интеллектуал ресурсларни жалб этиш даражасини кўрсатиш мумкин.

Миллий ва халқаро статистик тажрибада фундаментал ва амалий тадқиқотлар соҳасида ресурсларнинг ривожланиши, илмий, муҳандислик, тадқиқотчи ва менеджер кадрларни тайёрлаш тизимининг ривожланиш даражаси, тадбиркорлик субъектларини ахборот ва технологик жиҳатдан таъминланиши, соҳанинг инвестиция сифими, оммавий инновацион

---

<sup>4</sup>Freeman C. Technology Policy and Economic Performance. L.: PrinterPublishers, 1987. 570 p.

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш кўлами, молиялаштириш тизимининг ривожланганлиги каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

2002 йилдан бошлаб фаолият юритаётган Европа инновацион таблосида Европа давлатларидан ташқари яна жаҳоннинг 40дан ортиқ мамлакати иштирок этади. Унда миллий инновацион тизим ва инновацион сиёsat тўғрисидаги ахборотлар жуда кенг қамровли кўрсаткичлар асосида тақдим этилади.

АҚШнинг охирги 50-йиллик тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, дунёда руйхатга олинган технологик янгиликларнинг 60 фоизи ушбу мамлакатда яратилган. Ғарб мамлакатларининг тажрибасида эса маълум бир давр давомида яратилган технологик янгиликнинг сони эмаси, балки уни мамлакат иқтисодиётида қанчалик ўзлаштирилганлиги инновацион ривожланишининг бош мезони саналади.

Россия Фанлар академияси академиги В. Макаров, инновацион ривожланиш тушунчасини билимга асосланган иқтисодиёт тушунчаси билан ўхшаш эканлигини таъкидлаб, билимни технологик моддиятга айланиши ҳолатини ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини, билимларни ишлаб чиқариш эса иқтисодий ўсишнинг асосий манбаси эканлигини қайд этади.<sup>5</sup>

## **1. Билимларга асосланган иқтисодиёт – инновацион иқтисодиётни шакллантириш асоси сифатида**

XX аср охирларига келиб жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши сифат жиҳатдан янги босқичга ўта бошланди. Хозирги кунда мамлакатларнинг ҳалқаро майдондаги ва дунё иқтисодиётидаги ўрни ва рақобатбардошлиги унинг табиий бойликлари, молиявий маблағларининг ҳажми ёки қуролли кучларининг қудрати билангина эмас, балки, ундаги интеллектуал салоҳият, янги билимларни яратиш ва улардан самарали фойдаланиш имконияти ва қобилияти билан белгиланмоқда. Бугунги кунда билимлар иқтисодий ўсишнинг асосий омили, ҳалқ фаравонлиги ва мамлакат тараққиётини таъминлайдиган муҳим дастакка айланди. Буни ялпи маҳсулоти ўсишининг 90 фоизини илмий-техник тараққиёт белгилаб бераётган ривожланган мамлакатлар тажрибаси тасдиқлайди.<sup>6</sup>

Агар ёки индустрисал иқтисодиётда товарларнинг айирбошланиши натижасида ушбу товарларнинг мамлакатдан бутунлай чиқиб кэтиши рўй берган бўлса, жамият тараққиётининг янги босқичининг асосий товари бўлган билим ва унинг натижаларининг сотилишига бундай хусусият хос эмас. Табиий

<sup>5</sup> Макаров, В. Контуры экономики знаний / В. Макаров // Экономист. 2003. № 3.14.

<sup>6</sup> Глазьев С.Ю. Как построить новую экономику. // Эксперт. 21 февраля 2012. [http://www.glazev.ru/econom\\_polit/294/](http://www.glazev.ru/econom_polit/294/)

бойликлар чекланган бўлса, билимларнинг асоси бўлган инсон қобилиятлари чексиздир. Шу ўринда Томас Джефферсоннинг қуидаги сўзларини эслаш ўриндир: “Мени nocturnalism (ночорлаштирум) фикрларимни олиб фойдаланган инсон, худди мени қоронгуликка дучор этмай чироғимнинг ёруғигидан фойдаланган инсон кабидир”<sup>7</sup>. Яъни, билим ва унинг натижаларининг айирбошланиши унинг камайишига эмас, балки ундан ҳам зиёда бўлишига олиб келади<sup>8</sup>.

XX аср охирларида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига (OECD) аъзо мамлакатлар ЯИМнинг 50%дан ортиғи билимларга асосланган тармоқларда яратилган. Илмий тадқиқот ва ишланмаларга ўртача харажатлар ЯИМнинг 2,5%ига, таълим харажатлари давлат харажатларининг 12%ига, “ўқиш ва ишлаш” дуал тизими мавжуд бўлган Германия ва Австрия каби давлатларда “иш жойида таълим олиш” (on the job training) га харажатлар ЯИМнинг 2,5%гача етган. 1980 – йилларнинг ўрталаридан бошлаб компьютер ва дастурний таъминотларнинг сотиб олиниши йилига 12% га ошиб бориши суръатида рўй берди. OECD га аъзо мамлакатларда юқори малакали кадрларга талаб ошмоқда. Ўрта маълумотлилар орасида ишсизлик 10,5%ни ташкил этган бўлса, олий маълумотлилар орасида 3,8%ни ташкил этган. Юқори технологиялар, илм талаб этувчи тармоқларда бандлик ошиб бормоқда<sup>9</sup>.

Билимлар иктиносидиёти таълим тизими, фанлар, патент системасини, компьютер программаларини ишлаб чиқариш соҳаси, НИОКР (Научно-исследовательские опытно - конструкторские разработки) ва билим ишлаб чиқариш билан боғлик бошқа тармоқларни қамраб олади.

Бу шундай иктиносидиётки, унда интеллектуал салоҳият, ишчи ва хизматчиларнинг креатив имкониятлари, билимлари, товар яратишдан тортиб уни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб боргунгача бўлган барча босқичларидаги инновациялар корхона стратегик ривожланишининг асосий ресурси бўлиб хизмат қиласи.

Охирги йилларда жаҳон иктиносидий адабиётида кенг тарқалган "билимларга асосланган иктиносидиёт" ёки интеллектуал иктиносидиёт тушунчаси шу нарсани англатадики, илмий билимлар ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг маҳсус кўнима ва билимлари моддий ва номоддий ишлаб чиқаришнинг, барқарор иктиносидий ривожланишининг асосий манбаи ва хал қилувчи омилига айланмоқда.

<sup>7</sup> Макаров В.Л. Экономика знаний: уроки для России // Наука и жизнь, 2003. №5.

<sup>8</sup> Акрамова Ш. Билимларга асосланган иктиносидиётда олий таълимнинг ўрни. Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы: Монография/ Под.ред. академика Р, Убайдуллаевой. - Т.: 2012. С.207

<sup>9</sup> The Knowledge Based Economy. Organization For Economic Cooperation and Development, Paris. 1996. – Р. 9-10.

“Билимлар иқтисодиёти” атамаси илк бор, миллий иқтисодиётнинг билимлар яратиладиган, қайта ишланадиган ва тарқатиладиган тармоғи сифатида 1962 йилда Ф. Махлуп томонидан “АҚШда билимларнинг ишлаб чиқарилиши ва тарқатилиши” китобида муомалага киритилган<sup>10</sup>. П.Друкер томонидан эса ушбу атама иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатида билимлар юзага чиқадиган иқтисодиёт тури сифатида кенг оммага ёйилган. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (OECD) таърифига кўра “билимлар иқтисодиёти” бу билим ва ахборотларнинг ишлаб чиқарилиши, тарқатилиши ва фойдаланилишига асосланган иқтисодиётдир<sup>11</sup>. Бошқа бир манбада келтирилган таърифга кўра эса “билимлар иқтисодиёти” постиндустриал ва инновацион иқтисодиёт ривожланишининг юқори босқичи бўлиб, билимлар жамияти ёки информацион жамиятнинг асосидир<sup>12</sup>. Инсон капитали ва билим иқтисодий таракқиётнинг асосий омилларидир. Иқтисодиётнинг ушбу турининг ривожланиш жараёни инсон капиталининг сифатини ошириш, турмуш сифатини ошириш, юқори технологик билимлар, инновация ва юқори сифатли хизматларни ишлаб чиқаришдан иборатдир. Рус академиги Я.Б. Данилевичнинг фикрича “билимлар иқтисодиёти” да “инновацион иқтисодиёт”дан фарқли равишда, инновациялар эмас, балки, билим асосий айирбошлиш обьектига, яъни товарга айланади<sup>13</sup>. Яна бир таърифга кўра “билимлар иқтисодиёти” бу ўзининг ўсиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун билимларни яратадиган, тарқатадиган ва улардан фойдаланадиган иқтисодиёт бўлиб, унда билимлар иқтисодиётнинг барча тармоқларини ва иқтисодий муносабатларнинг барча қатнашчиларини бойитади<sup>14</sup>. Бугунги кунда “билимлар иқтисодиёти”ни атамаси жуда оммалашиб бормоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу соҳада кўпгина изланишлар олиб борилаётганлигига қарамасдан “билимлар иқтисодиёти” тушунчасининг моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари, асосий элементлари ва бошқа жиҳатлари аниқлик талаб этади<sup>15</sup>. Тадқиқотчи Ш.Акрамова “билимлар иқтисодиёти”га “кучли ижтимоий хусусиятга эга бўлган ва асосий ривожланиши билимларнинг яратилиши, тарқатилиши ва фойдаланилиши

<sup>10</sup> Акрамова Ш. Билимларга асосланган иқтисодиётда олий таълимнинг ўрни. Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы: Монография / Под .ред. академика Р, Убайдуллаевой. - Т.: 2012. С.207

<sup>11</sup> The Knowledge Based Economy. Organization for Economic Cooperation and Development, Paris. 1996. – Р. 7

<sup>12</sup> <http://ru.wikipedia.org/>

<sup>13</sup> Данилевич Я. Б., Коваленко С.А. Имидж ученого: современные PR-технологии в экономике знаний // Вестник Российской академии наук. – 2005, № 1. – С. 32.

<sup>14</sup> Стоарт, Т. Кузьмин, Е. И. ЮНЕСКО и общества знаний для всех / Е. И. Кузьмин, В.Р.Фирсов // Российский комитет программы ЮНЕСКО - <http://www.ifapcom.ru/>

<sup>15</sup> Акрамова Ш. Билимларга асосланган иқтисодиётда олий таълимнинг ўрни. Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы: Монография/ Под.ред. академика Р, Убайдуллаевой. - Т.: 2012. С.209

таъсирида амалга ошадиган иқтисодиёт сифатида қараш мумкин”<sup>16</sup>, деган фикрни билдиради.

## **2. Инновацион иқтисодиётнинг амал қилиш хусусиятлари**

Бугунги кунга келиб инновациялар иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим, иқтисодиётни интеллектуаллаштиришга асосланувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Бундай шароитда инновацион, айнан билимларга асосланган, малакали ишчи кучини ўзида мужассам этган юқори фан сиғимиға эга бўлган технологик иқтисодиёт рақобатбардош бўлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги кунда инновацион тараққиётда инновацияларнинг чизиқли модели етакчи роль ўйнамоқда. Ушбу моделга мувофиқ ишлаб чиқилган фундаментал илмий ғоялар амалий тадқиқотларда ўз аксини топади. Мана шундай тадқиқотлар инновациялар учун асос бўлиб хизмат қиласи, уларни амалга ошириш натижасида илғор технологиялар юзага келади<sup>17</sup>. Мутахассислар модель XX асрда ўзини фақат ижобий томондан кўрсатганлиги ва, ўз навбатида, XXI асрда ҳам ривожланган мамлакатларда ўз ўрнини йўқотмаслиги тўғрисидаги фикрларни айтиб ўтадилар.

Адабиётларда мазкур моделга қўшимча тарзда “инновацияларнинг кўп сонли манбалари модели” ҳам жорий этилаётганлиги ва унга мувофиқ инновациялар инновацион тизимнинг исталган қисмида юзага келиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрларни учратиш мумкин. Олимларнинг таъкидлашларича, гарчи илмий тадқиқотлар инновацияларнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолсада, унинг ягона ривожлантирувчи омили ҳисобланмайди. Демак, илмий тадқиқотлар билан шуғулланувчи ташкилотларнинг анъанавий тутган ўрни ҳам ўзгариши мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, янги илмлар нафақат давлат илмий тадқиқот институтлари ёки компанияларнинг илмий бўлинмаларида, балки кўплаб ижтимоий тузилмаларда ҳам яратилмоқда. Маълумки, инновацион жараён технологиялар соҳаси билан чегараланиб қолмайди, балки институционал, ташкилий ва бошқарув инновацияларини ҳам ўз ичига олади.

Бугунги кунда, иқтисодий ривожланган мамлакатлар инновацион ривожланиши моделларининг уч тури фарқланади<sup>18</sup>:

<sup>16</sup> Ўша жойда, 209

<sup>17</sup> Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. Т.: KONSAUDITINFORM – NASHR. 2011

<sup>18</sup> К.Шодиметов. Мукобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари. –Т.: “ILM ZIYO”. 2014. 30 бет

1. Фанда пешқадамликка, илмий ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини қамраб оладиган, қоида тариқасида, илмий-инновацион имкониятларнинг мудофаа секторидаги улуши анча катта бўлган кенг қўламли мақсадли лойиҳаларни амалга оширишга қараб мўлжал оладиган мамлакатлар (АҚШ, Англия, Франция);

2. Инновацияларни тарқатиш, қулай инновацион муҳитни яратиш, иқтисодиёт структурасини оқилоналаштиришга қараб мўлжал оладиган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария);

3. Инновацион инфратузилмани ривожлантириш, жаҳон илмий-техника тараққиёти ютуқларига таъсирчанликни таъминлаш, фан ва технологиялар соҳасида турли секторларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш йўли билан инновацияларни рағбатлантирувчи мамлакатлар (Япония, Жанубий Корея).

Миллий иқтисодиётларни илмий-инновацион ривожлантириш моделининг тўртинчи тури шаклланаётганини ҳам кўрсатиш мумкин. Булар инновация омилидан фойдаланган ҳолда ривожланган индустрисал муҳитни яратишга қараб мўлжал оладиган мамлакатлардир. Мамлакатларнинг ушбу гурухида жаҳон илмий-техника тараққиёти ютуқларини ўзлаштириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий муҳитдаги янгиликларга таъсирчанликни кучайтиришга кўмаклашувчи шарт-шароитларни яратиш асосида иқтисодиётни модернизация қилиш амалга оширилмоқда (Хитой, Ҳиндистон).

### **Назорат учун саволлар**

1. Инновация деганда нима тушунилади?
2. Инновацион ривожланишнинг мазмун ва моҳияти нимадан иборат?
3. Билимларга асосланган иқтисодиёт бошқа иқтисодиётлардан нимаси билан фарқ қиласи?
4. Инновацион жараённинг қанлай моделларини биласиз?

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР**

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илғор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўнималар ҳосил қиласидилар.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-амалий машғулот.**

**Инновацион иқтисодиётнинг мазмуни, шаклланиши ва амал қилиш хусусиятлари. Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни.**

Муҳокама этиладиган масалалар.

2. Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни.
2. Билимларга асосланган иқтисодиёт ва унинг хусусиятлари.
3. Инновацион жараён моделлари ва амал қилиш қонуниятлари.

**Калит сўзлар:** Инновацион ривожланиш. Билимларга асосланган иқтисодиёт. Инновацион жараён. Инновацион модел. Инновацион майиллик. Янгиликка интилиш. Инновацион барқарорлик.

#### **2-амалий машғулот.**

**Илмий – тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ)ни ташкил қилиш ва лойиҳалаштириш. Корхоналарда янгиликларни ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва яратишни бошқариш.**

#### **Режа**

1. Илмий – тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ)ни ташкил қилишнинг аҳамияти.
2. Фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг самарали тизими яратишнинг зарурлиги.
3. Янгиликларни ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва яратишни бошқариш.
4. Инновацион жараёнларни молиялаштириш манбалари ва шакллари.

**Таянч иборалар:** Илмий – тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ). Фан-техника тараққиёти. Интеллектуал мулк. Интеллектуал капитал.

Интеллектуал ишланмалар. Интеллектуал бойликнинг ҳуқуқий муҳофазаси. Интеллектуал мулк ҳимояси. Интеллектуал мулкни бошқариш. ИТИларни тижоратлаштириш. Илмий кашфиётлар. Ихтиrolар. Лицензиялаш.

## **1. Илмий – тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ)ни ташкил қилишнинг аҳамияти.**

Бугунги кунда дунёning кўплаб мамлакатлари учун иқтисодиётни ривожлантириш учун фаннинг турли соҳаларини қамраб олган илмталаб ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегик вазифа сифатида қўйилмоқда.

Ушбу мамлакатларда инновацион ривожланишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатган омиллардан бири илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишларига (ИТТКИ) ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизгача бўлган маблағнинг доимий ажратилишидир. Ушбу тадбир натижасида фан-техника тараққиётининг ривожланишига эришишга, мамлакатда ғоят кўплаб ихтиrolар, янгиликлар, ғоялар вужудга келишига тегишли шароит яратилади. Инновацион тараққиётни таъминлашга кучли таъсир кўрсатадиган яна бир омил бу инсон капитали ва давлатда шаклланган техник-технологик уклад ҳисобланади.

Инновацион иқтисодиётнинг шаклланиш ва ривожланишини акс эттирувчи мезонларнинг асосийлари саноатнинг ривожланганлик даражаси, юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, ЯИМда ИТТКИга қилинган харажатлар салмоғи, ЯИМ таркибида инновацион маҳсулотлар улуши, мамлакатда қилинган ва рўйхатга олинган ихтиrolар, кашфиётлар, патентлар сони ва уларнинг тижоратлашув даражаси ҳисобланади.

Маълумки, инновацион ривожланишнинг асосини саноат тармоғи ва унинг турли йўналишлари ташкил этади. Шу нақтаи назардан Ўзбекистоннинг инновацион ривожланишининг ҳозирги ҳолати, истиқболи ҳақида сўз юритишни саноат тармоғининг таҳлилидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон саноати ривожланган давлатлар қаторига киради ва ялпи ички маҳсулотда саноат маҳсулотининг улуши –55 фоизни ташкил этади (2010 йил якунига кўра).<sup>19</sup> Мамлакатимизда саноатнинг машинасозлик, енгил саноат, пахта тозалаш ва қайта ишлаш, газ, рангли металлургия, электротехника, радиоэлектроника ва приборсозлик соҳалари ривожланган. Кейинги йилларда саноатнинг нефти-газ, нефти-кимё, энергетика, металлургия ва автомобилсозлик соҳалари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Саноат тармоғининг 100 ортиқ йўналишларида 2200 дан ортиқ концерн, ишлаб чиқариш бирлашмалар, корхоналар томонидан енгил ва юқ автомобили, тракторлар, самолётлар, пахта териш машиналари, кабель, текстиль станоклари,

<sup>19</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маъруза. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир://Тошкент оқшоми, 2010, 23 апрель.

лифт, кран, турли трансформаторлар, компрессор станциялари, минерал ўғитлар ва х.к. каби кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Маълумки 1991 йилгача республикамизга -6,0 млн. тоннагача нефт маҳсулотлари келтирилар эди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг нефть-газ тармоғига шу соҳадаги дунёнинг етакчи “Келлог” (АҚШ), “Нишо Иван” (Япония) компаниялари билан ҳамкорликда Кўқдумалоқ нефт конденсат кони реконструкция қилинди. 1997 йиллар Бухоро нефти қайта ишлаш заводи “Теннип”(Франция), “Марубени”(Япония) компаниялари ёрдамида модернизация қилинди ва ишга туширилди. Ўрта Осиёда энг йирик полиэтилен ва этилен “Шуртан газ-кимё комплекси”, “ААБ Ламус Глобал”(АҚШ), “Мицун”, “Нишо Иван”(Япония) халқаро консорциуми томонидан қурилиб, ишга туширилди. Саноатнинг нефть-газ тармоғига киритилган чет эл инвестицияси иштирокида шу соҳада дунёда яратилган энг замонавий сўнгги техника ва технологиялар жорий этилди. Мазкур соҳага инновацион ёндашув тарихан қисқа давр ичida Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминлашга моддий асос яратди. Мустақиллик йилларида енгил саноатда 100дан ортиқ чет эл инвестицияси иштирокида корхоналар ташкил этилди. “Катекс”, “Элтекс” қўшма корхонаси, (Қорақалпоғистон Республикаси), “Кабул ЛТД” корхоналари фаолият қўрсатмоқда.

Ўзбекистон енгил саноатида Германия, Швейцария, Италия, Япония, АҚШ, Ҳиндистонлик инвесторлар томонидан дунё енгил саноатининг етакчи компаниялари, яъни “Цензер”, “Шлафхорст” (Германия), “Ритер”(Швейцария), “Тайода”, “Мурата” (Япония), “Савио”, “Оризио” (Италия) томонидан тармоққа юқори технологияли, замонавий ишлаб чиқариш линиялари киритилди ва бугунги кунда муваффақият билан ишламоқда. Ўзбекистонда енгил ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг 2010-2015 йилларга мўлжалланган Дастури доирасида тармоқда -1,3 млрд. АҚШ доллари ҳажмида чет эл инвестициясини киритиш, қиймати -1,6 млрд. долларини ташкил этадиган 100 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш, экспортни эса 2,0 млрд. АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган.

Электротехника тармоғида ҳам “Алгоритм”, ОАЖ “Фотон”, ОАЖ “Зенит”, ОАЖ “Сино” ОАЖ.ни модернизация қилишга, улар томонидан майиший электр техникалари, жиҳозларини ишлаб чиқаришга -83,5 млн. АҚШ доллари (2011-2015 йилларда)<sup>20</sup> микдорида инвестиция киритиш режалаштирилмоқда.

Айтиш жоизки, саноатда охирги йилларда эришилган ютуқлар билан бир қаторда айрим, жиддий муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Мазкур муаммоларни қуидаги таҳлиллар ёрдамида кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Миллий иқтисодиётда асосий фонdlарнинг ҳолати ва уларнинг

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва қўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлар. “ЎЗБЕКИСТОН”НМИУ, 2011-236.

янгиланиш жараёни фонд сиғими ва фонд қайтимида ўз ифодасини топади ва бу кўрсаткичлар ҳам инновацион ривожланиш мезонларидан муҳим саналади.

## **2. Фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг самарали тизими яратишнинг зарурлиги.**

Фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг самарали тизими яратилмаган давлатларда иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланганлиги, яъни асосан хом ашё ишлаб чиқаришга ихтисослашиши, ўсиш суръатлари эса асосан экстенсив омиллар, яъни қўшимча харажатлар эвазига таъминланиши кўзга ташланади.

Бундай иқтисодий маконларда юқори технологияли ишлаб чиқаришнинг йўқлиги ёки иқтисодий жиҳатдан қолоқ ривожланганлиги, оқилона иқтисодий сиёsatнинг юритилмаслиги, рақобат механизмининг номуккаммаллиги ва пировардида бозор муносабатларининг ривожланмаганлиги, аҳолиси турмуш даражасининг пасайишида намоён бўлади. Пировардида аҳоли қашшоқлиги, ишсизликнинг юқори даражаси, иқтисодиётдаги номутаносибликлар, ялпи талаб билан ялпи таклиф ўртасидаги кескин бузилишлар иқтисодиётнинг доимий ҳамроҳи ҳисобланади. Бундай иқтисодий ҳудудларни, миллий хўжаликларни иқтисодий қолоқликдан чиқаришнинг ягона йўли иқтисодий ўсишни инновацион усуллар билан таъминлашdir.

Албатта, инновацион иқтисодиётни шакллантириш бир зумда амалга ошириладиган жараён эмас. Бунинг учун тегишли шарт-шароитлар, инновацион тизимнинг кенг қамровли асослари яратилиши лозим. Энг асосийси самарали инвестиция сиёsatнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши зарур бўлади.

Маълумки, инновацион иқтисодиётнинг тавсифий белгилари, намоён бўлиш шакллари қўйидагилар ҳисобланади:

1. Қонун устуворлигига фуқаролар ва бизнес тизими хавфсизлигининг юксак даражада таъминланганлиги.
2. Инсон капиталининг юксак сифати, даражаси ва унга йўналтирилган инвестициялар сарфининг юқорилиги.
3. Жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги ва соғлом турмуш тарзи.
4. Жамиятда фаол бўлган малакали мутахассис кадрлар тоифасининг шаклланганлиги, инсон салоҳияти ва иқтисодий эркинлик индексининг юксаклиги.
5. Фундаментал ва амалий тадқикот фанларининг юқори даражада ривожланганлиги.

6. Мамлакатда технологик ривожланишни таъминлайдиган кучли, интелектуал-илмий марказлар – технопаркларнинг ташкил этилганлиги;

7. Давлат томонидан венчур бизнеси, инновацион ривожланишни қўллаб-кувватловчи самарали тизимнинг мавжудлиги.

8. Мамлакатда жозибали инвестиция, тадбиркорлик муҳитининг яратилганлиги барқарорлиги ва юқори инвестицион рейтингга эгалиги.

9. Миллий иқтисодиёт, шу жумладан юқори даражада диверсификация қилинган етакчи тармоқлар электроника, электротехника, биокимё, нефт-газ каби саноат тармоқларининг юксак ривожланганлик даражаси.

10. Мамлакатни ривожлантириш, давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишини самарали механизмининг шакллантирилганлиги, дунё технология бозорида миллий рақобатбардош маҳсулотнинг мавжудлиги.

11. Мамлакат ҳудудида давлатнинг технологик ва илмий ривожланишини таъминловчи трансмиллий корпорациялар(ТМК)нинг мавжудлиги.

12. Инфляциянинг меъёрий қўрсаткичлардан паст (одатда 3 фоиздан кам) даражада бўлган индикаторлар ҳар бир давлатнинг қай даражада инновацион ривожланганлигини қўрсатади.

Юқорида келтирилган омиллар, шарт-шароитлар мавжудлиги инновацион иқтисодиётни шакллантириш, ривожлантириш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни рақобатбардошлик даражасига етказишга хизмат қиласиган меъёрий қўрсаткичлар ҳисобланади.

Келтирилган меъёрий қўрсаткичлар асосида Ўзбекистон иқтисодиётини таҳлил қиласиган бўлсак уларнинг асосий қисми мавжуд. Лекин, шу билан бир қаторда мамлакатимиз саноатининг етакчи тармоқларини ривожлантириш даражаси, халқаро бозорда миллий рақобатбардош тайёр маҳсулотларнинг йўқлиги, инновацияларни вужудга келтиришга ижобий таъсир қиласиган самарали тизимнинг ишлаб чиқилмаганлиги каби муаммолар ҳам мавжуд.

Бизнинг фикримизча, ислохотларнинг ҳозирги босқичида миллий иқтисодиётнинг энг долзарб, ўз ечимини кутаётган муаммолари –бу иқтисодий самарадорлик, ишлаб чиқаришнинг бир томонлама, яъни кўпроқ хом ашё ишлаб чиқаришга ихтисослашиб қолганлиги, экспорт таркибида юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг камлиги ҳамда инновацион фаолликнинг ғоят сустлигидир.

Миллий иқтисодиёт самарадорлигини қўрсатадиган муҳим кўрсаткичлардан бири молиявий натижа ҳисобланади, яъни ЯИМ таркибида фойданинг салмоғи хўжалик юритувчи субъектларнинг қай даражада унумли фаолият кўрсатаётганини акс эттиради (1-жадвал).

## 1-жадвал

### Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ва молиявий натижа тўғрисида маълумотлар<sup>21</sup>

Йиллар	ЯИМ		ЯИМда фойда салмоғи	
	Жорий нархларда (млрд.сўм)	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати (% да)	млрд. сўмда	% да
2000	3194,5	104,0	307,6	9,62
2005	15210,4(15923.4)	107,0	1368,8	8,99
2006	20759,3(21124.9)	107,3(107.5)	1785,7	8,60
2007	28186,2(28190.0.8)	109,5	3218,3	11,41
2008	36839,4(38969.8)	109,0	3885,7	10,54
2009	48097,0(49375.6)	108,1	5236,6	10,88
2010	61831,2(62388.3)	108,5	5468,3	8,84
2011	78764,2	108,3	5671,2	8,13
2012	97929,3	108,2	6045,3	9,08
2013	120861,5	108,0	6311,1	8,12
2014	144867,9	108,1	6643,4	8,02
2015	152347,5	108,0	6892,5	8,11
2016	167462,1	107,6	69925,3	7,61
2017	17014,7	105,3	71134,2	6,37

Ушбу маълумотлар аввало миллий иқтисодиётга жалб қилинган, киритилган инвестицияларнинг яъни йил бошида аванслаштирилган капиталнинг йил якунига қўра қайтими, иқтисодий самарасини кўрсатади. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ЯИМда фойданинг салмоғи 9,62 фоиздан (2000 йил) 8,84 фоизга, яъни 0,78 фоизга, 2007 йилга нисбатан 2016 йилда эса 1,57 фоизга ўзгарганлигини кузатиш мумкин. Мазкур натижаларнинг бир йил давомида эришилганини назарда тутсак ёки ушбу натижаларни ойлар кесимида қарайдиган бўлсак ЯИМда фойда салмоғи ғоят камлигини кўриш мумкин ва бу ҳолатни талаб даражасида деб баҳолаш қийин. Чунки, мазкур натижалар ҳали йиллик инфляциясиз келтирилган. Агар инфляцияни молиявий натижалардан чегириб ташлайдиган бўлсак, бу кўрсаткич янада пасайиши кутилади.

Юқорида таъкидлаганидек мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришиш билан бир қаторда ялпи ички маҳсулот таркибида хом ашё ишлаб чиқариш салмоғининг юқорилиги кўзга ташланади.

### **3. Янгиликларни ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш ва яратишни бошқариш.**

Мамлакатнинг ЯИМ таркибининг бир томонлама шаклланганлиги тўлиқроқ тавсифлайдиган муҳим индикаторлардан бири бу давлатнинг ташқи савдо айланмаси ҳисобланиб, бу бир томондан ЯИМ таркибини ва экспортга

<sup>21</sup> Давлат статистика ыщмитаси маълумоталри асосида ҳисобланган.

чиқарилаётган маҳсулотларнинг таркибий тузилиши ҳақида тўлиқроқ тасаввур беради.

– Маълумки янгилик ва ихтиrolар ҳамиша жамиятнинг ривожланган даражасидан олдинда юради, лекин муҳим янгиликлар, йирик технологик ихтиrolарнинг кашф этилган вақти уларни жамият томонидан қабул қилиш, улардан самарали фойдаланиш ҳолатига мос келмайди. Жамиятнинг инновацион маданиятини ошириш давлат хизматчилари, ижро ҳокимиятининг турли даражадаги мутахассислари, кадрлари ва ходимларидан ўз фаолиятида қуидаги тадбирларни амалга оширишни талаб қилади:

– ижро ҳокимиятининг вазирлик, идора ва ташкилотларидағи ходимлардан давлатнинг худудий илмий-технологик сиёсатини реализация қилишда инновацион менежмент, инновацион иқтисодиёт асослари ҳақидағи билим ва тасаввурларини бойитиш;

– давлат бошқаруви амалиётига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва қофозсиз электрон ҳужжат айланишига эришиш;

– илмий-техник ахборотлар аҳолининг кенг қатламларига етказиш уларни тарқатиш ва таҳлил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

– бошқарув соҳасидаги ҳар бир ходим, дипломли мутахассиснинг узлуксиз ўз малакасини оширишга, ўз устида тинимсиз ишлашига мажбур қиласидиган моддий рағбатлантириш тизимини яратиш;

– бошқарув тизимида ишлаётган ходимларнинг фаолиятига пировард натижаларга кўра баҳолаш тизимини яратиш, улар ўз соҳаси мутахассислигидаги инновацион технологиялардан хабардорлигини аниқлайдиган тест олиш механизмини жорий этиш зарур бўлади;

– халқаро ва регионлараро илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш зарур.

Инвестицияларни инновацион лойиҳаларни амалга тадбиқ қилиш учун жалб этиш учун худудлараро ва халқаро даражада илмий-техникавий алоқалар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик талаб этилади. Худудларда самарали инновацион сиёсатни амалга ошириш учун инновацион фаолиятнинг маҳсус тармоқ бўлинмалари, яъни технологик парклар, технологик, курортологик полислар, бизнес-инкубаторлар, илмий-интелектуал марказлар ташкил этилиши долзарб масала ҳисобланади. Инновацион инфратузилманинг яна бир муҳим бўғини замонавий техникалар, жиҳозлар, асбоб-ускуналарни прокатга берадиган марказлар очилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Юртимизда тармоқ йўналишидаги илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, тажриба-конструкторлик бюролари фаолияти билан тармоқ фаолияти ўртасида узилиш мавжуд. Кўп ҳолларда илмий-инновацион фаолият субъектлари тармоқ ичидаги кам аҳамиятли вазифаларни ҳал этишга ихтисослашиб қолиб, инновацион йўналишдаги фаолиятлари заиф ҳолатда бўлиб бу муаммо ўз ечимини кутмоқда.

Миллий иқтисодиётда инновацияларга талабни ривожлантириш учун аввало ички талабни рағбатлантириш зарур бўлади. Ички талабни ошириш, рағбатлантириш учун тадбиркорлар, маҳаллий товарлар, хизматлар ишлаб чиқарувчиларга қулай иқтисодий шароит яратиш, уларни турли имтиёзлар орқали қўллаб-қувватлаш ички талабни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ички талабнинг кенгайиши ўз навбатида ички таклифнинг ошишига, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатини таъминлашга, пировардида ялпи ички маҳсулотнинг кўпайишига олиб келади. Глобал молиявий-иктисодий инқироз шароитида миллий хўжаликларда ички талабни рағбатлантириш орқали бир томондан, ишлаб чиқаришнинг пасайишини олди олинса, бошқа томондан эса инқирознинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини бартараф этиш имконияти пайдо бўлади. Бу жараёнда ишлаб чиқариш секторидаги фаоллик, рақобат кураши ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг инновацион йўналишида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлади.

Миллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлиги, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари инновацион талаб ва инновацион таклиф ўртасида самарали мувозанатнинг таъминланишига боғлиқ бўлади. Бизнингча, мазкур вазифани ҳал этиш учун давлатнинг самарали макроиктисодий сиёсати юритилиши ва айниқса таъсирчан, мукаммал механизмини яратишни зарур деб, ҳисоблаймиз:

- корхона ва ташкилотларнинг номинал солиқ ставкасини пасайтирумасдан фойда солиғининг солиқ базасини камайтириш зарур. Чет эллик ва миллий инвесторлар учун инвестицион жозибадорликни оширишга хизмат қилувчи, табақалашган «солиқ имтиёзлари тизими»ни ишлаб чиқиши лозим;
- инновацион фаолият субъектларини рағбатлантиришнинг божтаъриф, молия, кредит тизими бўйича «комплекс имтиёзлар» пакетини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этиш зарур, яъни имтиёзли кредитлаш, экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда конвертация, бож-таъриф ставкалари бўйича ҳам енгиликлар бериш;
- инновацион ғоялар ва маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юқори технологияли тармоқларга дифференциал солиқ, молия-кредит сиёсатини кўллаш;
- миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатдорлигини ошириш ва инвестицион муҳитни яхшилашга ижобий таъсир кўрсатишга рағбатлантирадиган иқтисодий сиёсат юритиш;
- худудлар иқтисодиётини ривожлантириш ва модернизация қилиш учун инвестицияларни, хусусан тўғридан-тўғри киритилаётган чет эл инвестицияларини оқилона тақсимотига эришиш ва уларнинг асосий қисмини иқтисодиётнинг реал секторига киритишга муваффақ бўлиш.

Ўзбекистонда инновация жараёнларини рағбатлантиришнинг самарали амал қиласиган механизмини ишлаб чиқиш зарур. Унда илмий, инновацион фаолият учун имтиёзларни белгилаш ва уларни қўллаш тартиби кўрсатилиши лозим. Имтиёзлар тизимини қўллаш цикли фан-техника тараққиётининг фундаментал, амалий тадқиқотларидан тортиб то ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этишгача бўлган даврни ўз ичига олган рағбатлантириш босқичларини қамраб олиши керак. Бугунги кунда индустрисал ривожланган мамлакатларда инновацион фаолиятга киритиладиган хусусий инвестицияларни рағбатлантиришнинг қуидаги кўринишларни келтириш мумкин:

- соликقا тортишдаги имтиёзлари;-
- имтиёзли кредит бериш тизими;
- давлат мақомига эга илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий ўқув юртлари ва бошқа инновация субъектларини лицензиялаш уларга патент беришни соддалаштириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш.

Имтиёзлар тизимини қўллаш инновацион сиёсатнинг устивор мақсадлари, вазифаларини аниқлаш инвестицион-инновацион фаолиятни жадаллаштиришда муҳим ўрин тутади. Фикримизча, самарали макроиктисодий сиёсат орқали инновацион фаолиятни рағбатлантириш инновацияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни тезлаштириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш каби вазифаларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари муваффақиятли тарзда ҳал этилган (охирги 5 йилда ўсиш суръатлари 8,5 фоизни ташкил этган) бўлсада бу йўналишда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар туркумига иқтисодий самарадорлик ва ишлаб чиқариш харажатларининг юқорилигини киритиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам миллий иқтисодиётда самарали хўжалик юритиш, меҳнат унумдорлигини узлуксиз ошириб бориш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, иқтисодий ўсишни асосан экстенсив усувлар ёрдамида таъминлаш ҳамон иқтисодий амалиётда мавжуд бўлиб турибди.

Айтиб ўтилган этилган муаммоларни бартараф этиш ва инновацион фаолликни таъминлаш учун қуидаги чора-тадбирларини амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз:

- фани ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишларини жонлантириш, ишлаб чиқаришга инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун иқтисодий ва молиявий жиҳатдан тегишли шарт-шароитларни яратиш зарур;

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ахборот таъминоти, ахборот телекоммуникация тизимини ривожлантириш, консалтинг-инжиниринг хизматларини ривожлантириш;
- инновацион фаолият ва инновацияларнинг ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш, инновация соҳаси билан боғлиқ хўжалик юритувчи субъектларга солиқ имтиёзлар қўллаш;
- илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик фаолияти субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш;
- юқори технологияли ишлаб чиқариш ва модернизациялаш шароитига, талабига жавоб берадиган замонавий билим ва малакага эга кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Олиб борган изланишларимиздан келиб чиқиб Ўзбекистонда фан-техника тараққиёти ва инновацион фаолиятни жадаллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни зарур деб, ҳисоблаймиз:

- давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган, муҳим устувор йўналишларда амалга ошириладиган илмий-тадқиқотлар, яъни фундаментал ва амалий тадқиқотлар, ишлаб чиқаришнинг реал сектори мудофаа соҳасида тажриба-конструкторлик ишлари, атроф муҳитни муҳофаза ва экология соҳасидаги тадқиқотларни барча турдаги солиқлар ва йигимлардан озод қилиш;
- ижтимоий соҳанинг устивор йўналишлари бўйича олиб борилаётган инновацион фаолиятни солиқлар ёрдамида соҳага жалб қилинаётган инвестицияларга имтиёзлар тизимини қўллаш;
- экспертизадан ўтган юқори самарали инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун ва импорт қилинадиган жиҳозлар, ускуналар, материаллар, лицензиялар, ноу-хауларни қўшилган қиймат солиғи, божхона тўловларидан озод қилиш ёки божларни камайтириш.

Индустрiali ривожланган ёки жадал суръатлар билан ривожланаётган давлатларда Фан-техника тараққиёти ва унинг негизида иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда (3.3-жадвал). Бизнинг назаримизда Ўзбекистонда инновацион ривожланишни таъминлашда устивор вазифалардан бири ИТТКИга ажратилаётган маблағлар миқдорини кескин ошириш зарур.

3.3-жадвал

**Дунё бўйича 2016 йилда ИТТКИга қилинган харажатларда давлатларнинг улуши**


т/р	Давлатларнинг номи	ИТТКИга қилинган умумий харажатларда	
		(млрд.АҚШ долл.да)	Дунёда ИТТКИга қилинган харажатлар (% да)
1.	АҚШ	389,2	35,0
2.	Япония	139,6	12,6
3.	Хитой	123,7	11,1
4.	Германия	67,9	6,1
5.	Жанубий Корея	41,3	3,7
6.	Франция	41,1	3,7
7.	Буюк Британия	37,2	3,3
8.	Хиндистон	28,1	2,5
9.	Канада	23,2	2,1
10.	Россия	21,7	2,0
11.	Италия	18,6	1,7
12.	Бразилия	18,0	1,6
13.	Тайвань	17,5	1,6
14.	Испания	17,2	1,6
15.	Австралия	14,9	1,3
16.	Швеция	11,4	1,0
17.	Нидерландия	10,4	0,9
18.	Исроил	8,8	0,8
Жами		1112,5	100

Таҳлиллар кўрсатадики дунёда 2010 йилда ИТТКИга энг катта харажат қилаётган давлат АҚШ бўлиб, жами харажатларга нисбатан унинг улуши 35 фоизни ёки 389,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Кейинги ўринларни Япония, Хитой ва Германия давлатлари эгаллаган. Бу кўрсаткич бўйича Россия 10 ўриндан жой олган.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак мамлакатимизда бу соҳада қилинадиган ишлар салмоғи ғоят катта. Бугунги кунда айтиш мумкинки дунё фан-техника тараққиёти марказлари қуидаги давлатлар ва ҳудудларда жойлашган (1- чизма).

## 1-чиズма

Дунё бўйича 2019 йилда ИТТКИ га қилинган харажатлар салмоғи<sup>22</sup>



Рақамлардан кўриниб турибдики АҚШдан кейинги асосий марказ Европа давлатлари, Япония, Хитой ҳисобланади.

Ўзбекистонда инновацион ривожланишга ўтиш бўйича амалга оширилган ишлар ва қабул қилинган чора-тадбирлар кўзга кўринарли бўлсада, талаб даражасидан анча йирок. Чунки, инновацион иқтисодиётни шакллантириш, ривожлантиришнинг асосий харакатлантирувчи кучи тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Тадбиркорларни инновацион фаолиятга ўтказиш, солиқса тортиш, бож-таъриф, экспорт-импорт ва конвертация масалаларида рағбатлантиришнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

1. Оқилона солиқса тортиш, солиқ имтиёзларини қўллаш хўжалик

<sup>22</sup> Манба: Battelle, R&D Magazine, OECD, IMF, CIA

юритувчи субъектлар фаолиятини, хусусан инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали иқтисодиётни модернизация, диверсификация қилиш, техник-технологик янгилаш ва пировардида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашга тўғридан-тўғри ижобий таъсир кўрсатади. Миллий товар ишлаб чиқарувчилар учун табақалашган солик имтиёзлари тизимини яратиш бугунги кунда долзарб муаммодир.

2. Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўлига ўтказишида қўйидаги муаммолар мавжуд:

– инновацион иқтисодиётга ўтишда зарур бўлган инвестицияларнинг мамлакат ҳудудида нотекис тақсимланганлиги ва инфратузилманинг тегишли даражада яратилмаганлиги;

– мамлакатда фан-техника тараққиёти билан ишлаб чиқариш алоқадорлигининг заифлиги, яратилган ихтиrolар, янгиликлар, кашфиётларнинг ишлаб чиқариш амалиётига татбиқ этишнинг мукаммал механизмининг йўқлиги;

– республикада инновацион ривожлантиришни таъминлашнинг стратегик режаси, дастурининг тўлиқ яратилмаганлиги ва бу жараёнда истиқболли режалаштириш, прогнозлаш дастакларидан самарали фойдаланилмаётганлиги;

– иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги мезонларининг ишлаб чиқилмаганлиги ва инвестицияларнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан камроқ киритилмаётганлиги.

Диссертация ишида мамлакатда инновацион ривожланишни таъминлаш ва бу жараёнда солик сиёсати, солик имтиёзларидан самарали фойдаланиш масалаларини такомиллаштиришга оид қўйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ривожланган давлатлардан инновацион маҳсулотнинг расмий-хукуқий шакли бўлган патент, лицензияларнинг кам харид қилиниши ва оқибатда замонавий техника-технологияларнинг миллий иқтисодиётга суст жорий этилиши.

2. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётнинг моддий асоси ҳисобланган технополислар, технопарклар, бизнес инкубаторлар ва илмий-техник марказларнинг ташкил этилмаганлиги инновацион иқтисодиётга ўтишдаги катта муаммолардан бири ҳисобланади ва уларни зудлик билан ташкил этиш чораларини кўриш зарур.

3. Эркин иқтисодий зоналар(ЭИЗ) – инновацион иқтисодиётнинг моддий, техник-технологик асосини яратувчи манбалар ҳисобланади. Уларнинг ташкил этишнинг хукуқий-ташкилий масалаларини ҳал этиш ва сонини кўпайтиришнинг чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш лозим.

4. Маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатдорлигини ошириш ва инвестицион муҳитни яхшилашга ижобий таъсир кўрсатишига рағбатлантирадиган солик сиёсатини юритиш учун мол-мulkни диверсификация қилиш, қимматбаҳо қоғозларга инвестиция киритишга

рағбатлантирувчи солиқ тизимини қўллаш ва мол-мулкни соликқа тортишни такомиллаштириш зарур. Регионлар иқтисодиётини ривожлантириш ва модернизация қилиш учун солиқ тушумларини марказий ва маҳаллий бюджет ўртасида оқилона тақсимотига эришиш ғоят муҳим масаладир.

Инновацион фаоллик оширишда қуйидаги хulosаларни келтириш ўринли бўлади:

- Ўзбекистонда инновацион ривожланишни таъминлаш ва барқарор иқтисодий ўсиш борасида муайян ишлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан мазкур йўналишларда бир қатор жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда. Булар сирасига мамлакатда инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг узоқ муддатли, стратегик режасининг ишлаб чиқилмаганлиги, устивор тармоқларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, инновацион фаолликни барпо этишнинг тартиби ва изчил йўналишининг тизимли йўлга солинмаганлигини киритиш мумкин;

- миллий иқтисодиётда инновацион фаолликка эришиш, инновацион ривожланишни таъминлашнинг устивор йўналиши деб, республиканинг электроэнергетика тизими, саноат ва унинг автомобилсозлик, машинасозлик, енгил саноат, кимё, нефть-газ соҳалари ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ахборот-телекоммуникация тизимларини ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир. Лекин, бу соҳадаги ғоят муҳим ва бирламчи устивор вазифа сифатида мамлакат ҳудудидаги барча ишлаб чиқариш қувватларини узлуксиз электрэнергиясини ва уларни тегишли, замонавий ахборот-телекоммуникация хизматлари, ишончли ахборотлар билан таъминлашнинг белгиланиши бугунги кун талабидир;

- инновацион фаолият билан нафақат илмий-текшириш, лойиҳа-конструкторлик бюролари балки тадбиркорлик билан шуғулланадиган барча жисмоний, юридик шахслар ва бу жараёнларга аҳоли кенг қатламишининг иштироки ҳам таъминлаш лозим бўлади. Янги технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш мураккаб жараён бўлиб, бу жараёнда илм-фан ахли олимлар, тадбиркорлар ва давлатнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарали механизмини яратиш зарур;

- миллий иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини яратиш зарур. Бунинг учун макроиқтисодий муҳитни яхшилаш, илмий-техник потенциалдан самарали фойдаланиш, мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирокини фаоллаштириш, молиявий тизимдан, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш лозимдир. Таълим тизимини талаб даражасида доимий равишда молиялаштириш, малакали кадрларнинг кўплиги ва ички талабнинг мавжудлигига эришиш зарур;

- иқтисодиётнинг очиқлиги, инновацияларга инвестиция киритувчи хусусий капитал эгалари, хусусий инвесторлар тоифасини шакллантириш ва халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга эришиш;

- республикада инновацион фаолиятни мувофиқлаштирувчи, рўйхатга олувчи ва инновацион ишланмаларни ишлаб чиқариш амалиётига татбиқ этишни ташкил этувчи «Инновацияларни мониторинг қилиш ва ишлаб

чиқаришга жорий этиш Агентлиги»ни ташкил этиш лозим. «Махсус, мустақил Инновациялар жамғармаси»ни ташкил этиш зарур ва унинг асосий вазифаси этиб иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида юқори хавф-хатарли йирик инновацион лойиҳаларни чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда молиялаштириш, сугурталаш белгиланиши лозим;

- республикада фундаментал ва амалий, илмий тадқиқотлар жадал суръатлар билан олиб борилаётган бўлсада, уларнинг иқтисодий амалиёт, ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги жуда заиф ҳолатда. Бу айниқса номзодлик, докторлик илмий унвонини олиш учун ёзилган диссертация ишларида кўринади. Маълумки, мазкур диссертацияларда муайян илмий-назарий муаммолар ечими кўрсатилади. Лекин, амалиётда улардан фойдаланиш коэффициенти жудаям паст. Демоқчимизки, фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини тиклаш, ўзаро боғлиқлигини таъминлаш лозим;

- илмий-тадқиқот лойиҳа-конструкторлик бюроси ва бошқа илмий-ишлаб чиқариш марказлари фаолиятининг бош мезони – улар яратган инновацион маҳсулотларнинг тиҷаратлашуви, ягона экземплярда ишлаб чиқилган маҳсулотнинг оммавий ишлаб чиқаришга ўтиши бўлиши лозим;

- ҳудудий инновацион инфратузилмаларни яратиш лозим. Жойларда давлат томонидан юқори технологияли ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш инновацион инфратузилмаларни вужудга келтиришнинг асоси бўлиб хизмат қиласди. Жамиятнинг инновацион маданиятини оширишга эришиш лозим. Маълумки, муҳим янгиликлар, йирик технологик ихтиrolарнинг кашф этилган вақти уларни жамият томонидан қабул қилиш, улардан самарали фойдаланиш ҳолатига мос келмайди. Янгилик ва ихтиrolар ҳамиша жамиятнинг ривожланган даражасидан олдинда юради;

- давлат бошқаруви амалиётига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва қофозсиз электрон документборотига эришиш. Илмий-техник ахборотлар аҳолининг кенг қатламларига етказиш уларни тарқатиш ва таҳлил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш. Бошқарув соҳасидаги ҳар бир ходим, дипломли мутахассиснинг узлуксиз ўз малакасини оширишга, ўз устида тинимсиз ишлашига мажбур қиласидиган моддий рағбатлантириш тизимини яратиш. Бошқарув тизимида ишлаётган ходимларнинг фаолиятига пировард натижаларга кўра баҳолаш тизимини яратиш, улар ўз соҳаси мутахассислигидаги инновацион технологиялардан хабардорлигини аниқлайдиган тест олиш механизмини жорий этиш зарур бўлади;

- халқаро ва регионлараро илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш зарур. Инвестицияларни инновацион лойиҳаларни реализация қилиш учун жалб этиш учун регионлараро ва халқаро даражада илмий-техникавий алоқалар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик талаб этилади. Ҳудудларда самарали инновацион сиёсатни амалга ошириш учун инновацион фаолиятнинг маҳсус тармоқ бўлинмалари, яъни технологик парклар, технологик, курортологик полислар, бизнес-инкубаторлар, илмий-интелектуал марказлар ташкил этилиши долзарб масала ҳисобланади. Инновацион инфратузилманинг

яна бир муҳим бўғини замонавий техникалар, жиҳозлар, асбоб-ускуналарни прокатга берадиган марказлар очилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади;

- тармоқ йўналишидаги илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, тажриба-конструкторлик бюоролари фаолияти билан тармоқ фаолияти ўртасида узилиш мавжуд. Кўп ҳолларда илмий-инновацион фаолият субъектлари тармоқ ичида кам аҳамиятли вазифаларни ҳал этишга ихтисослашиб қолиб, инновацион йўналишдаги фаолиятлари заиф ҳолатда. Бу муаммони ҳал этиш зарур.

### **Илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш стратегияси. Илмий кашфиётлар, ихтиrolар ва лицензиялаш борасида давлат сиёсати.**

Илмий ишланмалар бозори -илмий-техникавий ишланмалар ва турли лойиҳалар олди-сотди қилинадиган бозор, бозорнинг йирик сегменти. И.и.б. тендерлар ўтказиш, контрактлар тузиш, грантлар танловини ўтказиш, ярмарка ва кўргазмалар ташкил этиш, янгиликларни инновация фирмалари ва биржалардан сотиб олиш шаклида юз беради. Бу бозорда сотувчи сифатида университетлар, илмий тадқиқот муассасалари, конструкторлик, технологик, лойиҳалаштириш фирмалари фаолият кўрсатади. Улар ўзи ишлаб чиқсан гоялар ва лойиҳаларни таклиф этадилар. Харидор вазифасини эса турли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фирмалари ва давлат идоралари бажаради. Сотувчи ва харидорлар илмий ишланмалар бозорининг субъекти бўлса, илмий-техникавий ишланмаларни ўзида мужассам этган патент-лицензия ва ноу-хаулар унинг обьекти ҳисобланади. Ишланмалар бутунлай сотилганда эгасининг интеллектуал мулкидан харидор мулкига айланади. Улар қисман сотилганда мулкий эгалик ҳукуки мулк эгаси қўлида қолади, аммо улардан маълум муддатда фойдаланиш ҳукуки харидорга ўтади. Илмий ишланмалар бозорида аввал улардан фойдаланиб, сўнgra уларни тўла-тўқис сотиб олиш юзасидан ҳам битимлар тузилади. Илмий ишланмалар бозори фан-техника тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади.

Бугун, билим ва уларни яратишига асосланган иқтисодий ривожланиш, иқтисодий ўсиш ва инновациялар манбаи бўлади. Ривожланаётган иқтисодиёти эса миллий инновацион тизими энди шакллантирилмоқда.

Яқинда бошланган ривожлантириш жараёнларини ўзгартириш асосий вектори иқтисодий ривожлантириш ва шакллантириш, янги турдаги иқтисодиёт соҳасида билим ҳал қилувчи рол ўйнаши, билим иқтисодий ўсиш манбаига айланиши керак. Бу иқтисодий ўсиш, илмий билим, янги технологиялар, инновацияцион жараёнлар, маҳсулотлар ва хизматлар, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишининг янги шакллари тизими бўлиб қолади, деган маънони англатади.

Инновация стратегик ўсиш омили бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасининг таъсири, жамият иқтисодий фаолиятини ташкил этишини ўзгартириш, мамлакатда ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш ҳисобланади. Миллий инновацион тизимини шакллантириш (МИТ) энг интенсив жараёни ривожланган иқтисодиёти ҳисобланади. Миллий хусусиятлари ва иқтисодий

салоҳиятига қараб турли моделлари МИТ томонидан ишлаб чиқарилган<sup>23</sup>.

Ихтиро — халқ хўжалигининг турли соҳаларида, ижтимоий-маданий қурилиш ва мудофаа соҳаларида ижобий самара берадиган, ўзига хос техникавий ечимга эга бўлган янгилик. Тор маънода — давлат томонидан тан олинадиган ва тегишли қонун биланн муҳофаза қилинадиган янги техникавий ечим. Ҳар қандай янгилик ҳам ихтиро бўлавермайди. Масалан, куруқ илмий қоидалар, хусусан, қашфиётлар, амалга ошириб бўлмайдиган ва хато таклифлар (мас, абадий двигатель яратиш ҳақидаги таклифлар) ихтиро ҳисобланмайди. Ҳал қилинадиган масала фақат назарий эмас, балки амалий эҳтиёжларни қондирадиган бўлиши лозим. Ихтиро қонун билан муҳофазалangan давлатларда ҳар бир таклифнинг ихтиро бўлиш шартлари белгиланади. Бу шартлардан асосийси масаланинг энг янги ҳисобланган техник ечимиadir. Муайян таклифни ихтиро деб ҳисоблаш учун ундан бир неча марта фойдаланиш имкони ҳам бўлиши керак. Ихтиронинг янгилиги, яъни биринчи эканлиги (кўпинча, ихтирочиликка оид ташкилотларга берилган ҳужжат — ариза санаси) олдин берилган муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар, ихтиrolар эълон қилинадиган тегишли адабиётлар, кўргазмаларда намойиш қилинган экспонатлар ва б.га мувофик, аниқланади.

Давлат инфратузилмада инвешсия ва илмий ташкилотларнинг молиявий жараайнларида асосий ўрин тутади. Сўнги вактларда лойиханинг Инснинунонал боғлуқлигини донор сифатида қўллаб қувватлади. Миллий ва худудий илмий ташкилотлар мамлакатни ривожланишини молиявий жиҳатдан таминляяди<sup>24</sup>.

Ўзбекистон Республикасида ихтирочи бўла олиш шартлари ва уни таснифлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 йилда тасдикланган «Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳақида»ги қонунда белгиланган. Ихтиро бўйича талабномаларни экспертиза қилиш, муаллифлик гувоҳномаси ва патент бериш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан амалга оширилади. Ихтирочилик ҳуқуки - Ўзбекистонда фан ва техника соҳасида ихтиро яратиш, унинг расман тан олиниши ва қўлланиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турадиган фуқаролик-хуқукий меъёрлар мажмуи. Ихтиро фан ва техникада янгилик эканини исботлаш учун у дастлабки таклиф бериш асосида 15 кунлик муддат ичида экспертизадан ўтказилади. Ихтиро экспертиза учун қабул қилингани ёки рад этилгани ҳақида таклиф берувчига асосли далиллар биланн ёзма жавоб юборилади. Экспертиза давомида буюртмачига ихтиро мазмунига бирон-бир

<sup>23</sup> Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. p. 31.

<sup>24</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). p 67.

шаклда ўзгартиш ёки қўшимча киритиш таклиф этилиши мумкин, бунинг учун яна икки ойлик муддат белгиланади. Мазкур талаблар ўз вақтида бажарилган тақдирда ихтиронинг биринчи марта яратилганлиги факт сифатида дастлабки таклиф берилган кундан эътиборан тан олинади. Таклифнинг ихтиро деб ҳисобланиши учун унинг муаллифи муайян техник муам-мони ижодий тарзда ҳал қилган бўлиши шарт. Ихтирога оид ҳукуқ қонун-қоидалари Ўзбекистон Республикаси ФК 62-бобида белгилаб берилган. Уларга биноан, бу ҳукуқ ихтириочига патент берилганидагина муҳофаза қилинади. Патент биланн муҳофазаланадиган ихтиродан ўз хоҳишича фойдаланишдаги алоҳида ҳукуқ патент эгасига тегишлидир, бошка шахслар унинг рухсатисиз ихтиродан фойдаланишга ҳақли эмас (қонунларда кўзда тутилган алоҳида ҳоллар бундан мустасно). Ихтиро муаллифи маҳсус ҳуқуқлар, имтиёзлар биланн қонун воситасида таъмин этилиши мумкин.

Кашфиёт — изланиш, текшириш, илмий тадқиқот натижасида, баъзан эса тасодифан топилган, яратилган илмий янгилик. Унга табиат ҳодисалари ва жамият қонуниятларини онгли равишда илмий идрок қилиш натижасида эришилади. Кашфиёт туфайли моддий дунёнинг илгари инсониятга маълум бўлмаган объектив қонуниятлари, хоссалари ва ҳодисалари маълум бўлади. Кашфиёт инсониятнинг билиш жараёни даражасини тубдан ўзгартиради. Кашфиёт фан-техника инқилоби-нинг асосини ташкил этади, фан ва техника тараққиётига тубдан янги йўналишларни бахш этади. Инсон босиб ўтган тарихий жараёнда жуда қўп кашфиётлар қилинди. Кашфиёт билан ихтирони бир-биридан фарқлай билиш керак. Кашфиёт натижасида муайян қонуниятлар яратилади, ихтиро натижасида эса муҳим янгиликлар яратилиши мумкин. Масалан, Архимеднинг сув чиқариш винти ўта янгилик бўлса ҳам у ихтиро ҳисобланади, И. Ньютоннинг бутун олам тортишши қонуни эса оламшумул кашфиётдир. Ҳатто ички ёнув двигателининг яратилиши ҳам ихтиро, лекин Н.Коперникнинг Ернинг ўз ўқи атрофида ва сайёralар (шу жумладан, Ер)нинг Куёш атрофида айланиши тўғрисидаги ғояси — оламшумул кашфиёт. Автомобиль ва самолётнинг яратилишини ҳам илмга, табиат конуниятларига асосланган ихтиро дейиш мумкин. Лекин Галилео Галилейнинг қушларнинг учишига таклид қилиб самолётнинг учиш схемасини яратиши кашфиёт ҳисобланади. Беруний, Ибн Сино, Улугбек яратган қонуниятлар ҳам Кашфиётлар жумласига киритилади.

Ҳар қандай ихтиро ҳам кашфиёт бўла олмайди, лекин ихтиро кашфиётга суюнган ҳолда қилинади. Атом ва водород бомбаларининг кашф қилинишини кашфиёт жумласига киритиш мумкин, бирок, ракеталарни ясаш ихтиро ҳисобланади.

Кашфиёт ҳам, ихтиро ҳам қонунчиликда муҳофазаланади. Илмий кашфиётлар ва ихтиrolарни рўйхатга олиш, муаллифлик ҳуқуқини қонунларда мустаҳкамлаб қўйиш давлат тизими мавжуд. Ўзбекистонда кашфиёт ва ихтиrolарни муҳофazалаш ишлари билан Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси шуғулланади.

Ўзбекистонда инновация соҳасини давлат томонидан тартибга солиш тизимини шакллантириш йўлида қатор муҳим ишлар амалга оширилган. Хусусан, «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳа ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа кўпгина норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур ҳужжатлардан инновация фаолияти учун қулай шароитларни барпо этиш, тижоратлаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган бўлиб, улар инновация фаолияти натижаларини ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини ташкил этишнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Қонунчиликка кўра, Ўзбекистонда мол-мулк дахлсиздир, республикада мулкчиликнинг, иқтисодиётнинг самарали фаолият кўрсатиши ва халқ фаровонлигини оширишга хизмат шаклларига рухсат берилган.

Инновация фаолияти натижаларини ҳуқуқий ҳимоялаш инфратузилмасининг таркибий қисми бўлган патент тизими, муаллифлик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистонда патент тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши — миллий ихтиrolарнинг эксперт фондини шакллантириш, бу базадан фойдалана олувчи патент эксперт кадрларини тайёрлаш, патент берувчи текширув тизимига ўтишдан иборат бўлиши лозим.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ихтиrolар ва саноат намуналарини патентлашнинг мавжуд тизими — республика иқтисодий сиёсатининг инновация йўналишини ҳисобга олган ҳолда баъзи ўзгаришлар киритилишини тақозо этади.

Халқаро технологик алмашувга фаол кириб боришнинг зарур шарти чет эллардаги саноат мулклари обьектларини патентлаштиришdir. Бу товарлар экспортини ҳамда лицензияларни чет элга сотишни таъминлашнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Чет эллардаги ҳуқуқий муҳофаза патентлаш амалга оширилган мамлакатда шунга ўхшаш маҳсулотни ноқонуний ишлаб чиқаришга тўсқинлик қиласди. Хорижий патентлаш, одатда, экспорт маҳсулотни муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий патентлаш даражаси миллий патентлаш маҳкамасига тақдим қилинаётган жами аризалар сонининг 1 фоизини ҳам ташкил қиласди. Бундай вазият, шаклланиб келаётган миллий илмий маҳсулотлар ва юксак технологиялар экспортига жиддий хавф туғдиради. Шу муносабат билан, республикамиз ҳуқуқ эгаларининг интеллектуал мулкларини, жумладан, давлат бюджети ҳисобига ёки давлат бюджети маблағларидан фойдаланиб, ишлаб чиқарилган интеллектуал мулкларни хорижий ва жаҳон бозорларидаги ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўрилиши зарурлигидан келиб чиқиб, мутахассислар томонидан тараққиёт институтларини ташкил этиш таклиф қилинмоқда.

Мазкур институтлар молиялаштираётган, патентга лаёқатли саноат мулки обьектларига эга бўлган лойиҳаларнинг ишончли ва кенг ҳимояга эга бўлишидан манфаатдордир. Шунинг учун, илмий-техник ва инновацион лойиҳалаштиришни молиялаштиришни режалаштиришда, хорижий патентлаш имкониятларини ҳам кўзда тутиш лозим<sup>25</sup>.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳукуқларини рўёбга чиқариш ва уни ҳимоялаш учун Муаллифлик ҳукуқлари бўйича агентлик ташкил қилинган бўлиб, унга муаллифлик ҳукуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

2006 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ташкил қилинган. Мазкур қўмитани ташкил қилишдан мақсад мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётида фаннинг ролини кучайтириш, илмий-техник тараққиёт бошқарувини эркинлаштириш, илмий тадқиқотлар, технологик ва конструкторлик ишланмаларининг савияси, сифати ва долзарблигини ошириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратшидир.

Қўмита ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар стратегияси билан боғлиқ равишда вазирликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот муассасалари тақдим қилган материаллар асосида, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига оид таклифлар тайёрлайди, вазирликлар ва идораларнинг илмий-техник дастурларини, инновация ва бошқа тадқиқот, тажриба- конструкторлик лойиҳаларини ишлаб чиқиши билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштиради.

### **Oxfamдаги инновацон муаммо.**

Oxfamда мослашишга бўлган катта мерос ва ижтимоий ўзгаришга нисбатан хоҳишдан ташқари яралган инновацияда бор - у Иккинчи Жаҳон урушининг бошланишидан бўён чексиз трансформациялар саёҳатидадир. Бу унинг илк қунларидағи инновация устида қилинган яхши рекорди. 1950 ва 1960-йилларда у хайрия дўконлари ва гуманитар ёрдамларда бошчилик қилди. 1970-йилларда у фавқулодда ҳолатлар учун сув бак (идиш) ларини ривожлантириди ва *Sahel*ни олдларидан бошлаб “сехрли тошларга” чўлланишни камайтириш учун берди, уларнинг иккаласи ҳам ҳозир ишлатилмоқда. 1980-йиллар Oxford Brookes Университети ва ОИЦ/ОИТВ га қарши биринчи жамоаларнинг бири билан энергия бисквитини кашфиётини кўрди. 1990-йилларда у биринчи Адолатли Савдо Асосини яратди ва Нобел Тинчлик мукофоти лауреати бўлди. 2000-йилларда у “Камбағалликни ўтмишда қолдиринг” компаниясида марказий ролни ўйнади ва фонд оширишнинг Oxfam Ўралмаган намойишлари каби янги ёндашувларини ривожлантириди, қайсики

<sup>25</sup> К.Шодиметов. Мукобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари. –Т.: “ILM ZIYO”. 2014. 14 бет

ҳозирги кунда 50 миллион еврогача фондини ошириб олган. Бугун Oxfam ҳалигача кенг кўламда таъсир кўрсатиш учун инновация қилади<sup>26</sup>.

Шунга қарамасдан, муаммолар анчагина мураккаб бўлганлиги ва дунёнинг жуда ҳам тез ўзгараётганлиги сабабли биз ҳозирги кунда дуч келаётган муаммоларни ечишга етарли даражада яратувчи ва бирлашувчи эмасмиз. Oxfam нинг бош стратегик маслаҳатчиси Дунсан Греен айтганидек: “(кенгроқ контекст) инновацияга кўпроқ қўшимча ҳақ беради, аммо буни мавжуд доимийлик билан ривожлантириш Oxfam учун қийинлигини исботлади.

*Oxfam даги инновацияни яратувчи ва таъқиқловчи факторлар.*

Oxfam да инновация қандай даражада содир бўлишини янада яхшироқ тушуниш учун биз ташкилот бўйлаб инновациянинг яратувчи ва таъқиқловчи факторлари устида изланиш олиб бордик. Бизнинг методологиямиз инновациядаги ижобий оғишларни кашф қилиш эди – унинг ўзи халқаро ривожланишдаги муҳим инновация ҳисобланади. Биз ноодатий аммо муваффақиятли, муммоларга яхшироқ ечим топадиган йўллар ёки стратегияларни топишни хоҳлагандик. Биз кенг кўламда таъсир ўтказган ёки таъсир ўтказишга юқори даражада потенсиали бор 13 та инновацион тажабbusлар жамоасини интервью қилдик. Бу ташабbusкорлар кўп ҳажмдаги системалар фикрларининг элементларидан фойдаланган ва Oxfamning ишларини турли хиллигини кўрсатган инвесторлар билан ишлашган. Улар бундан ташқари “Бренддан Орқада” каби Сомалида соғлиқни сақлаш хабарлари ва пул жўнатиш учун мобил телефонлардан фойдаланадиган глобал компанияларни ҳам ўз ичига олади.

Oxfam инновацияларига мисоллар<sup>27</sup>. MLink Сомалида Oxfamга хавфсиз жойларда масофадан ҳамжамиятга эришиш учун имкон берди. У бозорга етиб бориши қийин болган маҳаллий сотувчиларга ўзак маҳсулотларга алмаштириш ҳисобига фойда олувчиларга жўнатиладиган интернет-купонлар орқали ишлайди. Сотувчилар эса бу эвазига Oxfamдан тезкор мобил тўловларни қабул қилади. ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда, бу ёндашув миллионлаб одамларни асаб касаллигидан ҳимоя қилишга йўналтирумокда. Лекин бу яна шу фактни таъкидлайдики, бизнинг ҳозирги кўпгина стратегияларимиз бундай муҳитда ишлай олмайди.

Бангладеш фермерлари учун сув тошқинлари суғуртаси тошқиндан заар кўрган одамларга тез тўланиш хусусияти билан 2013-йилда ташкил қилинди. Учувчилик индекс суғуртаси 14та вилоятда 1661та камбағал оиласларни қоплайди, лекин қачондир синаб кўрилган узоқроқни кўзлайди. Бу схема Швед Ре ва маҳаллий суғурталовчилардан ташкил топган жамоанинг бир қисми ва

<sup>26</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). P 47.

<sup>27</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). P 75.

Oxfam томонидан ривожлантирилган. Муаммо инвесторларга фойда келтирадиган тиҷорий ишлайдиган моделни ривожлантириш – ва бу эрта мукофот учун вақт ва энергия олади.

Oxfamning “Бреддан орқада” компаниясининг мақсади одамларни дўёдаги энг катта 10та озиқ-овқат ва ичимлик компанияларини ушлаб туриш учун керак бўладиган ва уларнинг ўз таъминот занжирларида нима содир бўлаётганлги ҳақидаги маълумотлар билан таъминлашдир. Ҳамма оммага маълум маълумотларни тўплаб компания қуидагича саволни беради: “Улар ўз таъминот занжирларини тозалаш учун нима қилишмоқда?” Бу кўпина актёрларнинг, идеализмдан, ўз қизиқишиларидан ёки ўз хисобларини максиммаллаштиришга бўлган муҳтожлик танловлари камбағал оилаларга улкан фойда келтира оладилар.

Oxfamда инновация қандай содир бўлиши биз гапирган ташкилий структуралар орқали бўлган инновациялардан ташкил топган:

1. Инновацияни гапирманг, уни бажаринг. Биз шуни билиб олдики, Oxfamдаги инновацияюргизувчилар ҳар доим ҳам очиқдан-очиқ инноватив бўлишга ҳаракат қилиш асди, ёки улар етарли даражада ўзлари инноватор эмас. Улар шунчаки муаммоларни ечишнинг яхшироқ ечимлари бор деб ўйлашган, ва бошқалар билан буларни ечишга ҳаракат қилишди. Биз қўриб чиқган инновацияларнинг бирортаси биз инноватив бўлишни хоҳлаганимиз учун бўлмаган.

Шунга ўхшаш ҳолда, изланиш ўтқазишга ҳаракат қилаётганимизда биз ташкилот бўйлаб колективни инновациясўзи устида хато қилишганлигини топдик. Биз тўхтовсиз нотўғри ижобий (қаерда иш инноватив сифатида аниқланганди лекин одатий бизнес эди) ва нотўғри салбий томонлар (айтиб ўтилмаган буюк мисоллар)ни кўрдик. Биз қачонки одамлардан қайси иш яхши ва фарқ яратишга потенсиалга эга деб сўраганимизда, ўша пайтда бизда юқори уриш даражаси бор эди.

Oxfamда “Бу инновативми?” деган савол ҳақиқатдан ёрдам бермайди, сабаби бу бизни энг муҳим саволдан узоқча олиб кетади: “бу кенг кўламда ўзгариш олиб келадими ва таъсирни оширишнинг йўллари қандай?” Инновация ўзининг ўнгидаги масофадек кўриниши керак эмас, балки янада умумий ва креатив муаммо ечувчи бўлиши керак.

Инновациянинг тили тез-тез мантиқсиз қарашларни ўзига олиши мумкин: “маъноли ўзгаришларни қилиш”, “трансформатив таъсирга эга бўлиш” ва ҳоказо анчагина таниш тил. Бу инновацион стратегиялар ўзгариш тактикалирига муҳтож бўлиши мумкин деган фактни таъкидлаб ўтади. Шунинг учун ҳам биз инновацияга яширинча қараймиз – масалан ривожланишнинг янги бизнес моделлари, дизайнни программаллаштиришга (дастурлашга) яширинча ёндашиш, ва таъсир доирасида қурилиш жамоаси имкониятларига эътиборни қаратиш.

2. Одамлар аҳамиятга эга (ва улар кўплаб муҳим ролларни ўйнайди )

Бу изланишда биз “Инновация” одатда бериш, англаш, тарбиялаш ва талантни ушлаб туришдан бошланишини билиб олдик. Биз бир қанча ижобий нормал бўлмаганларни мослашишга ва ривожлантиришга муҳтож бўлган роллар бўлганлигини билдик.

Биз бу жамоа азоларини “сергайрат оператлар” деб атар эдик. Улар ўз фикирларини бир бири билан бўлишадиган бир бирини қўллаб-қувватлайдиган гурухнинг бир қисми эди, ва улар бир бирларини ўзларининг ажойиб маслаҳатлари ҳамда мутахассислик хулосалари билан қўллаб қуватлашар эдилар.

Бунда ҳар бир давр мобайнида ҳар бир босқичда сардорлар бўлади. Улар янгиликлар яратишади, ғолибларга ўхшаб ҳаракат қилишади имкониятлар топишади ва жамоани турли таваккалларда ва ишлар қўнгилдагидек кетмаётганда қўллаб-қувватлаб туришади. Бирреспондент ўз иш бошқарувчиси ҳақида шундай фикр билдири; “У айтган бўлар эди “Бор ҳозир шу ишни қил, мен сенга ишонаман” ишончим комилки мен муваффақиятизликка учрасам ҳам у мени қўллаб-қувватлайди”. Кўп вақтларда ҳар хил иш тажрибасига эга бўлган ходимлар жамоси бир-хил йўналишдаги ходимлар жамоасидан устун бўлади.

3.Шиддатли тез ўзгарувчан вазиятлардаги имкониятлар<sup>28</sup>. Тез орада янги ишлаш жараёни, муҳити яратилган жамоада доимий вақт етишмаслиги кузатилади бунинг сабаби улар ўзларининг вазифаларини бажаришлари ва доимо ортиб борувчи қўшимча вазиятлар бўлади. Ҳодимлардан бири шундай дейди. “ишимизнинг бошида биз янги имкониятлар қидириш қўшимча фикрлар ғоялар яратиш бизнинг асосий ишимиз эмас эди буларни биз ҳафта охирида ҳамда кечки пайтларда қиласиб эдик.

Ҳозирда эса бу каби ҳаракатлар бизнинг келажакдаги ишларимизнинг, дастурларимизнинг асосий қисмига айланган. Ҳар қандай муваффақиятли ташкилот ҳам параллел аниқ равишда ҳаракатларни амалга ошириши керак ва бу келажакда қўпгина кескин вазиятларда фаҳрланадиган ҳодиса бўлади. Мен айтган бўлардимки янгилик яратиш учун биргина ва катта сабабларидан бири Oxfam каби ташкилотларда келажакда иш вақтида ҳодимларнинг вақти-чогини яхши ўтказишидир. Албатта, уларни мажбуран бир жойда ушлаб турганидан кўра. Биз Осиёда давлатлардаги ишга лаёқатл аҳолининг авлодлар алмашинувини ривожлантироқдамиз ва бу иш бошқарувчилар кутган натижани бермоқда. Биз шунингдек шуни билдикки турли усул ва услубларда ишлаган ҳодимлар бирлашиб катта муваффақият келтририши мумкин. Масалан: яқиндаги қўшма дизайн жараёнида ёшлар ҳам дастурли давлатлардаги шу соҳадаги мутахасисларнинг учрашуви бизга келажак учун кўпгина имкониятлар яратиб берди.

<sup>28</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). P 83.

Эгилувчан капитал бошланғич даврларда жуда мұхимдир у бизга турли тажрибалар үтказиш имконини беради. Биз ЗД принтерини иноснят учун қанчалик фойда келтиришини билмаймиз. Лекин, ақлли одамнинг тиккан маблағи бизга күп йўлларни очиб беради. Чунки бошланишда режалар ўзгарувчан бўлади. Маблағларни турли жойларга йўналтириш яъни эгилувчанлиги ва маблағ берувчиларнингочик-ошкоралиги жуда мұхим.

4.Ижодий ҳамкорлик. Яна бир мұхим омиллардан бири бу жўшқин ҳамкорлик ва шерикчиликдир. Бир манфат йўлида бирга вақт сарфлаётган одамларни ва муаммони ечишга қурби етадиган одамларни топганимизда бу нарса бизга дивиденд каби бўлади. Фақатгина биз уларни тўғри танлай олишимиз ва ечимларни бирга ривожлантира олсак. “Arms Trade Treaty” ташкилотини мисол қилиб оладиган бўлсақ, у 65дан ортиқ халқаро хукуқшуносларни ўз ичига олади. Ва бунинг асосий мақсади қонуний таҳлилар үтказиб унинг натижасида савдо сотиқнинг хукумдорини аниқлаш шунингдек турли делегацияларни қонуний дипломатик конференцияларда қўллаб-куватлашади.

Ижодий ҳамкорлик қуриш одатда жуда мұхим масала саифатида қаралмайди ҳатто кимёрлар учун ҳам. Катта ташкилий эътибор вақтинчалик устунлик ва унинг давомийлигига ҳамда ишларнинг боришига қаратилади. Чуқур систематик ўзгаришлар ҳамкорликнинг имкониятларини эҳтиёжи деб эмас балки, завқ улашадиган ҳодиса деб тадқиқ қилинди. Биз даслабки вақтларда Жанубий африкадаги катта бир пиво ишлаб чиқарадиган ҳудудда аёлларнинг жиноятга қарши жамоасини туздик ва бу анча-мунча ананавий усуллардан кўра фойдалироқ бўлди. Oxfam ҳодимларини яна бир кучли ташкилий қисми бу “Уларга ва Бизга” деган ғояни ўйфотишидир. Oxfam ҳодимлари ва ундан ташқарида бўлганлар ўртасида албатта. Бу ўз-ўзидан ота - мўғил ёки берувчи-қабул қилувчи каби алоқаларни катта ва кичик ташкилотлар ўртасида пайдо қиласи. Oxfam ўз чегераларидан үтказадиган йўлакларни кўпайтиришга мұхтож<sup>29</sup>. Бунинг асосий сабаби брокерликда асосий ўрин эгаллашдир ҳамда ҳамкорликда мұхим ўрин эгаллашдир.

Биз эҳтиёткорлик билан ҳамкорликдаги устунлигимизни рақобатдаги устунлигимиздан кўра кўпайтиришимиз, ошиrimiz керак. Мақсадга эришиш йўли аниқ қадамлар ҳодимларнинг янги қирраларини очишга ёрдам беради, ва келажақдаги ҳамкорлик учун янги ғоялар кенг фикрлар ҳамда, бирлиқда бунёд этиш методологияларини ўз ичига қамраб олади.

5. Қулай мұхит, шароит ва фикрлар хилма – хиллигини ташкил этиш. Oxfamга қандай қилиб инновацион ғоялар келиб қолишини кузатадиган бўлсангиз бу кутилмаганда тўсатдан пайдо бўлишини кўрасиз. Агарда ташкилот мурракаб бўлса ва ўзаро боғланган бўлса Oxfam кўпроқ

<sup>29</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). P 89.

ташаббускорликда бўлади. Янгиликлар яратиш муҳитини шакллантириш ва тўғри йўналиш олиш учун раҳбарнинг роли муҳимдир лекин, бу энг баланд энг паст кўрсаткичларни белгилаб қўяди ва бошқаришга урғу бериши ҳам мумкин. Ташкилотларда ўзгаришлар қилиш янги нормаларни пайдо қилиш муҳимдир янги нормалар албатта ҳодимлар, ҳамкорлар ва бошқарув тизимиға ўз таъсирини кўрсатади, ва бу ҳодимларнинг кенг кўламда янги тизим учун қаттиқ ишлашни таъминлайди .

#### **4. Инновацион жараёнларни молиялаштириш манбалари ва шакллари.**

**Инновация фаолиятини молиялаштиришнинг моҳияти.** Ўзбекистон Республикаси ҳам инновация фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича ўзига хос тажрибаларга эга давлат ҳисобланади. Мазкур давлатда ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг дастлабки йилларида инновация фаоллигининг сезиларли даражада пасайиб кетиши юз берди. Жумладан, ИТТКИларини молиялаштириш 2016 йилга келиб Қозогистон, Россия, Ўзбекистон давлатларида 1990 йилдагига нисбатан ўртача 30-33 %ни ташкил этди, бу кўрсаткич Арманистон, Грузия, Қирғизистон, Тожикистон, Молдовияда – 16-18 %га тўғри келди.

Бу ҳолат мазкур соҳада фаолият кўрсатувчи ҳодимлар сонининг қисқаришига ҳам олиб келди. Жумладан, 1991-2016 йиллардаги кўрсаткич Узбекистанда – 5686 дан 3542 гача (38 %), Арманистонда – 4362 дан 2234 гача (49 %), Беларусияда – 6388 дан 4225 гача (33 %), Қозогистонда – 5045 дан 3631 гача (28 %), Қирғизистонда – 1319 дан 803 гача (39 %), Россияда – 134 176 дан 102 419 гача (24 %)ни ташкил этган<sup>49</sup>.

Бу мамлакат инновация фаоллигига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шу сабабдан хукуматимиз томонидан инновация фаолиятини ривожлантириш ва бунинг учун қулай шароитларни яратиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, мустақил мамлакатда инновация фаолиятининг ривожланишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 августдаги “Фан ва инновация фаолияти ривожланишини давлат томонидан кўллаб-куватлаш тўғрисида”ги Фармони асос солди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 январда “Халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни, халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар грантлари бўйича илмий дастурлар ва лойиҳаларни давлат томонидан кўллаб-куватлаш тўғрисида”ги 31-сонли Қарорининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни ҳамда халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар билан турли грантлар бўйича дастурлар ва лойиҳалар амалга ошириш ҳамда уларни давлат томонидан кўллаб-куватлашга кенг йўл очиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-436-сонли Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ташкил этилди ва у бугунги кунда самарали фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3860-сонли Фармонининг қабул қилиниши хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган кенг ва самарали рағбатлантириш тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-916-сонли Қарори асосида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ҳар йили ўтказилиши йўлга кўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 173-сонли Қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралдаги ПҚ-805-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ёшлилар йили” давлат дастури самарари ижросини таъминлаш мақсадида республикамизда айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг айрим фанлар чуқур ўрганиладиган қўйидаги турлари ташкил этилди:

- айрим фанлар (20 % фанлар) чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаблар;
- айрим фанлар (40 % фанлар) чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар;
- футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар.

Булар келажакда инновация соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшувчи ёш, малакали кадрларни тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 май “Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 144-сонли 67 Қарори мамлакатимизда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишга доир қўшимча рағбатлантиришлар тизимини шакллантиришга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-1536-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июнь “Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 166-сонли Қарори қабул қилинди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилиб, Агентлик мамлакатда интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминловчи ва мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказувчи ва улар фаолиятини назорат қилувчи маҳсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Мавжуд шарт-шароитлар ва олиб борилган тадбирлар натижасида сўнгги йилларда республикамида инновация фаолиятининг ривожланиш ҳолатини қуидаги 1-жадвал орқали акс эттириш мумкин.

Мазкур жадвал маълумотлари Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик муассасаларининг сони, уларни молиялаштиришга ажратилган маблағлар ҳажми, уларда фаолият кўрсатувчи илмий ходимлар сони, бажарилган дастурли сони ва бошқа параметрлар бўйича таҳлил қилинган давр мобайнида фақат ижобий кўрсаткичларни ва ўсиш тенденцияларини намоён этганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Малайзия Ҳукумати ўртасида 2008 йил 17 ноябрь куни “Фан ва технология соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Англашув Меморандуми тузилди.

Мазкур Англашув Меморандуми тузилиши томонларнинг ҳар бир мамлакатда амалда бўлган қонунлар, қоидалар, йўриқномалар ва миллий сиёсатга амал қилиб тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида икки давлат ўртасида фан ва технология соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш тўғрисида келишиб олишини кўзда тутади.

**1-жадвал.**

**Фан-технологиялар ва инновация салоҳиятининг асосий кўрсаткичлари**

<b>№</b>	<b>Инновация салоҳияти кўрсаткичлари</b>	<b>Йиллар</b>					
		<b>2006</b>	<b>2008</b>	<b>2010</b>	<b>2012</b>	<b>2014</b>	<b>2016</b>
1.	Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик муассасалари сони	169	171	183	222	222	230
1.1.	Тажриба-конструкторлик ташкилотлари сони	11	13	14	19	19	21
1.2.	Инновация марказлари сони	5	6	7	9	13	17
2.	Инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган молиявий маблағлари динамикаси, ўтган йилга нисбатан % да	118,1	122,3	134,1	196,2	136,3	139,8
2.1.	Инновация илмий-техника дастурлари сони	197	179	194	171	221	301
3.	Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари билан шуғулланыётган илмий ходимлар сони	20189	22403	24189	26145	26367	27655
3.1.	Фан докторлари сони	2212	2311	2590	2721	2989	3001
3.2.	Фан номзодлари сони	8403	8629	8760	9231	9301	9866
4.	Бажарилаётган давлат илмий-техника дастурлари сони	1612	1577	1789	1217	1264	1278
5.	Давлат илмий-техника дастурларига ажратилган бюджет маблағлари, ўтган йилга нисбатан %да	119,6	126,9	135,6	180,5	197,7	199,8
	Кичик бизнес субъектлари томонидан олинган патентлар сони	53	47	51	69	78	81

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Бразилия Ҳукумати ўртасида 2009 йил 28 май куни Бразилия давлатида тузилган “Техникавий ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим 2011 йил 9 июндан кучга кирган бўлиб, Мазкур Битим қўйидаги муҳим аҳамиятга эга соҳаларда техникавий ҳамкорликни рафбатлантиришни ўз олдига мақсад қилиб олган:

- а) таълим;
- б) соғлиқни сақлаш;
- в) табиатни муҳофаза қилиш;
- г) коммунал хўжалиги;
- д) сув ресурсларини бошқариш;
- е) фан ва инновация технологиялари;
- ж) қишлоқ хўжалиги;
- з) энергетика;
- и) телекоммуникациялар;
- к) ва бошқа томонлар тарафидан белгиланган соҳалар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТ билан ҳамкорлик асосида 2010-2015 йилларда “Иновация сиёсати ва технологиялар трансфери соҳасида қўллаб-куватлаш” номли лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда инновацон инфратузилмани ривожлантиришни БМТ Ривожлантириш Дастури ёрдамида қўллаб-куватлашда иборат. Лойиҳанинг умумий қиймати 638,566 АҚШ доллари ва Ҳукумат томонидан пул шаклида бўлмаган 277,300,000 сўмни ташкил этади.

Ривожланаётган мамлакатларда нисбатан янгилик тизимлари бўйича назарий баҳслар инновацион тизимлари илғор мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий шароитига асосланган. Натижада, расмий ташкилотлар ва муассасалар таъсирига учраб, ривожланишнинг назарий асосларига путур етказиши мумкин. Бу борадаги тортишувлар ривожланиш учун инновацияларни мустаҳкамлаш йўлларини, жумладан, турли контекстларда мослаштириш учун айрим имкониятлар қўламини кенгайтиради. Шу билан бирга, иқтисодиётни ривожлантириш ташкилотлар ва муассасалар мувофиқлиқда ҳаракатини мовхумлаштиради. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, ривожланаётган мамлакатларда инновацион фаолият кўп жиҳатдан норасмий келишувлар томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий муҳитда содир бўлади<sup>30</sup>.

Давлат муассасаларига иштироки минтақавий даражадаги маълумотларни йиғиш учун иштирок усуслари билан фойдаланилади, кашфиёт ёки таҳлил илмий жамоаларни жалб этиш тобора аниқ бўлиб кенгроқ миқёсда тадқиқот янада кўчайган бўлади. Тадқиқотчи олимлар, сиёсатчилар ва маҳсулотдастурчилари холати, тили, устувор вазифалари ва усусларидан фойдаланади. Гуруҳлар билан бирга, бир қатор ижобий натижалар ва муваффақият бор. Янги товар турлари ва ишлаб чиқариш усуслари ривожланишида иштирок этиш, янгича ёндашувлар кенг қабул қилинди<sup>31</sup>.

Ўзбекистон давлати инновация соҳасида хориж давлатлари билан алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, 2008 йил 10 октябрда Бишкек шаҳрида МДҲ давлатлари раҳбарлари Кенгаши йиғилишида давлатлар раҳбарлари томонидан “2010 йил МДҲда фан ва инновациялар йили” деб эълон қилинди. МДҲ давлатлари раҳбарлари Кенгаши қарори билан 2008 йил 14 ноябрда 2020 йилгacha бўлган даврга Ҳамкорликни иқтисодий ривожлантириш Стратегияси тасдиқланди ва унинг таркибида инновацион ҳамкорликка катта ўрин ажратилди.

Шунингдек, 2011 йил 19 май куни Минск шаҳрида МДҲ давлатлари Ҳукуматлари томонидан “МДҲ қатнашчилари – давлатларининг инновация

<sup>30</sup> Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. p. 44-45.

<sup>31</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). P 22.

фаолияти учун информация” номли Битим тузилди ва ушбу Битимнинг асосий мақсади МДҲ давлатлари инновация фаолиятининг информацион инрфтузилмасини яратиш ва у орқали инновация фаолияти иштирокчиларининг тезкор ва ишончли информаяларни олиш орқали инновацион интеграция жараёнлари самарадорлигини оширишга қаратилди.

Ўз навбатида, республикамизда ҳам МДҲ давлатларидағи сингари БМТ Ривожланиш Дастури (БМТРД) лойиҳаси асосида Ўзбекистон Республикасининг 2012-2020 йилларга инновацион ривожланиш Концепцияси ишлаб чиқилиб, унга кўра, қуйидаги умумий натижаларга эришиш кўзда тутилган.

## **2-жадвал**

### **2012-2020 йилларга иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг мақсадли йўналишлари**

Кўрсаткич	2010 й. (хисобот)	2012-2015 йй.	Прогноз
			2016-2020 йй.
ЯИМга нисбатан илмий-техник ишларга харажатлар улуши, %	0,2	1,0	3,0
Юқори технологияли тармоқлар улуши (ЯИМ)	11,3	15,0	31,0
Инновацион маҳсулотлар улуши (ЯИМ жами)	2,9	15,0	22,0
Инновация фаолиятига харажатлар улуши (маҳсулот ҳажмига нисбатан, %)	0,4	2,8	5,0
Умумий экспортда инновация маҳсулоти экспорти улуши, %	5,76	15,0	28,0
Табиий фанлар ва инженерлик таълим бўйича	28,7	40,0	45,0
Патентлар сони, ҳар йили хорижий патент муассасаларида Ўзбекистон резидентлари томонидан рўйхатдан ўtkазилувчи,	8***	1000	1300

<sup>51</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012-2020 йилларга инновацион ривожланиш Концепцияси асосида тузилди ([www.inno.uz/downloads/publications/concept](http://www.inno.uz/downloads/publications/concept)).

2-жадвал маълумотлари истиқболли давларда Ўзбекистонда инновация фаолиятининг ҳар томонлама ривожланишига катта эътибор қаратилганлиги ва ишлаб чиқилган Концепция ижроси натижасидан юқори самараларга эришиш белгиланганлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистон инновация фаолиятини молиялаштириш ва ривожлантириш борасида кенг қамровли ва истиқболли сиёсатни амалга ошириб келмоқда. Бунда, нафақат, хориж давлатлари амалиётини таҳлил қилиб ориш билангина чекланмасдан, улар ва халқаро ташкилотлар билан инновация фаолиятини ривожлантириш бўйича яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб ва амалга ошириб келмоқда. Бу юқорида таҳлил қилинган жадвал

маълумотлари тасдиқлаганидек, инновация соҳаси тараққиётида муҳим омил бўлмоқда.

1. Иқтисодиёти ривожланган давлатларда инновация сиёсати қуидаги босқичда амалга оширилади: инновация фаолиятини ривожлантиришнинг илмий асосланган концепциясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш; инновация фаолиятини давлат томонидан фаол қўллаб-куватлашнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва ишлаб чиқиш; инновацион фаолликни янада кучайтиришга қаратилган мақсадларнинг самарали амалга оширилиши бўйича амалий ҳаракатлар.

2. Инновация соҳаси энг ривож топган АҚШ давлатида барча ишланмалар ва янгиликларни молиялаштириш қуидаги пропорцияда амалга оширилади: 35 %и – федерал бюджетдан (200 млрд. АҚШ доллари атрофида); 60 %и – ишлаб чиқариш компанияларининг ўз маблағлари ҳисобига; 5 %и – штатлар хукуматлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, коллежлар, университетлар ва хусусий фондлар маблағлари ҳисобига. АҚШ тажрибаси тасдиқлашича, бугунги кунда ИТТКИларига сарфланган 1 доллар ЯИМнинг 9 долларга ўсишига олиб келмоқда.

3. Хориж давлатлари амалиётида кўп кузатилаётган инновация фаолиятини ривожлантиришга қаратилган давлат инновация сиёсати самарали ижросини таъминлашда муҳим омил бўлиб келаётган турли йўналишдаги инновацион қўллаб-куватлаш тадбирлари ҳам муҳим ўрин эгалламоқда.

4. Европа давлатларида инновация соҳасидаги ҳолат ва институтционал шарт-шароитлар қулайликларини аниқлаш мақсадида 2006 йилдан бошлаб Европа инновация жадвали (European Innovation Scoreboard (EIS)) кўрсаткичларидан фойдаланиб келинади ва унда Европа Иттифоқига аъзо бўлган 27 та давлат, шунингдек, Хорватия, Туркия, Исландия, Норвегия, Швейцария, США, Япония ва Россия ҳамда бошқа МДҲ давлатлари кўрсаткичлари баҳоланади.

5. Ўзбекистон бугунги кунда МДҲ ва бошқа хориж давлатлари, халқаро ташкилотлар билан инновация соҳасини ривожлантириш бўйича стратегик ҳамкорлик алоқаларини амалга ошириб келмоқда ва МДҲ давлатлари сингари 2012-2020 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг 2012-2020 йилларга инновацион ривожланиш Концепциясини ишлаб чиқди ва унинг 1-босқич ижроси амалга оширилмоқда.

**Ўзбекистонда инновация фаолиятини молиялаштиришда хориж тажрибаларидан фойдаланиш.** Бугунги кунда жаҳон цивилизациясида давлатлар ўртасидаги турли тафовутларни, жумладан, иқтисодий ривожланиш, илмий-техникавий тараққиёт ва бошқа йўналишларда кескин тус олаётганлигини кўриш мумкин. Мазкур тафовутларнинг ўтган бир неча ўн йиллик ичida айрий давлатлар ўртасида қисқариши, айримларида янада ортиши юз берганлигини кузатиш мумкин. Тезкор ривожланиш ва янгиланиш ҳукм сураётган ҳозирги даврда мамлакатни жаҳон ривожланиш даражасидан ортда қолишдан ҳимояланиш, ўз иқтисодиётини юксалтириш, глобал

ижтимоий-сиёсий, экологик-иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг тобора чукурлашиб кетишининг олидини олиш ва уларни ҳал этишнинг самарали ечимларини излаб топиш, энг оптimal вариантларини ишлаб чиқишига қаратилган яқин ва узоқ келажак учун стратегияларни танлаш ҳамда уларнинг жадал суръатлар билан амалга оширилишига эришиш, бунда барчасига осон, тез ва юкори самарадорликда эришиш калитини топиш ҳар бир давлат, айниқса, ривожланган давлатлар ортидан этиб олиш учун фаол интилаётган давлатлар олдида турган энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Бугунги кунга қадар дунё давлатлари амалиётида иқтисодий ривожланишнинг турли йўналишлари ва механизмларидан фойдаланиб келингандигини кўришимиз мумкин. Улар ичида жаҳон амалиётида юкори самарали ва истиқболли деб қаралган тажрибалар бошқа давлатлар учун муҳим қўлланма ва андозага айланмоқда. Мазкур қўлланмалар таркибида энг муҳими ва мамлакатни ўз тараққиёти билан жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш имконини берувчи омил бу инновациялар ҳисобланади.

Инновациялар илмий-технологик ўзгаришлар глобаллашуви шароитида амал қилиш майдонига кўра инсон фаолиятининг барча соҳалари ва жамиятнинг ҳар бир жабҳасини қамраб олган ҳолда турли мамлакатлар ва цивилизациялар ўртасидаги кескин фарқларни бартараф этишда унинг ютуқларидан кенг фойдаланиш ва ҳар бир мамлакатнинг инновацион тараққиёти орқали жаҳон цивилизацияси ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ўз ҳиссаси ва таъсирига эга бўлиш имконини беради.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, юкори қудратларга эгалигини кўрсатиб ва барча давлатларни тобора ўзига ром этиб бораётган инновацияларни амалга оширишда ташкил этилувчи инновация фаолияти умумий тарзда қуйидаги объектларда намоён бўлади:

- ихтиrolар, ноу-хау, илмий-техник ишланмалар асосида янги илмий ҳажмдор маҳсулотларнинг тажриба-саноат намуналарини яратиш, саноат си новларидан ўтказиш, янги технологияларни жорий этиш, уларни ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлаш;

- мавжуд технологияларнинг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган, тижорат нуқтаи назаридан самарали бўлган, маҳаллий хом ашё асосида янги илмий ҳажмдор маҳсулотларни бозорга олиб чиқиш;

- инсон, ҳайвон, ўсимликлар касалликларини даволашнинг замонавий усусларини ўзлаштириш, янги турдаги дори-дармонларни, уларнинг субстансияларини ва тиббий техника маҳсулотларини ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни ўзлаштириш;

- тупроқ унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик ўсимликларини етиштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилиги соҳасида ва ҳимоя препаратларини ишлаб чиқаришда самарали технологияларини жорий этиш;

- саноат чиқиндиларини ҳамда иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш технологияларини ўзлаштириш;

- янги ахборот технологияларини, дастурий воситаларни яратиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва экологик хавфсизлик билан боғлиқ бўлган ҳукуқий-ташкилий, иқтисодий ва бошқарув масалаларини ҳал қилиш;

- илм-фаннынг замонавий натижаларини ёритувчи оригинал монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва илмий-оммабоп китобларни нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва ўқув жараёнига жорий этиш;

- инновация фаолиятини кенгайтиришга, интеллектуал фаолият объектларини амалиётда қўллашга йўналтирилган халқаро семинарлар, конференциялар, кўргазмаларни ташкил этиш.

Юқорида келтирилган инновация объектлари устида олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар ва ишланмалар жамият эҳтиёжларини қондириш, унинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги, сиёсий-ҳукуқий, экологик хавфсизлигини ошириш ҳамда уларга доир муаммоларни ҳал этиш мақсадлари учун хизмат қилиши лозимdir.

Шу муносабат билан бугунги кундаги ва истиқболга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, дунёning барча давлаталарида қуйидаги устувор йўналишларда инновация фаолиятини ташкил этиш, молиялаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда ҳамда ўз келажагини яратиш имкониятини кўрмоқда:

1. Фанлараро фундаментал тадқиқотлар ва прогнозлар.

2. Биотехнология ва биомедицина (агробиотехнология; геобиотехнология; экобиотехнология).

3. Энг янги информацион технология ва тизимлар (нано-био-оптоэлектроника; фотоника; оптоинформатика; дастурлаштириш; миллий информация тизимини моделлаштириш).

4. Энергия тежовчи технологиялар ва нотрадицион энергия ресурслари (янги энергия тежовчи технологиялар; янги авлодлар энергия тизими; экоэнергомониторинг тизими).

5. Буткул янги материаллар (янги авлодлар композицияси; керамика; катализаторлар; юқори қаттиқликдаги материаллар).

6. Янги авлод машина ва технологиялари тизими (КАЛС-технологиялар – янги авлодлар ишлаб чиқариш технологиялари орасида яқин ўн йилликларда марказий аҳамият касб этувчи технология, инновацион маҳсулотнинг ҳаётийлик циклининг барча босқичлари оралиғида электрон қузатувни ва уларнинг аниқ бозорлардаги рақобат тебранишларига тез мослашувини таъминловчи технология; роботли техника комплекслари; лазерла;, плазмали технологиялар).

7. Авиакосмик технологиялар, транспорт ва алоқа воситаларининг янги авлодлари (космик навигация тизимлари; транспортларнинг янги авлодлари; алоқаларнинг янги авлодлари).

8. Мудофа-техника тизимлари ва янги авлодларининг хавфсизлик воситалари (янги авлодларнинг қуролланиши; терроризмга қарши белгиланган икки марта ортиқ технология воситалари).

Юқорида келтирилган устувор ва истиқболли йўналишлар инновация фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш, инновацион фаолликни таъминлаш, ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб қувватлашга янгича ёндашиш заруриятини ва талабини келтириб чиқаради ва уни амалга ошириш иқтисодиётнинг технологик талаби, мавжуд илмий-техникавий захиралар, ресурслар ва салоҳиятлар ҳамда улардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги йўғунлигига таъминланишини талаб этади.

Бунда ҳар бир давлат инновация соҳасини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини амалга оширишни мамлакатдаги мавжуд умумий салоҳият ва имконият, ривожланиш даражаси ва йўналиши, объектив шарт-шароитлар асосида ташкил этади.

Жумладан, МДҲ давлатлари раҳбарлари Кенгаши қарори билан 2008 йил 14 ноябрда тасдиқланган 2020 йилгача бўлган даврга Ҳамкорликни иқтисодий ривожлантириш Стратегиясига мувофиқ Ўзбекистон МДҲ давлатлари билан қўйидаги йўналишларда инновацион ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда:

- ёқилғи-энергетика соҳасида;
- янги транспорт магистралларини, транс ва Евроосиё транспорт коридорларини шакллантириш, ҳалқаро транспорт коридорлари майдонларида юкларни ташишнинг технологик, божхона, информацион-логистик ва сервис таъминотини ишлаб чиқишида;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари базасида “ёпик” циклли инновацион технологиялар бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича, инсон саломатлиги ва Ер биосферасини сақлашга онгли равишида ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ғояси асосида хавфсиз озиқ-овқатнинг ягона ҳалқаро стандартлари бўйича озиқ-овқатнинг экологик тоза маҳсулотлари бозорини шакллантиришда;
- максимал даражада табиий газ ўрнини эгалловчи ресурслар ва ресурс жамғаришнинг ҳукуқий шарт-шароитларини яратишида;
- наномаҳсулотларнинг тўлақонли бозорини шакллантиришда;
- ахоли учун замонавий информационно-коммуникацион хизматларга эга бўлишни таъминловчи информатизация соҳасида;
- космик соҳада ҳамкорликни чукурлаштириш ва янада кенгайтиришда.

Бундан ташқари, ҳар бир давлатда инновацион ривожланишда мавжуд жўғрофий-худудий, экологик-табиий ва бошқа шарт-шароитларга асосланган йўналишлар ишлаб чиқилиши ёки айрим танланга йўналишларга қучлироқ устуворлик берилиши ҳам мумкин. Масалан, жаҳон оеканини ўзлаштириш (масалан, Россия, Япония, Америка, Хитой каби давлатлар); ер ости табиий бойликларини қидириб топиш (Ўзбекистон, Россия ва бошқа давлатлар); қайта тикланувчи энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш (Африка давлатлари, Ўзбекистон ва шу кабилар) шулар жумласидандир.

Инновация соҳасини ривожлантириш ва илмталаб маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга бўлган кучли эътиборни қайси давлатда қанчалик юксаклиги ва аҳамиятини жаҳон инновация бозорида турган ўрни ва эришган кўрсаткичлари яққол тасдиқлайди. Жумладан, бугунги кунда жаҳон бозорида илмталаб маҳсулотлар ҳажми 2,5 трлн. АҚШ долларини ташкил этиб, мазкур сумманинг 39 %ини АҚШ давлати маҳсулотлари, 30 %ини – Япония, 16 %ини – Германия давлати маҳсулотлари ташкил этиши, жаҳонда ривожланган 7 та давлат макротехнологиялари мазкур бозор ҳажмининг 80 %ини ташкил этиши ушбу фикримизни тасдиқлайди.

БМТ Ривожланиш Дастури (БМТРД) лойиҳаси асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2012-2020 йилларга инновацион ривожланиш Концепциясидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларнинг ривожланишини мувофиқлаштириш қўмитасида Фанлар Академияси, вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлиги, мамлакатнинг етакчи олим ва мутахассислари иштирокида 2012-2020 йилларда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг саккизта устувор йўналиши белгилаб олинди. Улар қўйидаги соҳаларни ўз ичига қамраб олади:

- демократик ҳуқуқий жамият, инновацион иқтисодиётнинг маънавий-марифий ва маданий тараққиёти;
- энергия ва электр-энергетика захираларини тежаш;
- тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишини кенгайтириш;
- ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш;
- замонавий агротехнологияларнинг экологик жиҳатларига эътибор қаратиш ва атроф-муҳитни асраш;
- тиббиёт ва фармакология;
- кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар;
- турпок тўғрисидаги фан (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёни қайта ишлаш).

Бунда фан ва илмий имкониятлар даражасини ошира олувчи, олинган натижаларни келгусида қўллаш нуқтаи назаридан муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ишлар биринчи навбатда молиялаштирилади.

Умуман олганда, инновация соҳасини ривожлантириш ва унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш ўз самарасини бераётганлигини бир қатор давлатлар тажрибаларидан кўрдик. Бу эса ҳар бир давлатнинг инновация соҳасини ривожлантириш ва илмталаб бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга бўлган қизиқишини янада кучайтироқда ва талабини ошироқда.

**Ўзбекистонда инновация фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш йўллари.** Ўзбекистон давлати дунё цивилизацияси ва тараққиётидан айри яшай олмайди. Шу сабабли инновация соҳасини ривожлантириш бўйича ўз тажрибаси, йўналиши ва стратегиясига эга бўлса-да, мазкур соҳани ривожлантириш ва унга боғланган келажак ва ютуқларга эришишда мазкур соҳада жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар, янгиликлардан

хабардор бўйлб бориш, ўрганиш ва ўз амалиётида келажак-истиқбол учун фойдаланиш ҳам зарур, ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бунда инновация фаолиятини ривожлантиришга кучли эътиборни қаратиш муҳим вазифа ҳисобаланди. Шу муносабат билан инновация фаолиятини ривожлантиришда унинг молиявий жиҳатларини яхлит ҳолда ўрганиш ва ундаги мавжуд муаммоларни аниқлаш жуда ҳам муҳим саналадики, бу инновация соҳасида хориж тажрибаларини ўрганиш асосида мазкур муаммоларга ечим топишда катта аҳамият касб этади.

Олиб борган тадқиқотларимиз асосида Ўзбекистонда бугунги кунда инновация фаолиятининг ривожланиш ҳолати, ундаги мавжуд шарт-шароитлар, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида унинг имкониятларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж ва унга боғлиқ истиқболли стратегиялар асосида ҳал этилиши долзарб бўлган қуйидаги муаммолар аниқланди:

- жаҳон инновация тизимига интеграциялашув даражасининг пастлиги, миллий инновацион тизимнинг, энг аввало, инновацион бизнес билан ҳамкорлик қилишга йўналтирилган маҳсус молия институтларининг етишмаслиги;
- инновация лойиҳаларини молиялаштириш учун бошланғич капиталнинг тешмаслиги;
- давлат томонидан молиялаштириш тизими доирасида технологик устуворликларни танлаш ва амалга ошириш тизимининг паст самарадорлиги;
- жаҳон талабларига жавоб берувчи ҳуқуқий-меъёрий базанинг шаклланмаганлиги;
- мулк ҳуқуқларини ҳимоялаш амалиётининг яхши ривожланмаганлиги ва у бўйича малакали, ҳалқаро сертификатларга эга бўлган мутахассисларнинг етишмаслиги ҳамда уларни тайёрлашга бўлган эътиборнинг қониқарли даражада эмаслиги;
- кадрлар муаммоси: илмий кадрларнинг қариб бориши, фанга иқтидорли ёшларнинг кириб келиши сустлиги;
- инновацион маҳсулотлар яратишда илмий-тадқиқот ва ишланмалар олиб бориш юзасидан хорижлик тадқиқотчилар ва ихтирочи-ишлаб чиқувчилар билан яқиндан ва кенг ҳамкорликларни йўлга қўйиш тизимининг яратилмаганлиги;
- йирик ёки кичик корхоналарда илмий-тадқиқот ва тажрибаконструкторлик ишлари бўйича изланишларни олиб бориш савиясининг пастлиги ёки имкониятининг йўқлиги: юқори малакали менежер-мутахассисларнинг етишмаслиги, технологик ривожланиш ва уни молиялаштиришга маблағларнинг етарли эмаслиги, ўз маҳсулотининг ҳалқаро даражадаги баҳо/сифат талабларига жавоб беришига бўлган интилишнинг йўқлиги;
- ишлаб чиқариш корхоналари билан илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари ўртасида инновацион ҳамкорликни ташкил этиш ва уни амалга оширишнинг қулай механизми яратилмаганлиги;

– илмий-тадқиқот билан шуғулланувчи маҳсус институтлар, корхоналар, олий таълим муассасаларида илмий ишлаб чиқариш базасининг ҳам манъян, ҳам жисмонан эскириб кетганини;

– илмий-тадқиқот билан шуғулланувчи маҳсус институтлар, корхоналар, олий таълим муассасаларини зарурый илмий-техник, информацион-хуқуқий маълумотлар ва янгиликлар билан тезкор ва тўлиқ таъминлаш тизимининг мавжуд эмаслиги;

– олиб борилган илмий-тадқиқот ва ишланмалар натижаларининг амалда ишлаб чиқаришга жорий этилиши билан боғлиқ узилишлар мавжудлиги ва унинг самарали ижросини таъминловчи механизмнинг мавжуд эмаслиги;

– янги технологияларнинг қиймат ва бозор рисклари корхоналар, айниқса, кичик корхоналар учун жуда катталиги;

– товар ва хизматлар бозори таркибида инновацион маҳсулотларни ҳисобга олиш тизимининг яхши ривожланмаганлиги ва шу кабилар.

Юқорида келтирилган муаммолар ечимини таъминлаш, Ўзбекистонда қулай инновацион тадбиркорлик муҳитини яратиш, инновация фаолиятини молиялаштиришнинг самарали тизимини шакллантириш, инновацион тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан кенг қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва шу асосда мамлакатда миллий инновация тизимини барпо этиш ҳамда уни ривожлантириш мақсадида инновация соҳасида улкан тажрибаларга эришган хориж давлатлари тажрибаларидан келиб чиқиб улар амалиётида эришган ютуқларни Ўзбекистон шароитида қўллаш юзасидан қўйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Инновацион янгиликлар асосида ишлаб чиқаришни модернизациялашда қўйидагилар таъминланиши лозим:

- эскирган асосий воситаларни босқичма-босқич янгилаш, маънан эскирган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш (ликвидация қилиш);

- ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш;

- инновацион технологиялар асосида тежамкор, чиқитсиз, экологик тоза, жаҳон андозаларидаги сифатга жавоб берувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- сифатни бошқариш тизими асосида ишлаб чиқариш технологиясини узлуксиз равиша таомиллаштириб бориш.

2. Мамлакатда инновацион инфратузилма – инновация фаолиятининг амалга оширилишига имкон берувчи, таъсир кўрсатувчи турли муассасалар (инновацион-технологик марказлар, технологик инкубаторлар, технопарклар, ўқув-бизнес марказлари, консалтинг ва инжиниринг компаниялари, рейтинг баҳоловчи агентликлар ва бошқа маҳсус ташкил этилган муассасалар)ни ташкил этиш лозим.

3. Инновация соҳасида кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жойлаштиришга, илмий салоҳиятли кадрларнинг ижод қилишлари учун зарурый шарт-шароитларни яратиш ва улар меҳнатини ривожланган давлатлардагидан кам

бўлмаган даражада рафбатлантириш тизимини яратишга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

4. Мамлакатда қисқа ва ўрта муддатли прогнозларга қўшимча равища узоқ муддатли (20-30 йиллик) илмий-техник, инновацион-технологик, ижтимоий-иқтисодий ва экологик ривожланиш башоратларини ишлаб чиқиш зарур.

5. Илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўкув юртларида фенданментал ва амалий тадқиқотлар учун иқтидорли ёш олимларнинг кириб келиши оқимини кучайтириш, хориждан кучли мутахассис-тадқиқотчиларни жалб этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарур.

6. Хориж давлатлари тажрибаларидан келиб чиқиб (масалан, МДҲ давлатлари мисолида Фундаментал тадқиқотлар Россия фонди, Россия гуманитар илмий фонд, Россия технологик ривожланиш фонд, Илмий-техник соҳада кичик шаклдаги корхоналар ривожланишига кўмаклашиш фонд, Белорусия фундаментал тадқиқотлар Республика фонд ва ш.к.), мамлакатда инновация фаолиятининг янада тезроқ ва самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

7. Инновацион тадқиқотлар олиб бориша давлат асосий буюртмачи сифатида майдонга чиқиши лозим.

8. Инновация жараёнлари соҳасидаги ҳалқаро алоқаларни тартибга солиб бориш ва ривожлантириш зарур.

9. Кичик инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг маҳсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

10. Инновация фаолиятининг ҳалқаро талабларга жавоб берувчи қонуний базасини яратиш ва мустаҳкамлаш мақсадида ҳамда ҳалқаро тажрибалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг “Инновациялар ва инновация фаолияти тўғрисида”ги Қонунини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш лозим.

11. Инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан фоизсиз кредитлар орқали узоқ муддатли молиялаштириш, шунингдек, давлат божларидан озод қилиш ва солиқ имтиёзларини тақдим этиш зарур.

12. Ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслар айланишини қисқартиришга қаратилган инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни давлат томонидан кенг қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир.

13. Давлат томонидан илмий-тадқиқот ва ишланмалар устида ишлаш учун зарурий барча информацион-хуқуқий маълумотлар ва янгиликлар билан таъминловчи маҳсус илмий-техник информацион марказларни ташкил этиш лозим.

Юқорида келтирилган таклиф-тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши инновация фаолиятини молиялаштиришни янада такомиллаштириш, янги (фундаментал ва амалий) билимлар, янги технологиялар ва уларни ишлаб чиқаришда жадал ўзлаштириш усусларини эгаллаш, мамлакатимизни

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, ривожланган давлатларнинг технологик ютуқларидан мунтазам фойдаланиш, бу соҳада аввало, МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорликни кучайтириб бориш, халқаро меҳнат тақсимоти ва кооперациясидан имкон қадар кенг фойдаланишга интилиш зарур. Бугунги кунда технологик жиҳатдан илғор мамлакатлар ягона технологик макон тузган бўлиб, мамлакатимиз унга тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлиб кириши, айрим йўналишларда эса етакчилик учун курашиши лозим, бунинг учун эса миллий технологик даража етарлича юқори бўлишига эришиш зарур. Бу мамлакатимизда инновация соҳасини янада ривожлантириш ва уни молиялаштиришга бўлган талабни оширади.

1. Бугунги кунда жаҳон амалиётида дунёning барча давлаталарида қуйидаги устувор йўналишларда инновация фаолиятини ташкил этиш, молиялаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда ҳамда ўз келажагини яратиш имкониятини кўрмоқда: фанлараро фундаментал тадқиқотлар ва прогнозлар; биотехнология ва биомедицина; энг янги информацион технология ва тизимлар; энергия тежовчи технологиялар ва нотрадицион энергия ресурслари; бутқул янги материаллар; янги авлод машина ва технологиялари тизими; авиакосмик технологиялар, транспорт ва алоқа воситаларининг янги авлодлари; мудофа-техника тизимлари ва янги авлодларининг хавфсизлик воситалари.

2. 2020 йилгача бўлган даврга Ҳамкорликни иқтисодий ривожлантириш Стратегиясига мувофиқ Ўзбекистон МДҲ давлатлари билан қуйидаги йўналишларда инновацион ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда: ёқилғи-энергетика соҳаси; янги транспорт магистралларини, транс ва Евроосиё транспорт коридорларини шакллантириш, халқаро транспорт коридорлари майдонларида юкларни ташишнинг технологик, божхона, информацион-логистик ва сервис таъминотини ишлаб чиқиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари базасида “ёпиқ” циклли инновацион технологиялар бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича, инсон саломатлиги ва Ер биосферасини сақлашга онгли равишда ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ғояси асосида хавфсиз озиқ-овқатнинг ягона халқаро стандартлари бўйича озиқ-овқатнинг экологик тоза маҳсулотлари бозорини шакллантириш; максимал даражада табиий газ ўрнини эгалловчи ресурслар ва ресурс жамғаришнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш; наномаҳсулотларнинг тўлақонли бозорини шакллантириш; аҳоли учун замонавий информационно-коммуникацион хизматларга эга бўлишни таъминловчи информатизация соҳаси; космик соҳада ҳамкорликни чуқурлаштириш ва янада кенгайтириш.

3. Олиб борган тадқиқотлари асосида Ўзбекистонда бугунги кунда инновация фаолиятининг ривожланиш ҳолати, ундаги мавжуд шарт-шароитлар, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида унинг имкониятларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж ва унга боғлиқ истиқболли стратегиялар асосида

ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар аниқланди ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

## **Хуноса**

Қайд этилган важлар мураккаб глобал ўзгаришларни ва иқтисодий ўсишда инновациянинг таъсирини ифодалайди. Катта ташкилотлар ўсиши учун инновация салоҳиятини ошириш лозим. Oxfam учун балки инновация фондларини ташкил этиш керакдир. Янги раҳбарнинг янги мураккаб назарияси қўллаб – қуватлашга муҳтоҷ бўлади ва бу ташкилот одатларига ҳам таъсир қўрсатади ҳамда фақат ишчилар қўламини қамраб олади.

Инновация ҳамкорликдаги ишлаб чиқаришда муаммога ечим топа олишдан кўриниши лозим. Бизнинг ютуқларимиз эмас балки жамоавий ишимиздаги кенг қўламли ўзгаришлар инновациядир.

Ёндошув. Сиз инновацияни компаниянинг барча муаммоларини ҳал қилиб берувчи омил сифатида қўя олмайсиз. Сиз ташкилотнинг ютуғи учун қаттиқ ишлашингиз керак. Турли хилдаги босқичлардан биридан кейингисига ўтиш мобайнида ташкилотларда инновация яратишга эҳтиёж пайдо бўлади ва қўлами кенгаяди. (Паул Ҳарвейнингмақоласида бунга алоҳида тўхталган)

Инновация фаолиятини молиялаштиришнинг хориж тажрибалари юзасидан олиб борилган тадқиқотларимиз асосида қўйидаги асосий хуносалар шакллантирилди:

1. Инновация – бу у ёки бу фаолият соҳасида самарадорликни ошириш мақсадида янги техника-технологияларни яратиш, иш-фаолиятни бошқаришнинг такомиллашган усул ва шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни жорий этишга қаратилган илмий-ижодий фаолият натижаси.

2. Инновация фаолияти – бу у ёки бу фаолият соҳасида самарадорликни ошириш мақсадида янги техника-технологияларни яратиш, иш-фаолиятни бошқаришнинг такомиллашган усул ва шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни жорий этишга қаратилган илмий-ижодий фаолият.

3. Мамлакатда инновация фаолиятининг ташкил этилиши ва ривожланиши учун, энг аввало, қўйидаги шартларнинг мавжуд бўлиши ва таъминланиши мақсадга мувофиқдир: давлат инновация сиёсати, инвестиция салоҳияти, инновация соҳаси, инновация инфратузилмаси, инновация дастури.

4. Тадқиқотлар кўрсатишича, иқтисодиёти ривожланган давлатларда инновация сиёсати қўйидаги босқичда амалга оширилади: инновация фаолиятини ривожлантиришнинг илмий асосланган концепциясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш; инновация фаолиятини давлат томонидан фаол қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва ишлаб чиқиш; инновацион фаолликни янада кучайтиришга қаратилган мақсадларнинг самарали амалга оширилиши бўйича амалий ҳаракатлар.

## **Назорат саволлари**

1. Интеллектуал мулк ва капитал деганда нима тушунилади ва улар қандай шаклланади?
2. Интеллектуал мулк ва капиталнинг хуқуқий муҳофазаси қандай таъминланади?
3. Илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш стратегияси деганда нимани тушунасиз?
4. Илмий кашфиётлар, ихтиrolар ва лицензиялаш борасида давлат сиёсатининг мазмунни ва моҳияти нималардан иборат?

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. Т.: KONSAUDITINFORM – NASHR. 2011
2. European Commission (2015). Innovation Union Scoreboard 2015.
3. Petrariu, I.R, Bumbac, R., Ciobanu, R. (2013). Innovation: a path to competitiveness and economic growth. The case of CEE countries, Theoretical and Applied Economics, Vol. XX, No. 5 (582)
4. Edward B. Roberts, Fiona Murray and J. Daniel Kim(2015). Entrepreneurship and Innovation at MIT, Continuing Global Growth and Impact. MIT Sloan School of Management.
5. Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). 382. [www.bcpbookshop.co.uk](http://www.bcpbookshop.co.uk)
6. Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. 155. [info@idrc.ca](mailto:info@idrc.ca)/[www.idrc.ca](http://www.idrc.ca)

## **Интернет сайatlари.**

1. [www.economy.gov.ru](http://www.economy.gov.ru)
2. [www.aza.uz](http://www.aza.uz)
3. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
4. [www.stability.uz](http://www.stability.uz)
5. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)
6. Corresponding author: [maryann.feldman@unc.edu](mailto:maryann.feldman@unc.edu), University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill ([thadji01@email.unc.edu](mailto:thadji01@email.unc.edu)); London School of Economics ([t.e.kemeny@lse.ac.uk](mailto:t.e.kemeny@lse.ac.uk));
8. University of North Carolina, Chapel Hill ([llanahan@email.unc.edu](mailto:llanahan@email.unc.edu))
9. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)

## **ХУЛОСА**

1. Инновация соҳаси энг ривож топган АҚШ давлатида барча ишланмалар ва янгиликларни молиялаштириш қуидаги пропорцияда амалга оширилади: 35 %и – федерал бюджетдан (200 млрд. АҚШ доллари атрофида); 60 %и – ишлаб чиқариш компанияларининг ўз маблағлари хисобига; 5 %и – штатлар ҳукуматлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, коллежлар, университетлар ва хусусий фондлар маблағлари хисобига. АҚШ тажрибаси тасдиқлашича, бугунги кунда ИТТКИларига сарфланган 1 доллар ЯИМнинг 9 долларга ўсишига олиб келмоқда.

2. Европа давлатларида инновация соҳасидаги ҳолат ва институтционал шарт-шароитлар қулайликларини аниқлаш мақсадида 2006 йилдан бошлаб Европа инновация жадвали (European Innovation Scoreboard (EIS)) кўрсаткичларидан фойдаланиб келинади ва унда Европа Иттифоқига аъзо бўлган 27 та давлат, шунингдек, Хорватия, Туркия, Исландия, Норвегия, Швейцария, США, Япония ва Россия ва бошқа МДҲ давлатлари кўрсаткичлари баҳоланади.

3. Ўзбекистон бугунги кунда МДҲ ва бошқа хориж давлатлари, халқаро ташкилотлар билан инновация соҳасини ривожлантириш бўйича стратегик ҳамкорлик алоқаларини амалга ошириб келмоқда ва МДҲ давлатлари сингари 2012-2020 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг 2012-2020 йилларга инновацион ривожланиш Концепциясини ишлаб чиқди ва унинг 1-босқич ижроси амалга оширилмоқда.

4. Бугунги кунда жаҳон амалиётида дунёнинг барча давлаталарида қуидаги устувор йўналишларда инновация фаолиятини ташкил этиш, молиялаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда ҳамда ўз келажагини яратиш имкониятини кўрмоқда: фанларро фундаментал тадқиқотлар ва прогнозлар; биотехнология ва биомедицина; энг янги информацион технология ва тизимлар; энергия тежовчи технологиялар ва нотрадицион энергия ресурслари; буткул янги материаллар; янги авлод машина ва технологиялари тизими; авиакосмик технологиялар, транспорт ва алоқа воситаларининг янги авлодлари; мудофа-техника тизимлари ва янги авлодларининг хавфсизлик воситалари.

5. 2020 йилгача бўлган даврга Ҳамкорликни иқтисодий ривожлантириш Стратегиясига мувофиқ Ўзбекистон МДҲ давлатлари билан қуидаги йўналишларда инновацион ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда: ёқилғи-энергетика соҳаси; янги транспорт магистралларини, транс ва Евроосиё транспорт коридорларини шакллантириш, халқаро транспорт коридорлари майдонларида юкларни ташишнинг технологик, божхона, информацион-логистик ва сервис таъминотини ишлаб чиқиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари базасида “ёпик” циклли инновацион технологиялар бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича, инсон саломатлиги ва Ер биосферасини сақлашга онгли равишда ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ғояси асосида хавфсиз озиқ-овқатнинг ягона халқаро стандартлари

бўйича озиқ-овқатнинг экологик тоза маҳсулотлари бозорини шакллантириш; максимал даражада табиий газ ўрнини эгалловчи ресурслар ва ресурс жамғаришнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш; наномаҳсулотларнинг тўлақонли бозорини шакллантириш; аҳоли учун замонавий информационно-коммуникацион хизматларга эга бўлишни таъминловчи информатизация соҳаси; космик соҳада ҳамкорликни чуқурлаштириш ва янада кенгайтириш.

Олиб борган тадқиқотлари асосида Ўзбекистонда хориж тажрибаларига суюнган ҳолда инновация фаолиятини молиялаштириш ва ривожлантиришга қаратилган қуйидаги таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Инновацион янгиликлар асосида ишлаб чиқаришни модернизациялашда қуйидагилар таъминланиши лозим:

- эскирган асосий воситаларни босқичма-босқич янгилаш, маънан эскирган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш (ликвидация қилиш);
- ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш;
- инновацион технологиялар асосида тежамкор, чиқитсиз, экологик тоза, жаҳон андозаларидаги сифатга жавоб берувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- сифатни бошқариш тизими асосида ишлаб чиқариш технологиясини узлуксиз равища тақомиллаштириб бориш.

2. Мамлакатда инновацион инфратузилма – инновация фаолиятининг амалга оширилишига имкон берувчи, таъсир кўрсатувчи турли муассасалар (инновацион-технологик марказлар, технологик инкубаторлар, технопарклар, ўқув-бизнес марказлари, консалтинг ва инжиниринг компаниялари, рейтинг баҳоловчи агентниклар ва бошқа маҳсус ташкил этилган муассасалар)ни ташкил этиш лозим.

3. Инновация соҳасида кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жойлаштиришга, илмий салоҳиятли кадрларнинг ижод қилишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиш ва улар меҳнатини ривожланган давлатлардагидан кам бўлмаган даражада рағбатлантириш тизимини яратишга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

4. Мамлакатда қисқа ва ўрта муддатли прогнозларга кўшимча равища узок муддатли (20-30 йиллик) илмий-техник, инновацион-технологик, ижтимоий-иқтисодий ва экологик ривожланиш башоратларини ишлаб чиқиши зарур.

5. Илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларида фендерментал ва амалий тадқиқотлар учун иқтидорли ёш олимларнинг кириб келиши оқимини кучайтириш, хориждан кучли мутахассис-тадқиқотчиларни жалб этишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарур.

6. Хориж давлатлари тажрибаларидан келиб чиқиб (масалан, МДҲ давлатлари мисолида Фундаментал тадқиқотлар Россия фонди, Россия гуманитар илмий фонд, Россия технологик ривожланиш фонди, Илмий-техник соҳада кичик шаклдаги корхоналар ривожланишига кўмаклашиш фонди, Белорусия фундаментал тадқиқотлар Республика фонди ва ш.к.), мамлакатда инновация фаолиятининг янада тезроқ ва самарали ривожланишини таъминлаш

мақсадида Ўзбекистон Республикаси инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

7. Инновацион тадқиқотлар олиб боришда давлат асосий буюртмачи сифатида майдонга чиқиши лозим.

8. Инновация жараёнлари соҳасидаги халқаро алоқаларни тартибга солиб бориш ва ривожлантириш зарур.

9. Кичик инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг маҳсус давлат дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш зарур.

10. Инновация фаолиятининг халқаро талабларга жавоб берувчи қонуний базасини яратиш ва мустаҳкамлаш мақсадида ҳамда халқаро тажрибалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг “Инновациялар ва инновация фаолияти тўғрисида”ги Қонунини ишлаб чиқиши ва уни амалиётга жорий этиш лозим.

11. Инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан фоизсиз кредитлар орқали узок муддатли молиялаштириш, шунингдек, давлат божларидан озод қилиш ва солиқ имтиёзларини тақдим этиш зарур.

12. Ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслар айланишини қисқартиришга қаратилган инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни давлат томонидан кенг қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир.

13. Давлат томонидан илмий-тадқиқот ва ишланмалар устида ишлаш учун зарурий барча информацион-хуқуқий маълумотлар ва янгиликлар билан таъминловчи маҳсус илмий-техник информацион марказларни ташкил этиш лозим.

#### **4. Корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими. Инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.**

Инновацион лойиҳа ҳам товар маҳсулоти ҳисобланади ва талабга қараб сотилади. Инновациялар бозорининг асосий товари — муаллифлик хуқуқига амал қилган ҳолда ва амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга мувофиқ расмийлаштирилган илмий-тадқиқот натижаси, илмий меҳнат маҳсулоти, шунингдек, ҳар қандай ахборот манбаида қайд этилган янги билимлар ёки қарорларни ўзида мужассам этган илмий-техник фаолият ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқарувчилар нафақат ўз лойиҳаларини фойда билан сотиши, балки ушбу лойиҳадан фойдаланувчилар ҳам қўшимча даромад олишлари мумкин<sup>32</sup>.

Хозирги вақтда илмий ишланмалардан фойдаланишининг самарадорлик даражасини ошириш, фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг натижаларини

<sup>32</sup> К.Шодиметов. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари. –Т.: “ILM ZIYO”. 2014. 28 бет

ишлиб чиқаришга жорий этиш энг муҳим ҳамда долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Биз давлат сектори фаолияти сифатида ривожлантириш учун илм-фан ва технология, мамлакат муаммоларини ишлиб чиқиш устида иш ривожланган мамлакат олимлари томонидан катта аҳамият берилади. Бу модел тез ўзгарувчан бўлади. Давлат сектори тадқиқот янги, халқаро фан инновацион тизимлари ва давом халқаро илмий-тадқиқот институтлари орқали, муҳим рол ўйнашни давом этади. Шу билан бирга, хусусий сектор муҳим рол янгилик ишлари қандай тушуниш орқали пайдо бўлади. ППП учун янги моделлар қўллаб-қувватловчи бир тартибга солиш иқлим, саноат, ҳатто бозор қобилияциз вазиятларда, ривожлантириш учун илм-фан инвестиция имконини беради, ривожланиб бормоқда<sup>33</sup>.

Иктиносий ривожланишда инновацияларнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бориши шароитида, бу соҳадаги давлат бошқаруви, унинг ташкил этилиши ва олиб борилиши алоҳида муҳим масала бўлиб ҳисобланади<sup>34</sup>.

Инновацион жараёнда инновациялар самарадорлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Самарадорликни қўйидаги йўналишлар билан аниқлаш лозим:

1) техник самарадорлик — маҳсулот ишлиб чиқариш жараёнида ер, меҳнат ва моддий ресурслардан фойдаланиш даражасини акс эттирувчи натурал ва қиймат кўрсаткичлари (хосиддорлик, энергия сигими, маҳсулот сифати, унумдорлик ва бошқ.) нинг мажмуи билан тавсифланади;

2) иктиносий самарадорлик — таннарх, рентабеллик, ишлиб чиқарилган маҳсулотдан олинган даромад ва фойда кўрсаткичлари, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти ва бошқа кўрсаткичларни акс эттиради;

3) ижтимоий самарадорлик — иш ҳақи фонди кўрсаткичлари, механизациялашганлик даражаси ва бошқа кўрсаткичлар билан тавсифланади;

4) экологик самарадорлик — тупроқнинг ҳосилдорлиги кўрсаткичлари, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ер майдонларининг камайтирилиши ва табиат муҳити ўзгаришининг бошқа омиллари билан аниқланади.

---

<sup>33</sup> Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). Р 82.

<sup>34</sup> К.Шодиметов. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иктиносий истиқболлари. –Т.: “ILM ZIYO”. 2014. 29 бет

**З-амалий машғулот:  
Инновацион тараққиётнинг хориж тажрибаси.  
Режа**

1. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инновацияни ривожлантириш асослари.
2. Мамлакатнинг инновацион салоҳиятини ўлчашда миқдорий ва сифатни аниқловчи индикаторлар.
3. Илмий тадқиқот марказлари ва таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда давлат роли.

**Таянч иборалар:** илмий – тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ)ни ташкил қилишнинг аҳамияти, Фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг самарали тизими яратишнинг зарурлиги, янгиликларни ишлаб чиқиши, тадбиқ этиши ва яратишни бошқариш. Интеллектуал мулк. Интеллектуал капитал. Интеллектуал ишланмалар. Интеллектуал бойликнинг ҳуқуқий муҳофазаси. Интеллектуал мулк ҳимояси. Интеллектуал мулкни бошқариш. ИТИларни тижоратлаштириш. Илмий кашфиётлар. Ихтиrolар . Лицензиялаш .

**1. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инновацияни  
ривожлантириш асослари.**

Дунё иқтисодиётининг етакчи давлатлари тажрибаси иқтисодий ўсиш – бу тўғри танланган инвестиция сиёсати эканлигини кўрсатади. Самарали инвестиция сиёсатида асосий эътибор мавжуд ресурслар, инвестициялар шароитида мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаб олиш, инвестицияларни аниқланган истиқболли йўналишларга сафарбар қилишдир. Бу ерда сўз молиявий ресурслар ҳажмида эмас, балки инвестициялардан келгусида энг юқори меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишга асос, шарт-шароит яратиш хусусида бормоқда.

Бугунги кунда дунёning кўплаб мамлакатлари учун иқтисодиётни ривожлантириш учун фаннинг турли соҳаларини қамраб олган илмталаб ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегик вазифа сифатида қўйилмоқда.

Ушбу мамлакатларда инновацион ривожланишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатган омиллардан бири илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишларига (ИТТКИ) ялпи ички маҳсулотнинг З фоизгача бўлган маблағнинг доимий ажратилишидир. Ушбу тадбир натижасида фан-техника тараққиётининг ривожланишига эришишга, мамлакатда ғоят кўплаб ихтиrolар, янгиликлар, ғоялар вужудга келишига тегишли шароит яратилади. Инновацион тараққиётни таъминлашга кучли таъсир кўрсатадиган яна бир омил бу инсон капитали ва давлатда шаклланган техник-технологик уклад ҳисобланади.


Биз инновацион ривожланган ва ривожланаётган давлатлардан Япония, АҚШ, Хитойнинг шу йўналишдаги тажрибасини ўрганишни мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз.

Япониянинг инновацион ривожланиш тарихи, янгиликларга инвестиция киритиш усули – иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналиши ҳисобланади. Япониянинг Иккинчи Жаҳон Ватан урушидан кейинги иқтисодий ахволи ғоят аянчли бўлгани тарихдан маълум. Япония иқтисодиётини ривожлантириш учун эса молиявий ресурсларни топиш имкони деб ҳисоблаб, дунё жамоатчилиги ва ғарб эксперtlари Японияни абадий қашшоқликка маҳкум этилган давлатлар қаторига киритиб қўйган эди. Япония 1950 йиллардан бошлаб технопаркларни жадал суръатлар билан ташкил этиш йўлидан бориб, чет элдан жуда қўплаб патентлар ва лицензиялар сотиб олинди. Япония иқтисодиётига ғоят катта ҳажмда чет эл технологиясининг киритилиши қисқа вақт ичида янгидан замонавий саноат ишлаб чиқаришини ташкил этишга шароит яратади. 1960 йилдан бошлаб эса Япония хорижий технологиялар билан бир қаторда ўзининг хусусий техника-технологияларини ишлаб чиқишига алоҳида эътибор бера бошлади. Японияда ўтган асрнинг 80-йилларида Ташқи савдо ва саноат вазирлиги томонидан “Технополис” дастури асосида 14 шаҳарда 18 та технополис ташкил этилди. “Цукуба” технополиси уларнинг ичида энг йириги бўлиб, 28 минг га майдонни эгаллаган, 145,0 минг киши фаолият кўрсатади<sup>35</sup>. Айнан янги технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш Урушдан кейинги йилларда Япониянинг қисқа вақтда тикланишига ва жадал суръатлар билан ривожланишига олиб келди. Япониянинг инновацион ривожланишининг ўзига хос жиҳати шундаки давлатга нисбатан хусусий бизнес, хусусий компаниялар янги техника-технологияларни кашф этиб, танқис бўлган молиявий ресурсларни, инвестицияларни иқтисодиётга жалб эта бошлади. Давлат билан бир қаторда хусусий бизнес томонидан ишлаб чиқилган инвестиция сиёсатини фаоллаштириш, мамлакатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини берди. Япония ҳукумати билан хусусий бизнеснинг ғоят чуқур ўйланган, келишилган ҳатти-ҳаракати Япония давлатини иқтисодий ҳалокатдан кутқариб қолди. ва Япон жамиятининг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлади. Япониянинг инновацион ривожланиш тажрибаси кўрсатдик, нафақат янгиликлар, ихтиrolарни кашф этишга капитал, инвестиция, балки капитал учун ҳам янгиликларқилиниши шартлиги ва улардан самарали фойдаланиш зарурлиги ҳам муҳим омил эканлиги аниqlанди.

Япония инновацион ривожланиш тажрибасининг яна бир қирраси – бу хусусий бизнес вакилларининг инновацион ривожланишга фаол иштирокидир. Бунинг заминида иккита мотив бўлиб, биринчиси – ватанпарварлик, иккинчи – инновацион фаолиятга киритилган капитал қайтими, самарадорлиги, анъанавий фаолият турларига нисбатан анча юқорилигидир.

<sup>35</sup> <http://www.feedcenter.org>. Сайти материалларидан олинган.

Япония иқтисодиётида энг юқори марказлашув – бу фан-техника тараққиётини таъминлаш соҳасида кузатилади. Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги давлат номидан ягона марказдан туриб бошқариш вазифасини бажаради. Бундай бошқарув тизими АҚШда ва Ғарбий Европа давлатларида йўқ бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад – стратегик, узоқ муддатли, истиқболли давлат дастурларини ўзида мужассам этган илмий тадқиқотларни молиялаштириш, ривожлантириш, реализация қилиш хисобланади. Японияда ИТТКИ ларнинг марказлашуви ва уларни тартибга солиш учун фанни молиялаштириш вазирликлар томонидан амалга оширилади ва доимий амал қилувчи йирик, миллий лабораториялар амал қиласди. Шунингдек давлатдан йирик буюртмалар оладиган марказлашган йирик корпорацияларнинг илмий мажмуналарини ривожлантириш халқаро институтлар, дастурлар ва лойиҳаларни шакллантириш орқали амалга оширилади.



<sup>36</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Чизмадан кўринадики, Япониянинг инновацион ривожланиш йўналишлари ғоят кенг қамровли бўлиб, уни бир ўзига хос жиҳати иқтисодиётни модернизация қилишда техник-технологик янгилашда табиат ва жамият уйғунлиги, турли аҳоли қатламларининг манбаатлари ҳам инобатга олиннишидир. Япония хусусий бизнес вакилларига давлат томонидан берилаётган “солик кредити” имтиёзи инновацион ривожланишни таъминлашда катта роль ўйнайди. Японияда хусусий бизнес томонидан самарали, лекин юқори хавф-хатарли лойиҳаларнинг амалга оширилишида давлат лойиҳа иштирокчиси, бизнес-партнёр сифатида маълум рискни ўзига олади ва хусусий бизнесни қўллаб қувватлайди.

Япония инновацион сиёсатини бошқарув тизимининг яна бир ўзига хос томони инновацион ривожланишни таъминлашда горизонтал алоқаларнинг кучлилиги, йирик лойиҳалар муҳокамасида давлат, хусусий ташкилотларининг фаол иштирок этиши; фан, техника, технология, бошқарув ва бошқа соҳаларда, давлат бошқарувининг барча дастакларида инновациялардан самарали фойдаланиш ўртасидаги интеграциянинг мавжудлигидир. Инновацион жараёнларни мониторинг қилиш ва прогнозлаш мақсадида “Ақлий” тадқиқот марказлари кенг ривожланганлиги.

Бугунги кунда Японияда 23 та эркин импорт зонаси, 19 та технополислар, 300 тага яқин давлат ва хусусий илмий-техник марказлар ишлаб турибди. Япониянинг инновацион ривожини режалаштириш АҚШницидан энг катта фарқи – бу ИТТКИни режалаштиришнинг самарадорлигини аниқлаш механизмининг мавжудлигидир.

Япониядан инновацион ривожланишни янада жадаллаштириш учун ИТТКИ субъектларига солик, амортизация ва бошқа иқтисодий имтиёзлар тизимини қўллаш амалиёти кенг қўлланилган. Масалан, ИТТКИ субъектлари фаолияти натижасида олинадиган фойдадан солик олмаслик, ўша солик базасини уларнинг моддий-техника базасини мустахкамлашга йўналтириш, импорт операцияларидан имтиёзли бож-таъриф сиёсатини қўллаш амалиёти кенг тарқалган. Масалан, Японияда бугунги кунда ИТТКИга ажратилаётган маблағлар АҚШга нисбатан –11,0 марта, Германияга нисбатан –8,4 марта камдир. Бу нафақат давлатнинг бюджет маблағларини тежаши, балки бу хусусий бизнеснинг ишлаб чиқаришга “ноу-хау”ларни татбиқ этишдаги роли ва манбаатдорлиги кўрсаткичи ҳамдир.

Хитой Халқ Республикасининг инновацион ривожланиш йўли ҳам ўзига хосдир. Хитой Халқ Республикасининг XX-аср охири XXI-аср бошларидағи ижтимоий-иқтисодий аҳволи, аҳолининг жадал суръатлар билан ўсиши, энергия ресурсларнинг етишмаслиги, худудларнинг нотекис ривожланганлиги, экологиянинг ёмонлашуви ва инфляциянинг ғоят юқорилиги каби долзарб муаммолар билан тавсифланар эди. Хитой ҳукумати мазкур муаммоларнинг ечимини инвестициялар орқали ҳал этиш йўлини танлади. Хитойнинг инновацион ривожланишининг ўзига хос тамойили чет элдан инвестицияларни жалб қилиш ва тайёр технологияларни харид қилиш, ишлаб чиқаришга татбиқ

этишдан ўзининг хусусий инновацияларини яратиш ва юқори технологияли брендларни вужудга келтиришга устиворлик берганлигига кўринади. Хитойнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган ислоҳотлар 1978 йилда бошланиб, давлатнинг келгусидаги тараққиёти учун ғоят катта имкониятлар яратди. Хитой ҳам Япония каби ўзининг инновацион ривожланишининг чет элдан патентлар, лицензиялар харидидан бошлаб замонавий саноат тармоғини шакллантиришга муваффақ бўлди.

Хитойнинг инновацион ривожланишини уч босқичга ажратиш мумкин бўлиб, 1-босқичи 1978-1982 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Хитойда эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) га сармояларни жалб этишнинг ҳукуқий-шартномавий, ташкилий асослари вужудга келтирилди. Бу жараёнда солиқقا тортиш, технологияларни қабул қилиш ва тарқатиш, меҳнат муносабатлари, валюта ва божхона масалаларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари тўплами қабул қилинди. Солиқقا тортишда мисли кўрилмаган имтиёзлар берилди, мамлакатда корхона фойдасидан олинадиган солиқ ставкаси – 33 фоиз бўлган ҳолатда, эркин иқтисодий зоналарда жойлашган, фаолият кўрсатаётган корхоналарда бу кўрсаткич – 15 фоизни ташкил этган эди. Инновацион ривожланишининг 2-босқичи 1983-1989 йилларни қамраб олиб, шу даврда Хитойга чет эл капиталини нафақат эркин иқтисодий зоналарга, балки давлатнинг бошқа худудларига ҳам киритиш, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини яна кучайтириш, кенгайтириш, қонунчиликни яна такомиллаштириш масалалари муваффақиятли ҳал этилди. 2 - босқичда эркин иқтисодий зоналарда жойлашган корхоналарнинг ишлаб чиқарган маҳсулотининг 50 фоизи экспорт қилинди, бу зоналардаги инфратузилмаларни барпо этишнинг 80 фоиз харажатини Хитой ҳукумати ўзи зиммасига олди. Хитойда 1990 йилдан инновацион ривожланишининг 3-босқичи бошланиб, бугунги кунда мамлакатда мавжуд бўлган техник-технологик тартибининг пойдеворига айнан шу босқичда асос солинди<sup>37</sup>.

Хитойнинг соҳилбўйи худудларини ривожлантириш стратегиясида саноат ва технологик ривожланиши устивор йўналиш сифатида белгиланди. Хитой иқтисодиётини инновацион йўналишга ўтказишнинг дастлабки қадамлари сифатида мамлакатнинг чекка, порт шаҳарларида ЭИЗ ташкил этилди. Амалга оширилган ушбу тадбир натижасида Хитойга сармоя киритиш авж олди ва бу ҳолат Европа, АҚШ, Япониядан дастлаб Хитойга чет элдан кўп қўл меҳнати талаб қилувчи, кейинчалик эса юқори технологияли ишлаб чиқаришнинг кириб келишига сабаб бўлди. Хитой худудида жойлашган ЭИЗлар дунёда энг катта бўлиб ҳисобланади. Уларнинг дунёдаги бошқа эркин иқтисодий зоналардан фарқи уларни кўп тармоқли эканлиги, саноат ривожланиши қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантириш билан уйғунлаштирилганлигидир. Хитойда эркин иқтисодий зоналарнинг

<sup>37</sup> <http://catalog.fmb.ru/china/10.shtml>. сайтидан олинган материаллар.

ривожланиши билан уларнинг табақалашуви ҳам содир бўлди. Хитой бугунги кунда юқорида қайд этилган тадбирлар натижасида дунёниг энг йирик экспортёр давлатига айланди. Бугунги кунда Хитойда турли даражада 120 та янги ва юқори технологияни ўзлаштирув зоналари, шундан 53 таси давлат ахамиятига молик зоналар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 137 та янги корхоналарни ташкил этувчи сервис-марказлар ишлаб турибди<sup>38</sup>. Хитойнинг инновацион ривожлашининг яна бир устивор тамойилларидан бири стратегик режалаштириш, прогнозлаш, дастурлаш каби иқтисодий дастаклардан юқори самара билан фойдаланишdir. Хитойнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг “Прогноз-2050” стратегик дастури ишлаб чиқилган ва иқтисодий ҳаётга муваффақият билан татбиқ этилмоқда.

АҚШда инновацион фаолиятни ташкил этишда давлатнинг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар Японияда инновацион фаолиятни ташкил этишда хусусий бизнес устивор ва унинг салмоғи катта бўлса, АҚШда эса инновацион фаолият давлат томонидан кўллаб-қувватланади, бошқарилади ва мувофиқлаштирилади (1 - жадвал).

#### 1-жадвал.

#### **АҚШда давлат томонидан инновацион фаолиятини тартибга солувчи давлат органлари<sup>39</sup>**

Т/р	Давлат органлари номлари	Вазифаси
1	<b>Америка илмий жамғармаси</b>	Мамлакатда олиб борилаётган фундаментал тадқиқотларни бошқаради ва мувофиқлаштиради.
2	<b>Америка илмий кенгаши</b>	Саноат соҳасидаги илмий тадқиқотлар олиб боради ва илмий-ўқув жараёнларни ташкил этади ва бошқаради.
3	<b>НАСА</b>	Агрокосмик тадқиқотларни олиб боради
4	<b>Миллий стандартлар бюроси</b>	АҚШда ишлаб чиқарилган, мамлакатга киритилаётган товарлар, хизматларни стандартлаш ишларини ташкил этади ва бошқаради.
5	<b>Мудофаа вазирлиги</b>	Ҳарбий мудофаа соҳасидаги илмий тадқиқотларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради.
6	<b>Саноат тадқиқотлари Миллий маркази</b>	Саноат билан бошқа тармоқлар, соҳалар интеграциясини таъминловчи илмий-тадқиқотларни олиб боради.
7	<b>Миллий фанлар академияси</b>	Мамлакат миқёсида олиб борилаётган фундаментал, илмий-амалий тадқиқотларни

<sup>38</sup> Экономическое обозрение №12(134) 2010, стр.32-33.

<sup>39</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

<b>Т/р</b>	<b>Давлат органлари номлари</b>	<b>Вазифаси</b>
		ташкил этади ва мувофиқлаштиради.
8	<b>Миллий техника академияси</b>	Американи модернизациялаш, техник-технологик янгилашга оид тадқиқотларни ташкил этади, бошқаради ва мувофиқлаштиради.
9	<b>Америка фанлари ривожланишига кўмаклашувчи ассоциация</b>	Барча фанларни ривожлантириш, такомиллаштириш, бойитишга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқаради ва амалга оширади.

Жадвалда келтирилган 9 та ташкилотдан 1-5 қаторда жойлашганлари тўлиқ бюджетдан, қолган 4 та эса аралаш молиялаштирилади, яъни 50 фоизи хусусий бизнес томонидан, 46 фоизи бюджетдан, қолгани эса бошқа манбалардан молиялаштирилади. АҚШ инновацион ривожланишининг ўзига хос жиҳати – бу давлат аҳамиятига молик йирик илмий лойиҳалар давлат томонидан тўлиқ молиялаштирилади. Мазкур лойиҳаларни ишлаб чиқиш, реализация қилиш венчур жамғармалари ва тадқиқот марказлари томонидан амалга оширилади. Инновацион ривожланишни таъминлашнинг муҳим шартшароитларидан бири – тегишли инфраструктура яратишdir ва бу муаммо ҳам давлат томонидан ҳал этилади.

АҚШда янгиликлар ва ихтиrolарни тарқатиш, уларни тушунтириш, реклама қилиш марказлари кенг ташкил этилган. Давлат бир томондан инвестицияларнинг яратувчиси сифатида иштирок этади ва бошқа томондан эса, уларнинг истеъмолчиси ҳам ўзи ҳисобланади. Инвестициялар учун масъул давлат органлари мамлакатда ва чет эллардаги инновацион жараёнларни кузатиб боради энг илғор технологияларни топиш, уларни экспертиза қилиш, кенг тарқатиш каби амалий ишларни бажаради ва прогнозлаш ишларини амалга оширади. АҚШда инновацион ривожланишни таъминлашда солиқ тизими имтиёзларидан самарали фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. АҚШда интелектуал мулк субъектлари ва объектларини солиққа тортишда бир қатор имтиёзлар қўлланилади. Масалан, АҚШда интелектуал мулк объектларини (ИМО) солиққа тортишда қўлланиладиган солиқ – бу даромад солиғидир. Агар интелектуал мулк объектларни олди-сотди операциялари жараёнида барча қилинган ҳаражатлар солиқ базасидан чиқариб ташланади.

Америка солиқ кодексида интелектуал мулк объектларни ташкил этишда уларни ташкил этишга қилинган ва тўлаб берилган ҳаражатлар, одатий ва зарурий ҳаражатлар солиқ базасидан чиқариб ташланади. АҚШда ИМОни сотишда ҳам сотувчи-солиқ тўловчига бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган. Масалан, агар лицензия сотиш орқали олинган даромаддан бирламчи солиқ базасидан олинган ставкадан солиқ олинади, устав капиталидан эмас .

Дунёнинг инновацион ривожланган давлатлари (АҚШ, Япония) ва жадал суръатлар билан ривожланаётган (Хитой) давлатларида юритилаётган самарали солиқ ва бошқа имтиёзлар тизими қуидагиларда намоён бўлади:

- муаллифлик ҳукуки ва интелектуал мулкнинг даҳлсизлигини иқтисодий-маънавий жиҳатдан таъминлаш;
- ИТТКИдан олинаётган фойдадан олинадиган солиқнинг бир қисми ёки тўлиқ ҳажмини ўша соҳага хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрига қолдириш;
- йириқ, давлат аҳамиятига молик лойиҳаларни реализация қилаётган лойиҳа иштирокчиларига “солиқ таътили” тизимини қўллаш;
- инновацион фаолият иштирокчиларининг олаётган дивидентлари, фойдасини имтиёзли солиққа тортиш;
- инновацион фаолият субъектларининг эҳтиёжлари учун қилинадиган товар-моддий бойликларни харид қилишда имтиёзли солиқ, бож-тариф тизимини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

## **2. Мамлакатнинг инновацион салоҳиятини ўлчашда миқдорий ва сифатни аниқловчи индикаторлар.**

Индустрiali ривожланган давлатларда муомаладаги пул массаси билан товарлар, хизматлар қийматининг массаси ўртасидаги нисбатнинг кескин бузилиши содир бўлди ва бундай нохуш ҳолатлар дунё иқтисодиётида кузатилаётган технологик, энергетик, экологик муаммоларни янада мураккаблаштириб уларни долзарб масалаларга айлантиrmоқда. Мазкур муаммолар эса ўз навбатида жаҳон хўжалигида глобаллашув тенденцияларини кучайтириб, халқаро иқтисодий ҳамкорлик тамойиллари, шакллари, йўналишларини ўзгартиrmоқда ва пиrowардида бу ҳолатлар миллий хўжаликларга салбий таъсир этмоқда.

Маълумки бугунги кунда индустрiali ривожланган давлатларда иқтисодий ўсиш омиллари олдингидек капитал, меҳнат ва ишлаб чиқариш воситаларигина бўлиб қолмасдан балки иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида юқори сифатли саноат маҳсулотлари, рақобатбардош интелектуал маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи билимлар, ғоялар ва янги технологиялар юзага чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносаб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда миintaқа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда” деб, эътироф этган эди.<sup>40</sup>

Дунё иқтисодиётида охирги йилларда содир бўлган ва давом этаётган инқирозли жараёнлар миллий иқтисодиётларда ҳам ҳар томонлама пухта

ўйланган иқтисодий сиёсат юритишни тақоза этмоқда. Дарҳақиқат, жаҳон иқтисодиётининг барқарор ўсиши учта глобал омил, яъни ишлаб чиқаришнинг техник-технологик даражаси, инновацион фаолият олиб борувчи институтлар ва субъектнинг самарали фаолияти, мамлакатда олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсат ва унинг натижасида шакллантирилган мўтадил инвестиция муҳити ҳал этувчи омил бўлиб қолмоқда. Агар юқорида келтирилган омиллар мисолида мамлакатимизда инновацион ривожланиш ҳолатини таҳлил қилинадиган бўлса қуидагиларни айтиш жоиз бўлади. Саноати юксак ривожланган давлатлар (АҚШ, Англия, Франция) тажрибаси, жўшқин ривожланиш палласини бошидан кечираётган давлатлар (Малайзия, Сингапур, Ж.Корея, Таиланд)да олиб борилаётган ислоҳотлар тажрибасидан кўринадики замонавий иқтисодиёт инновацион-интелектуал тавсифга эга бўлиб бормоқда. Маълумки, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, юқори суръатлар билан ривожланиши самарали инвестиция ва инновацион сиёсати, улар ўртасидаги диалектик алоқадорлик тамойиллари асосида таъминланмоқда.

Қайси иқтисодий маконда тадбиркорликка кенг йўл, такомиллашган рақобат механизми, мўтадил инвестиция муҳити ва оқилона инвестиция сиёсати юритилса ўша худудда иқтисодий ривожланиш инновацион тавсифга эга бўлади, иқтисодиёт жадал суръатлар билан ривожланади ва қисқа вақт ичида иқтисодий жиҳатдан қолоқ давлатларнинг индустрисал ривожланган давлатга айланишига замин яратилади.

Бундан ташқари, юқорида келтирилган халқаро иқтисодиётдаги янги тенденциялар, иқтисодий ўсиш, ривожланиш омилларининг ўзгариши ўз навбатида инновацион иқтисодиётга ўтишни ҳаётий заруратига айлантиrmоқда. Шунингдек, бу жараёнда бир қатор омиллар, шарт-шароитлар инновацион иқтисодиётга ўтишни тақоза этмоқда (2.1 - жадвал).

Жадвалдан кўринадики, инновацион иқтисодиётга ўтиш заруратини иқтисодиётда даврийлик тавсифига эга бўлган молиявий-иктисодий инқирозларнинг вақти-вақти билан содир бўлиб туриши, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг молиявий мустақиллигини ва рақобатбардошлигини таъминлаш, табиий, иқтисодий ва минерал ресурсларнинг чекланганлиги, аҳоли сонининг узлуксиз равишда ошиб бориши, миллий иқтисодиёт тармоқлари, соҳаларидаги асосий фондларнинг эскириш даражасининг юқорилиги каби омиллар киради. Ушбу омилларнинг ҳар бири муайян функционал вазифани бажаради. Мазкур омиллар ҳар бир миллий давлатни инновацион ривожланиш йўлини танлашга мажбур этадиган

ва мамлакатда эса барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайдиган омиллар ҳисобланади.

## 2.1. - жадвал.

### Инновацион ривожланишига ўтиш заруриятини белгиловчи омиллар<sup>41</sup>

Омиллар	Функционал вазифаси
Иқтисодиётда даврийлик тавсифига эга бўлган молиявий-иқтисодий инқирозларнинг вақти-вақти билан содир бўлиб туриши	Жамиятда ижтимоий-иқтисодий тангликларнинг келиб чиқиши ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инқироздан чиқиш учун ўз фаолиятига ихтиrolар ва янги ёндашувларни қўллашнинг долзарб масалага айланиши.
Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг молиявий мустақиллиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш	Бозор иштирокчилари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришни техник-технологик янгилаш, модернизация қилишига ўтилиши.
Табиий, иқтисодий ва минерал ресурсларнинг чекланганлиги	Ресурслардан тежамкорлик билан самарали фойдаланиш ва шу мақсадда замонавий технологиялар, стандартлар ишлаб чиқилиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг альтернатив усулларига ўтиши.
Аҳоли сонининг узлуксиз равища ошиб бориши	Дунё, мамлакатлар аҳолисининг ўсиши, эҳтиёжларнинг табиий ва ўз-ўзидан узлуксиз ошиб бориш тенденциясининг вужудга келиши.
Миллий иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги асосий фонdlарнинг эскириш даражасининг юқорилиги	Давлат ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун асосий фонdlарни янгилаш муддатларини қисқартириш орқали таркибий ўзгаришларни амалга ошириш.

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётни инновацион ишлаб чиқаришга ўtkазиш нафақат фан-техника тараққиётига, саноатда янги тармоқларнинг ривожланишига балки иқтисодиётнинг барча соҳа, тармоқларини янгилаш, модернизация қилиш, уларга янги технологияларни киритиш ҳамда жамият ҳаётининг маънавий, маърифий томонларини, бошқарув тизимини, унинг усуллари, йўлларини такомиллаштириш ҳамда ижтимоий онгни юксалтиришни ҳам шарт қилиб қўймоқда. 2008 йил АҚШ иқтисодиётининг ипотека бозоридан

<sup>41</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

бошланган молиявий-иктисодий инқироз дунё мамлакатларининг инновацион фаолликни жадаллаштиришини ҳаётй заруриятга айлантирди. Маълумки, ҳар бир инқироздан чиқишининг янги усуллари инновацияларга асосланган янги техник-технологик йўналишларни вужудга келтиради. Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, назарий жиҳатдан инқироздан чиқиш ёки уни инқироздан сақланишининг асосий йўлларидан бири бу – иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга ўтишdir.

Инновацион иқтисодиётнинг асосий белгилари, яъни мезонлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади (1-чизма).



## 2.1.- чизма. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш мезонлари<sup>42</sup>

Чизмада келтирилган мезонларга кўра Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантириш масаласининг қай ҳолатда эканлигига баҳо бериш мумкин бўлади. Инновацион иқтисодиётнинг шаклланиш ва ривожланишини акс эттирувчи мезонларнинг асосийлари саноатнинг ривожланганлик даражаси, юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, ЯИМда ИТТКИга қилинган харажатлар салмоғи, ЯИМ таркибида инновацион

<sup>42</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

маҳсулотлар улуши, мамлакатда қилинган ва рўйхатга олинган ихтиrolар, кашфиётлар, патентлар сони ва уларнинг тижоратлашув даражаси ҳисобланади.

Маълумки, инновацион ривожланишнинг асосини саноат тармоғи ва унинг турли йўналишлари ташкил этади. Шу нақтаи назардан Ўзбекистоннинг инновацион ривожланишининг ҳозирги ҳолати, истиқболи ҳақида сўз юритишини саноат тармоғининг таҳлилидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон саноати ривожланган давлатлар қаторига киради ва ялпи ички маҳсулотда саноат маҳсулотининг улуши –55 фоизни ташкил этади (2010 йил якунига кўра).<sup>43</sup> Мамлакатимизда саноатнинг машинасозлик, енгил саноат, пахта тозалаш ва қайта ишлаш, газ, рангли металлургия, электротехника, радиоэлектроника ва приборсозлик соҳалари ривожланган. Кейинги йилларда саноатнинг нефти-газ, нефти-кимё, энергетика, металлургия ва автомобилсозлик соҳалари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Саноат тармоғининг 100 ортиқ йўналишларида 2200 дан ортиқ концерн, ишлаб чиқариш бирлашмалар, корхоналар томонидан енгил ва юк автомобили, тракторлар, самолётлар, пахта териш машиналари, кабель, текстиль станоклари, лифт, кран, турли трансформаторлар, компрессор станциялари, минерал ўғитлар ва х.к. каби кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Маълумки 1991 йилгача республикамизга -6,0 млн. тоннагача нефт маҳсулотлари келтирилар эди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг нефть-газ тармоғига шу соҳадаги дунёнинг етакчи “Келлог” (АҚШ), “Нишо Иван” (Япония) компаниялари билан ҳамкорликда Кўкдумалоқ нефт конденсат кони реконструкция қилинди. 1997 йиллар Бухоро нефти қайта ишлаш заводи “Теннип”(Франция), “Марубени”(Япония) компаниялари ёрдамида модернизация қилинди ва ишга туширилди. Ўрта Осиёда энг йирик полиэтилен ва этилен “Шуртан газ-кимё комплекси”, “ААБ Ламус Глобал”(АҚШ), “Мицун”, “Нишо Иван”(Япония) халқаро консорциуми томонидан қурилиб, ишга туширилди. Саноатнинг нефть-газ тармоғига киритилган чет эл инвестицияси иштирокида шу соҳада дунёда яратилган энг замонавий сўнгги техника ва технологиялар жорий этилди. Мазкур соҳага инновацион ёндашув тарихан қисқа давр ичida Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминлашга моддий асос яратди. Мустақиллик йилларида енгил саноатда 100дан ортиқ чет эл инвестицияси иштирокида корхоналар ташкил этилди. “Катекс”, “Элтекс” қўшма корхонаси, (Қорақалпоғистон Республикаси), “Кабул ЛТД” корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон енгил саноатида Германия, Швейцария, Италия, Япония, АҚШ, Ҳиндистонлик инвесторлар томонидан дунё енгил саноатининг етакчи компаниялари, яъни “Цензер”, “Шлафхорст” (Германия), “Ритер”(Швейцария), “Тайода”, “Мурата” (Япония), “Савио”, “Оризио” (Италия) томонидан тармоқса юқори технологияли, замонавий ишлаб чиқариш линиялари киритилди ва

бугунги кунда муваффақият билан ишламоқда. Ўзбекистонда енгил ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг 2010-2015 йилларга мўлжалланган Дастури доирасида тармоқда -1,3 млрд. АҚШ доллари ҳажмида чет эл инвестициясини киритиш, қиймати -1,6 млрд. долларини ташкил этадиган 100 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш, экспортни эса 2,0 млрд. АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган.

Электротехника тармоғида ҳам “Алгоритм”, ОАЖ “Фотон”, ОАЖ “Зенит”, ОАЖ “Сино” ОАЖ.ни модернизация қилишга, улар томонидан майший электр техникалари, жиҳозларини ишлаб чиқаришга -83,5 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш режалаштирилмоқда.<sup>44</sup>

### **3. Илмий тадқиқот марказлари ва таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда давлат роли.**

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, хукуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг муҳим тамойилларидан бири давлатнинг бош ислоҳотчилик роли ва ундан самарали фойдаланишdir. Ҳақиқат ҳам Осиё қитъасида яшовчи халқларнинг менталитети, урф-одатлари, ишлаб чиқариш усулларида давлатга ҳамиша алоҳида вазифа юклатилган ва тарихан бу ўзини оқлаган. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, республиканинг географик жойлашуви, демографик омиллар, аҳоли таркибида ёш болалар ҳиссасининг бошқа давлатларга нисбатан кўплиги ва аҳоли ўсиш суръатларининг юқорилиги давлатнинг ролини, айниқса иқтисодиётни самарали макроиктисодий сиёsat юритиш орқали тартибга солиш масалаларида янада долзарб қилиб қўяди. Бизнингча табиатда заҳиралари камайиб тугаб бораётган энергия манбаларини энергиянинг альтернатив манбаларига ўтказиш, иқтисодиётда фақат хом ашё, бирламчи ишлов берилган маҳсулотлар ёки ярим фабрикат ишлаб чиқариш моделидан юқори технологиялар асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган инновацион моделга ўтказиш бугунги куннинг энг долзарб масалалари ҳисобланади. Чунки, миллий иқтисодиётда мустақиллик йилларида тарихан қисқа давр (20 йил) ичida мисли кўрилмаган, асрга татигувлик ютуқлар ва натижаларга эришдик.

Мамлакат миқёсида макроиктисодий мутаносиблик ва мувозанатликка эришиш, барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши, ташқи савдо фаолиятининг жадал суръатлари билан ривожланиши, хусусан экспорт салоҳиятимизнинг кескин ошганлиги шулар жумласидандир. Лекин, қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда айrim ва ўз ечимини кутаётган жиддий муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Мазкур муаммоларни умумлаштириб тавсифлайдиган бўлсак –бу Ўзбекистон иқтисодиётида кўпроқ экстенсив ўсиш

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлар. “ЎЗБЕКИСТОН”НМИУ, 2011-236.

устивор бўлган анънавий ишлаб чиқариш, мавжуд техник технологик укладдан иқтисодий ўсишни интенсив омиллар ҳисобига таъминлайдиган, замонавий, модернизациялашган техник-технологик укладини қарор топтириш негизида инновацион ишлаб чиқаришга ўтишдир. Инновацион ишлаб чиқариш модели – бу миллий иқтисодиётнинг барча салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ЯИМ таркибида тайёр маҳсулотлар ҳиссасини ошириш, иқтисодиёт, мамлакат рақобатбардошлиги таъминлашдир. Инновацион ишлаб чиқариш аҳоли турмуш даражасини кескин юксалтиришнинг асосий йўли ва техник-технологик асоси ҳисобланади.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки бизнинг иқтисодиёт соҳасида эришган ютуқларимиз замирида катта харажатлар, қўшимча маблағларни сарфлаш, иқтисодиётнинг реал сектор тармоқлари ва соҳаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибида тайёр маҳсулотлар кам бўлиб, асосан табиий хом ашё ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш кўзга ташланади. Инновацион усулда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ЯИМ таркибида ғоят кам фоизларни ташкил этиши, иқтисодий самарадорлик, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларнинг пастлиги ҳам ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб айтмоқчимизки, республикада юритилаётган макроиқтисодий сиёсатнинг айрим жиҳатларини замон рухига мослаштириш, яъни янада такомиллаштиришни зарур деб, ҳисоблаймиз. Иқтисодий амалиётдан маълумки макроиқтисодий сиёсатнинг инвестициялар, солиқлар ва солиққа тортиш, бож-тариф, молия-кредит, йўналишларини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг таъсирчанлигини ошириш барқарор иқтисодий ўсишни инновацион йўллар билан таъминлашга тегишли хуқукий, ташкилий-иқтисодий асос яратади деб ўйлаймиз.

Давлатнинг инвестиция сиёсати – иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, техник технологик янгилаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Маълумки, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий унсурларидан бири капитал ҳисобланади ва унинг истеъмол ва жамғаришга сарфланадиган қисмлари ўртасидаги нисбат муайян тарзда оқилона бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари инвестициялар манбаи ва ҳажми улардан самарали фойдаланиш иқтисодиётда асосий фондларни янгилаб бориш, тармоқ ва соҳаларни модернизация қилиш, ўсиш суръатларини юксалтиришда катта аҳамият касб этади. Бу жараёнда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми муҳим рол ўйнайди.

1. Ўзбекистонда инновацион ривожланишга ўтиш бўйича амалга оширилган ишлар ва қабул қилинган чора-тадбирлар кўзга кўринарли бўлсада, талаб даражасидан анча йироқ. Чунки, инновацион иқтисодиётни шакллантириш, ривожлантиришнинг асосий харакатлантирувчи кучи тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Тадбиркорларни инновацион фаолиятга ўтказиш, солиққа тортиш, бож-таъриф, экспорт-импорт ва конвертация масалаларида рағбатлантиришнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

2. Оқилона солиққа тортиш, солиқ имтиёзларини қўллаш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини, хусусан инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали иқтисодиётни модернизация, диверсификация қилиш, техник-технологик янгилаш ва пировардида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашга тўғридан-тўғри ижобий таъсир кўрсатади. Миллий товар ишлаб чиқарувчилар учун табақалашган солиқ имтиёзлари тизимини яратиш бугунги кунда долзарб муаммодир.

3. Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўлига ўтказишида қўйидаги муаммолар мавжуд:

– инновацион иқтисодиётга ўтишда зарур бўлган инвестицияларнинг мамлакат худудида нотекис тақсимланганлиги ва инфратузилманинг тегишли даражада яратилмаганлиги;

– мамлакатда фан-техника тараққиёти билан ишлаб чиқариш алоқадорлигининг заифлиги, яратилган ихтиrolар, янгиликлар, кашибиётларнинг ишлаб чиқариш амалиётига татбиқ этишнинг мукаммал механизмининг йўқлиги;

– республикада инновацион ривожлантиришни таъминлашнинг стратегик режаси, дастурининг тўлиқ яратилмаганлиги ва бу жараёнда истиқболли режалаштириш, прогнозлаш дастакларидан самарали фойдаланимаётганлиги;

– иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги мезонларининг ишлаб чиқилмаганлиги ва инвестицияларнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан камроқ киритилмаётганлиги.

Диссертация ишида мамлакатда инновацион ривожланишни таъминлаш ва бу жараёнда солиқ сиёсати, солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш масалаларини такомиллаштиришга оид қўйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ривожланган давлатлардан инновацион маҳсулотнинг расмий-хукуқий шакли бўлган патент, лицензияларнинг кам харид қилиниши ва оқибатда замонавий техника-технологияларнинг миллий иқтисодиётга суст жорий этилиши.

2. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётнинг моддий асоси ҳисобланган технополислар, технопарклар, бизнес инкубаторлар ва илмий-техник марказларнинг ташкил этилмаганлиги инновацион иқтисодиётга ўтишдаги катта муаммолардан бири ҳисобланади ва уларни зудлик билан ташкил этиш чораларини кўриш зарур.

3. Эркин иқтисодий зоналар(ЭИЗ) – инновацион иқтисодиётнинг моддий, техник-технологик асосини яратувчи манбалар ҳисобланади. Уларнинг ташкил этишнинг хукуқий-ташкилий масалаларини ҳал этиш ва сонини кўпайтиришнинг чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш лозим.

#### **4-амалий машғулот.**

#### **Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши.**

**Режа:**

- 1. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши.**
- 2. Инновацияга асосланган иқтисодий тизимнинг хусусиятлари.**
- 3. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш истиқболлари.**

**Таянч иборалар:** Миллий инновацион тизим. Инновацияга асосланган иқтисод. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш истиқболлари.

#### **1. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши.**

Миллий инновацион тизимни шакллантириш концепцияси ўтган асрнинг 80 йиллар бошидан ривожлана бошлади. Бунда “миллий” сўзи тавсифи айнан “давлат” инновация тизими деган мазмунни англатади.

Турли мамлакатларнинг миллий инновацион тизими бир биридан фарқ қиласди. Шу кунгача миллий инновацион тизимининг ягона таърифи мавжуд эмас. Шунингдек, турли мамлаатлар миллий инновацион тизими олдига турли мақсадлар қўйилиши мумкин. Францияда миллий инновацион тизимининг асосий вазифаси қўшимча иш ўринлари ташкил қилиш, Германияда илғор технологияларни ривожлантиришдан иборат, деб ҳисобланади. Бунда европалик экспертларнинг берган баҳоларига кўра, ҳар икки миллий инновацион тизимнинг умумий самарадорлиги деярли бир хил.

Инновация фаолиятининг ривожланишига на давлат тури, на сиёсий тадбирлар таъсир кўрсата олади. Инновация фаолияти федерал давлатларда ҳам (АҚШ, Германия), унитар давлатларда ҳам (Франция), конституцион монархия давлатларида ҳам (Буюк Британия, Голландия, Испания), шунингдек коммунистик тартибга эга давлатларда (Хитой) ҳам муваффақиятли ривожланаверади. Бунда умумийлик шундаки, хорижда инноавион жараёларнинг ривожланиши барқарор сиёсий вазият ва барқарор фаолият юритаётган иқтисодиёт шароитида юз беради.

Миллий инновацион тизими концепцияси Европа иттифоқининг бир қатор аъзо мамлакатларида, шунингдек, АҚШ ва Японияда кенг ривожланган. Миллий инновацион тизими инновацион фаолият субъектлари мажмуудан, улар ўртасидаги билимларнинг юзага келиши, тарқалиши ва улардан фойдаланиш жараёнларини таъминлаб берувчи муносабатлардан ташил топади. Инновация тизимининг асосий элементлари қаторида инновация инфратузилмаси, молиявий инфратузилма, илмий салоҳият каби кичик тизимларни санаб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳар бирида тадқиқотларни молиялаштиришнинг асосий қисми (100%гача) бюджет манбаларидан (ҳам федерал, ҳам минтақавий бюджетлардан) амалга оширилади.

## **2. Инновацияга асосланган иқтисодий тизимнинг хусусиятлари.**

Ривожланишнинг инновацион тизимида миллий инновацион тизимни шаклланиши алоҳида эътиборни талаб қилади. Миллий инновацион тизим тушунчаси инновацион иқтисодиётнинг муҳим белгиси сифатида фанга XXасрнинг 70-йилларида кириб келди.

К.Фриманнинг фикрига кўра, миллий инновацион тизим – жамият томонидан ичстеъмол қилинадиган янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматларнинг яратилишидаги янги билимларни ишлаб чиқишида, сақлашда, тарқатишида ва янги технологияларга айланишида қатнашадиган иқтисодий субъектлар ва ижтимоий институтларнинг (қадриятлар, меъёrlар, хукуқларнинг) мураккаб тизими ҳисобланади<sup>45</sup>.

Технологик изчилилк қонуниятларини ва унинг тарихий мантиқий кетма-кетлигини ўрганадиган эволюцион иқтисодий назария “техник иқтисодий прадигма” ва “технологик траектория” тушунчаларига асосланади. У макродаражадаги иқтисодий ўсиш бир томондан турли-туманликка ва ноаниқликларга, иккинчи томондан эса микродаражада иқтисодий жараёнларни бир-бирига уйғунлаштириш, мутаносибликни таъминлаш, мувофиқлаштириш ва стандартлаштиришга боғлиқлигини қайд этади.

Инновацион ривожланиш концепцияси Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР), Жаҳон банки ва бошқа қатор халқаро ташкилотларнинг ташабуссига кўра кенг ривожланмоқда. Мазкур халқаро институтларнинг ташабуси билан кейинги йилларда бир қатор аналитик тадқиқотлар амалга оширилди, уларнинг тадқиқотлари миллий иқтисодиётни анъанавий индустрисал иқтисодиётдан билимга, илмга асосланган постиндустриал иқтисодиётга тарнсформация жараёнларига бағишлиланган.

Глобал миқёсда кечаётган тенденциялар мамлакат, унинг минтақалари, барча фаолият соҳалари, биринчи навбатда, фан-техника ва инновациялар соҳасини янада ривожлантириш сценарийларини ишлаб чиқишида албатта ҳисобга олиниши лозим. Илмий-техник ва инновацион фаолиятни кучайтириш, юқори технологияли ва кўп илм талаб қиласидиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ҳисобига иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, юқори технологияли укладга ўтиш Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига тенг хукуқли ҳамкор сифатида кириб боришидан умид қилишга имкон берадиган зарур шартлардан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг ривожланиши билан фан ўсиш тенденциялари ва ўзига хос қонунларига, иш усуллари, техника ва технологияларига, меҳнатни ташкил қилиш тизими ва тамойилларига, маҳсус тайёрланган кадрларга эга бўлган инсон фаолиятининг мустақил бир соҳасига айланди. Бу бошқа кўпчилик соҳалардан фарқли равишда, ўсиш чегарасини билмайдиган, доимий равишда ривожланиб борадиган соҳадир. Шу билан бирга, фан соҳаси учун

<sup>45</sup>Freeman C. Technology Policy and Economic Performance. L.: PrinterPublishers, 1987. 570 p.

ажратиладиган ресурслар – меҳнат ресурслари, молиявий ресурслар ва моддий ресурслар – маълум бир чегарага эга. Айнан ресурслар чекланганлиги бу ресурслардан илмий-техник фаолиятнинг устувор йўналишлари ва турларида мақсадли фойдаланишга йўналтириш тактика ва стратегиясини ишлаб чиқишига мажбур қиласди.

Таълим ва янгилик учун инновацияцион динамикаси ва оқибатларини ўзгартириш муҳим ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларда билимга асосланган иқтисодиёт ва глобаллашув инновацияларнинг доимий ўсиш динамикасида қайт этилади<sup>46</sup>.

Илмий фаолият (илмий-тадқиқотчилик фаолияти)- янги билимлар олиш ва қўллашга йўналтирилган фаолият, жумладан:

➤ фундаментал илмий тадқиқотлар – инсон, жамият ва атроф-муҳит тузилиши, фаолияти ва ривожланишининг асосий қонуниятлари ҳақида янги билимлар олишга йўналтирилган экспериментал ёки назарий фаолият;

➤ амалий илмий тадқиқотлар – асосан амалий мақсадларга эришиш ва муайян вазифаларни ҳал қилиш учун янги билимлар қўллашга йўналтирилган тадқиқотлар.

Илмий-техник фаолият (ИТФ) – технологик, муҳандислик, иқтисодий, ижтимоий, гуманитар ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш, фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг умумий (яхлит) тизим сифатида фаолият юритишини таъминлаш учун йўналтирилган фаолият.

Экспериментал ишланмалар – илмий тадқиқотлар ўтказиш натижасида ёки амалий тажриба асосида олинган билимларга асосланган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлигини асрар, янги материаллар, маҳсулотлар, жараёнлар, қурилмалар, тизимлар ёки усууллар яратиш ва уларни янада такомиллаштиришга йўналтирилган фаолиятлар.

ИТФ алоҳида турларга тақсимланади. Улар ўртасидаги чегара шартли ҳисобланади ва уларни ажратиш қийин бўлади. Бунинг устига, ИТФда банд бўлганлар унинг бир тури билан тобора камроқ чегараланмоқда. Масалан, олим ва ихтрочи “фан – ишлаб чиқариш – истеъмол” бутун циклида иштирок этиши мумкин.

ИТФ нафақат натижалари илмий тадқиқотлар ва конструкторлик ишланмалар ҳисобланган соҳани (ИТКИ), балки лойиха ва конструкторлик ташкилотлари, ишлаб чиқариш аппарати, хўжалик тармоқлари ва саноатнинг ушбу ютуқлардан фойдаланиш қобилиятини, жумладан, бунинг учун зарур билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш қобилиятини ўз ичига олади. ИТФ тоифаларини тавсифлашга бундай ёндашув ИТФ бошқаруви учун методологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга, чунки унга амал қилган ҳолда бошқарув ва ташкилот объектлари янги техника ва технологиялар яратиш, ишлаб чиқариш

<sup>46</sup> Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. p. 50.

ва қўллашнинг барча босқич ва шаклларида ўзаро боғлиқликда бўлиши лозим. У амалда “фан – ишлаб чиқариш – истеъмол” цикли ҳақидаги тасаввурдан узвий бирликда фойдаланиш имконини беради.

Бундай ёндашув шу жиҳатдан ҳам маҳсулдор ҳисобланадики, у инсон фаолиятининг ҳар хил турдаги ва даражадаги илмий-техник комплексларни шакллантиришни асослаб бергунга қадар ушбу соҳасини ташкил қилиш шаклларини изоҳлаб ва асослаб беради.

Фан билим олиш, таълим, маданий, ижтимоий, ҳарбий ва бошқа бир қатор функцияларни бажаради. Бироқ товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан иқтисодий функция асосий функциялардан бирига айланмоқда. У бошқа барча фаолият соҳаларида муайян меҳнат унумдорлигини ошириш ва тежамкорликнинг асосий омилига айланади. Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда меҳнатни тежаш фаннинг ўзидағи меҳнат сарфига боғлиқ. Бу боғлиқлик фан соҳасига жамият учун зарур бўлган харажатларни шакллантириш объектив эҳтиёжини асослаб беради. Меҳнатни тежаш қонунийлиги қанчалик кучли бўлса, жамиятда меҳнат ва ресурсларнинг шунчалик катта қисми фанни ривожлантиришга йўналтирилиши лозим, демак, илмий билимлар қиймати ўсади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўп илм талаб қилиши, хўжаликнинг кўп илм талаб қиласидиган тармоқлари пайдо бўлиши ва ривожланиши тенденцияси ўсишининг назарий асослари шундан иборат бўлиб, бу бошқарувнинг турли поғоналарида илмий-техник ва инновацион сиёsat ишлаб чиқиш ва амалга оширда албатта ҳисобга олиниши зарур.

Фаннинг бевосита маҳсули – тушунчалар, назарий конструкциялар, моделлар ва янги билимлар таркибидаги бошқа ахборот бўлиб, мутахассислар томонидан бир хилда тушунилиш ва ўзлаштиришни таъминлайди.

Фаннинг бевосита маҳсули товарга айланмайди – у янгилик сифатида намоён бўлади.

Фан маҳсули ёки интеллектуал маҳсулот икки хил йўл билан – бозорда ва бозордан ташқарида сотиш йўли билан фойдаланилиши мумкин. Агарда интеллектуал фаолият маҳсулоти бозорда сотиладиган бўлса, бу ҳолда у янгиликлар тоифасидан инновациялар тоифасига ўтади.

Фанни бозор муносабатлари тизимиға жалб қилиш учун ҳозирги пайтда оралиқ натижа – илмий-техник маҳсулот – шартнома шартларига мувофиқ якунланган, бозор нархларида сотиладиган, буюртмачи томонидан қабул қилинган ИТТКИ натижаси ҳисобга олинади. «Янгиликлар киритиш» («инновация») атамаси охирги 15-20 йилдан бери илмий адабиётларда ва амалий фаолиятда кенг қўллана бошлади.

Янгилик кирити (новшество) бу – бирон-бир фаолият соҳасида унинг самарадорлигини ошириш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг расмийлаштирилган натижасидир.

Янгилик киритиш – фан ва техника ютукларидан бозорда амалий фойдаланиш бўйича фаолиятнинг оралиқ якунигина, холос. Янгилик киритиш интеллектуал маҳсулотнинг қўйидаги турларидан бири сифатида қайд этилиши

ва расмийлаштилиши мумкин: ихтиро, тушунча, илмий ёндашув, янги тамойил, стандарт, тавсия, услугият, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот (технология, бошқарув ёки ишлаб чиқариш жараёни, ташкилий, ишлаб чиқариш ёки бошқа структура) хужжатлари, патент, рационализаторлик таклифлари, кашфиётлар, «ноу-хау», маркетинг тадқиқотлари натижалари ва ҳ.к. Янгилик киритиш атамасининг синоними ҳисобланган новация тушунчаси илгари мавжуд бўлмаган биронта янгиликни ифодалайди.

«Янгилик киритиш» ва «новация» тушунчалари билан «тадқиқот», «ихтиро» ва «кашфиёт» тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Илгари маълум бўлмаган маълумотлар олиш ёки илгари маълум бўлмаган табиат ҳодисаларини ёки инсоният муҳитини кузатиш жараёни тадқиқот деб аталади.

Ихтиро бу – янги ускуна, механизм, восита, технология, усул ва инсон томонидан яратилган бошқаларда ўз аксини топадиган тадқиқот натижасидир.

Кашфиёт бу – тадқиқотларнинг, эҳтимол, қўшимча натижаси ҳисобланади. Кашфиётлар ва ихтиrolар қоидага кўра, фундаментал даражада юзага келади ва камдан-кам ҳолларда якка шахслар томонидан амалга оширилади. Улар тасодифан рўй бериши ва фойда олиш мақсадини қўзламаслиги ҳам мумкин.

Янгилик ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимиға жорий қилинганидан сўнг бозорда истеъмол қилинадиган янги маҳсулотга айланади ва уни сотишдан иқтисодий, ижтимоий ёки бошқа турдаги самара олинади, - у янги тоифага – инновацияларга айланади.

Адабиётларда «инновация» атамасига берилган кўплаб таърифларни топиш мумкин. Бироқ, тадқиқотчиларнинг ушбу иқтисодий тоифага алоҳида эътибор кўрсатишларига қарамай, илмий ғоя ҳалигача «инновациялар» тушунчасининг ҳам назария, ҳам амалиёт талабларига жавоб берадиган, шунингдек, уларни амалга оширишнинг муайян субъекти – давлат, минтақа, тармоқ ва корхона нуқтаи назаридан тўғри бўладиган универсал таърифини ишлаб чиқмаган.

«Инновациялар» атамасини янги иқтисодий тоифа сифатида фанга австриялик (кейинчалик америкалик) олим Йозеф Шумпетер XX асрнинг биринчи ўн йиллигига киритган. Ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси» номли асарида (1911й.) Й.Шумпетер илк бора ривожланишда ўзгаришларнинг янги комбинациялари масалаларини (яъни инновация масалаларини) кўриб чиқди ва инновацион жараёнга тўлиқ тавсиф берди.

Й. Шумпетер ривожланишдаги беш хил ўзгаришни ажратиб кўрсатди:

- 1) янги техника, технологик жараёнлар ёки ишлаб чиқаришнинг янгича бозор таъминотидан фойдаланиш;
- 2) янги хусусиятларга эга бўлган маҳсулот жорий қилиш;
- 3) янги хомашёдан фойдаланиш;
- 4) ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва унинг моддий-техника таъминотида ўзгаришлар;
- 5) янги сотув бозорларининг пайдо бўлиши.

У иқтисодиётда новатор-тадбиркор марказий фигурага айланишини исботлаб берди. Й.Шумпетерга кўра, инновация бу – истеъмол товарларининг янги турлари, янги ишлаб чиқариш ва транспорт воситалари, янги бозорлар ва саноатда ташкилотлар шаклларини жорий қилиш ва фойдаланиш мақсадидаги ўзгаришлардир.

Инновацион стратегия бу – жамият ривожланиши йўналишига мувофиқ технологияларда ҳам, технологияларни бошқаришда ҳам янгиликлар киритишни танлаш ва амалга ошириш тизимларини ўзгартириш жараёнини белгилаб берадиган қоидалар ва меъёрлар тўпламидир. Инновацион стратегиянинг энг олий вазифаси – инновацион жараён қатнашчиларининг манфаатлари ва турли йўналишдаги жараёнларни максимал даражада уйғунлаштириш ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати миллий иқтисодиётда инновацион ўзгаришларни амалга ошириш суръатларини жадалаштиришни талаб этмоқда. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки чуқур, самарали инновацион стратегияни амал қилиши мамлакат иқтисодий ва табиий омилларидан оқилона фойдаланиш орқалигини амалга ошириш мумкин. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодиёт инновацион шаклланиши энг аввало иқтисодий ўсишни таъминловчи тармоқлар ҳисобига юз беради, бу эса ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини хом ашё экспорт қилишини камайтириш билан бирга уни қайта ишлашни ривожлантиришга, валюта маблағларининг тежалишига, аҳоли бандлигининг ошишига сабаб бўлади. Ушбу омиллар ўз навбатида инновация стратегиясини амалга ошириш мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамланишига олиб келади

### **3. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш истиқболлар**

Илмий тадқиқот - янги билимларни ишлаб чиқиш жараёни, билиш фаолияти турларидан бири. Унга объективлик, ишончлилик, аниқлик хос. Илмий тадқиқот ҳамма шартларга амал қилиб тақорланганда ҳамиша бирдек натижа бериши, баҳс этилаётган масалани исботлаши лозим. Илмий тадқиқот бир-бири билан боғланган икки қисм — тажриба ва назариядан иборат. Илмий тадқиқотнинг асосий компонентлари: мавзуни белгилаш, мавжуд ахборотни, тадқиқот соҳасидаги шарт-шароит ва методларни, илмий фаразларни олдиндан тахлил этиш, тажриба ўтказиш, олинган натижалар-ни тахлил этиш ва умумлаштириш, келиб чиқсан фаразларни олинган далил-лар асосида текшириш, янги факт ва қонунларни ифодалаб бериш, илмий башорат юритиш. Илмий тадқиқотларни фундамен-тал ва амалий, микдорий ва сифатий, ноёб ва комплекс тадқиқотларга аж-ратиш кенг тарқалган. Илмий тадқиқотларнинг метод ва тажрибалари фаннинг ўзидағи-на эмас, балки кўпгина иқтисодий ва ижтимоий масалаларни қал қилишда ҳам кенг қўлланилади.

Илмий тадқиқот институтлари — фан, техника, ишлаб чиқариш соҳаларида илмий тадқиқот олиб борадиган муассаса. Дастреб 19-аср охири 20-аср бошларида вужудга келган. 1888 йил Парижда Пастер институти, 1909 йилда Радий институти ташкил этилган. 20-асрнинг бошларидан назарий масалалар билан бирга техника, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни саклаш бўйича муҳим муаммолар устида тадқиқотлар олиб борувчи турли Илмий тадқиқот институтлари пайдо булди. 20-асрнинг ўрталарига келиб Илмий тадқиқот институтлари кўп мамлакатларда илмий фаолиятни ташкил этишнинг асосий шакли бўлиб қолди. Ўзбекистонда асосий назарий муаммолар илмий тадқиқот ишларининг мувофикалашириш маркази — Ўзбешстон Фанлар академиясида тадқиқ этилади. Билимнинг муайян соҳаларини тадқиқ этувчи ва бевосита вазирликлар, давлат қўмиталарига буйсунувчи тармоқ Илмий тадқиқот институтлари ҳам мавжуд. Ўзбекистонда биринчи илмий тадқиқот муассасаси — Тошкент астрономия ва физика обсерваторияси (ҳоз. Астрономия институты) 1873 йилда ташкил этилган. 2000 йилда Ўзбекистонда 100 дан ортиқ Илмий тадқиқот институтлари ишлади.

### **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши.
2. Инновацияга асосланган иқтисодий тизимнинг хусусиятлари.
3. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиши истиқболлари.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. Т.: KONSAUDITINFORM – NASHR. 2011
2. European Commission (2015). Innovation Union Scoreboard 2015.
3. Petrariu, I.R., Bumbac, R., Ciobanu, R. (2013). Innovation: a path to competitiveness and economic growth. The case of CEE countries, Theoretical and Applied Economics, Vol. XX, No. 5 (582)
4. Edward B. Roberts, Fiona Murray and J. Daniel Kim(2015). Entrepreneurship and Innovation at MIT, Continuing Global Growth and Impact. MIT Sloan School of Management.
5. Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). 382. [www.bcpbookshop.co.uk](http://www.bcpbookshop.co.uk).
6. Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. 155. [info@idrc.ca](mailto:info@idrc.ca)/[www.idrc.ca](http://www.idrc.ca)

## **Интернет сайлари.**

1. www.economy.gov.ru
2. www.aza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz
5. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)
6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
9. www.wikipedia.org/

### **1 - амалий машғулот: Инновацион иқтисодиётнинг мазмуни, шаклланиши ва амал қилиш хусусиятлари.**

Дарс шакли бахс-мунозара. Ишнинг мақсади тингловчиларда инновацион ривожланишнинг моҳияти, инновацион иқтисодиёт ва унинг шаклланиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва қўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қўйидаги масалалар муҳлкама этилади:

1. Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни.
2. Билимларга асосланган иқтисодиёт ва унинг хусусиятлари.
3. Инновацион жараён моделлари ва амал қилиш қонуниятлари.

#### **❖ Муҳокама учун саволлар**

**Назорат саволлари:** Инновацион ривожланиш. Билимларга асосланган иқтисодиёт. Инновацион жараён. Инновацион модел. Инновацион мойиллик. Янгиликка интилиш. Инновацион барқарорлик.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. Т.: KONSAUDITINFORM – NASHR. 2011
2. European Commission (2015). Innovation Union Scoreboard 2015.
3. Petrariu, I.R, Bumbac, R., Ciobanu, R. (2013). Innovation: a path to competitiveness and economic growth. The case of CEE countries, Theoretical and Applied Economics, Vol. XX, No. 5 (582)
4. Edward B. Roberts, Fiona Murray and J. Daniel Kim(2015). Entrepreneurship and Innovation at MIT, Continuing Global Growth and Impact. MIT Sloan School of Management.
5. Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). 382. [www.bcpbookshop.co.uk](http://www.bcpbookshop.co.uk).

6. Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. 155.  
[info@idrc.ca](mailto:info@idrc.ca)/[www.idrc.ca](http://www.idrc.ca)

### **Интернет сайтлари.**

1. [www.economy.gov.ru](http://www.economy.gov.ru)
2. [www.aza.uz](http://www.aza.uz)
3. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
4. [www.stability.uz](http://www.stability.uz)
5. [www.wikipedia.org/](http://www.wikipedia.org/)
6. Corresponding author: [maryann.feldman@unc.edu](mailto:maryann.feldman@unc.edu), University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
